шунингдек, Бутунжаҳон антидопинг агентлигининг тавсия ва таклифларини инобатга олган ҳолда олиб бориши белгиланган [4].

Агентлик фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида юқоридаги қарордан ташқари, бир неча бор олий даражадаги ҳукумат қарорлари ҳам қабул қилинган. Хусусан, 2021 йил 6 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5057-сон "Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, 2023 йил 8 майдаги ПҚ-149-сон "Маъмурий ислоҳотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда 2018 йил 23 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлиги тўғрисида"ги Низоми бунга яққол мисол бўлади [5,6,7].

Мазкур қарорлар нафақат Агентлик фаолиятини янги босқичга олиб чиқди балки унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамият касб этди. Агентлик ўз фаолиятини юқоридаги қарорлар ва Низом асосида юритиб келади. Унда агентликнинг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулияти, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартиби белгиланган.

Ўзбекистон миллий антидопинг агентлигининг Терапевтик истиснолар борасидаги фаолияти

ЎзМАДА спортчиларнинг тиббий заруратини ва халқаро антидопинг қоидаларига мувофиқ адолатли рақобатни таъминлаш ҳамда юқоридаги қарорлар ижросини самарали таъминлаш мақсадида терапевтик истиснолар борасида кенг кўламли ишларни йўлга қўйган. Хусусан, 2023 йилда Агентлик томонидан Терапевтик истиснолар комисссияси (ТИК) ва экспертлар кенгаши таъсис этилган бўлиб, мазкур комиссияга тиббиёт, фармацевтика ва биокимё соҳасида фаолият юритадиган малакали мутахассислар жалб этилган. ТИКнинг асосий вазифаси, спортчилар томонидан келиб тушган ТИ аризаларини қисқа муддатда сифатли тарзда кўриб чиқиш ва уларни эксперт баҳолаш ҳамда хулоса беришдан иборат.

ТИ аризалари бўйича умумий кўрсаткичлар

2024 йил давомида ЎзМАДА Терапевтик истиснолар комисссияси томонидан 8 та Терапевтик истисно аризалари кўриб чиқилди. Қуйида ушбу аризалар бўйича чиқарилган натижалар келтирилган:

ТИ рухсати берилган аризалар: 5 та (62,5%).

ТИ рухсати рад этилган аризалар: 3 та (37,5%).

Келиб тушган ТИ аризаларининг 4 тасини ретроактив, 4 тасини проспектив аризалар ташкил этди. Мурожаатларнинг энг кўпини эндокринологик касалликлар (4 та) ташкил этган бўлса, офтальмологик касалликлар бўйича – 2 та, кардиологик ҳамда нефрологик касалликлар бўйича биттадан мурожаат келиб тушган.

Юқоридаги статистикадан кўринадики, ЎзМАДАга спортчилар томонидан кўпроқ эндокринологик касалликлар бўйича аризалар келиб тушган бўлса-да, мазкур аризаларнинг 3 таси шифокор томонидан нотўғри қўйилган ташхис ва/ёки нотўғри буюрилган дори воситаси туфайли рад этилишига сабаб бўлди. Бу шифокорларнинг ўз ишларига янада масъулиятли ёндошишлари кераклигини кўрсатади.

Гарчи офтальмологик ва кардиологик йўналишларда топширилган ТИ аризалари қаноатлантирилган бўлса-да, ушбу соҳалардаги тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва спортчилар билан ишлашда, айниқса уларга спортда таъқиқланган дори воситаларини буюришда огоҳ бўлишлари зарурлигини кўрсатди.

ЎзМАДАга юборилган ТИ аризаларидаги хато ва камчиликлар

Юқори ёзилганидек, ТИ аризаларини топширишнинг ўзига хос мезонлари бўлиб, спортчи ва унинг шифокори томонидан мазкур мезонларга риоя қилмаслик топширилган ТИ аризасининг қайтарилишига ва/ёки аризани кўриб чиқиш муҳлатининг чўзилиб кетишига олиб келиши мумкин. Хусусан, проспектив тарзда топширилган ТИ аризалари спортчининг кейинги мусобақасидан камида 30 кун олдин топширилиш талаб этилади. Сабаби, ТИ аризаларини кўриб чиқишнинг муҳлати кўпи билан 21 кунни ташкил этади [2, 3]. Ариза мазкур муҳлатда кўриб чиқилмаганда, спортчи қатнашиши режалаштирилган мусобақанинг бошланиб қолиши ва спортчининг карьерасига салбий таъсир қилиш хавфи туғилади. Шунга кўра, ТИ учун мурожаат қилинганда спортчи ва унинг даволовчи шифокори мукаммал тўлдирилган ТИ аризасидан ташқари, спортчининг ташхисини тасдиқловчи етарли тиббий маълумотларни ҳам тақдим этишлари лозим бўлади.

ЎзМАДА томонидан мана шундай ҳолатларни олдини олиш мақсадида мунтазам равишда спортчилар, спорт шифокорлари ва бошқа мутасаддилар учун антидопинг таълимоти, хусусан, ТИ борасида семинар, вебинар ҳамда онлайн учрашувлар ташкиллаштириб, уларга соҳага тегишли муҳим маълумотлар бериб борилади. Шунга қарамай, ТИ аризаси топшириш жараёнида қатор камчиликлар кузатилмоқда. Ушбу хатолар жараённинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатган ҳолда, спортчиларнинг рухсат олиш имкониятини қийинлаштирмоқда. ТИга мурожаат қилишда йўл қўйилаётган камчиликлар орасида қуйидагиларни таъкидлаш ўринлидир:

1. **Аризани тўлдиришдаги камчиликлар:**

- Спортчи ва шифокорлар томонидан ариза шаклини нотўғри ёки чала тўлдириш.
- Инглиз тилини яхши билмаслик сабабли маълумотларни нотўғри киритиш.
- Тиббий ташхисни ёки зарур тиббий маълумотларни нотўғри кўрсатиш.

2. **Тиббий хулосаларнинг етишмаслиги:**

- Етарли тиббий ҳужжатларнинг тақдим этилмаслиги.
- Қўшимча тиббий таҳлиллар талаб қилинганда, уларни топширишда муддатнинг чўзилиб кетиши ёки спортчиларнинг уларни топширишдан бош тортиши.

3. **Шифокорлар билан боғлиқ муаммолар:**

- Шифокорлар томонидан ариза тўлдиришни рад этиш.
- Ариза шаклига имзо қўймаслик.
- Нотўғри ташхис қўйиш ёки даволаш учун ноўрин дори воситаларини ёзиш.

Ушбу юқорида санаб ўтилган муаммолар туфайли, Агентлик томонидан ТИ аризаларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва хулоса бериш қийинлашмоқда. Бундан ташқари, ЎзМАДА томонидан рад этилган ТИ аризаларида тиббий ташхис нотўғри қўйилганлиги ёки спортчига ноўрин дори воситаси буюрилганлиги ҳолатлари аниқланмоқда. Бу эса нотўғри даволаш режаларини ишлаб чиқишга

ҳамда спортчига ТИ рухсати берилишининг рад этилишига олиб келмоқда.

Терапевтик истисно аризалари таҳлили: тиббий хатоликлар ва уларнинг оқибатлари

Спортда терапевтик истиснолар тизими спортчиларнинг тиббий эҳтиёжларини қондириш билан биргаликда, антидопинг қоидаларига қатъий риоя қилиш мақсадида ҳам жорий қилинган. Ўзбекистон Миллий Антидопинг Агентлиги ҳузуридаги Терапевтик истиснолар комиссиясига келиб тушган аризалар таҳлил қилинганда, уларнинг айримларида шифокорлар томонидан йўл қўйилган хатолар спортчига ТИ рухсати беришда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ушбу хатолар нафақат антидопинг қоидаларини бузиш хавфини туғдириши, балки спортчининг саломатлигига ҳам жиддий зиён етказиши мумкин. Хусусан, қандли диабетнинг 2-тури билан оғриган спортчининг ТИ аризаси кўриб чиқилганда шифокор томонидан бир нечта жиддий хатоликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Керакли тиббий ва биокимёвий таҳлиллар ўтказилмасдан, айрим таҳлил натижалари асосида спортчига тўғридан-тўғри инсулин буюрилган.

Одатда, тиббий ва фармакологик таҳлилни тўғри йўлга қўйиш учун инсулин буюришдан олдин, диабетни назорат қилиш мақсадида синовдан ўтган турли муқобил усуллар, жумладан, метформин ва SGLT-2 ингибиторлари каби гипогликемик препаратларни қўллаб кўриш тавсия этилади. ВАДА талабларига мувофиқ ҳам, спортчига ТИ рухсати беришдан олдин, унга муқобил таъқиқланмаган муолажа усулларини буюриш, улар самарасиз бўлган тақдирдагина таъқиқланган дори воситасига ўтиш тавсия этилади. Мазкур ҳолатда тўғридан-тўғри инсулин терапиясини буюриш нафақат антидопинг талабларига зид, балки гипогликемия, инсулин резистентлиги ва метаболик муаммоларни кучайтириш хавфини ҳам оширади.

Яна бир ҳолатда спортчининг соғлиғи билан боғлиқ бўлган ҳолат учун, унга таъқиқланган анаболик стероид – тестостерон буюрилган. Бу ҳолатда ҳам спортчининг гормонал ҳолати ва метаболик таҳлиллари етарлича ўрганилмаган ва тестостерон зарурати илмий асосланган тиббий хулоса билан тасдиқланмай туриб, спортчига ТИ учун ариза топшириш тавсия қилинган.

Маълумки, тестостерон ва унинг аналоглари анаболик стероидлар бўлиб, ВАДА томонидан доимий таъқиқланган моддалар қаторига киради. Гипогонадизм ёки бошқа гормонал муаммолар учун тестостерон терапияси зарур бўлган ҳолларда ҳам, уни буюриш учун аниқ гормонал таҳлиллар ва тиббий асосланган далиллар талаб қилинади. Шуни таъкидлаш жоизки, тестостеронни даволаш учун буюришда гипогонадизм касаллиги органик табиатга эга бўлиши ВАДА томонидан мутлақ талаб ҳисобланади.

Баъзи дори воситалари тиббиёт амалиётида кам қўлланилади. Шунга қарамай, уларнинг таъқиқланган моддалар рўйхатига киритилгани шифокорлар томонидан доимо эътиборга олиниши керак бўлади. Бунда ВАДА томонидан мунтазам янгиланадиган “Спортда таъқиқланган моддалар ва усуллар рўйхати” шифокорлар учун асосий ҳужжат вазифасини бажаради. Тажрибамизда шундай ҳолат ҳам кузатилдики, унда шифокорга мурожаат қилган спортчи ўзининг спорт билан профессионал даражада шуғулланишини айтмаслиги, шифокор эса спортчини Соғлиқни сақлаш вазирлиги талаблари асосида стандарт текширувлардан ўтказмай туриб, унга тиббиёт амалиётида мазкур ҳолат учун деярли қўлланилмайдиган ва фақат оғир тиббий ҳолатлардагина буюриладиган дорини тавсия қилган. Бунда спортчи ҳам, шифокор ҳам дори воситаси таркибида спортда таъқиқланган моддалар борлигини инобатга олишмаган.

Мазкур ҳолат спорт амалиётида жиддий хавотир уйғотади. Сабаби, спортчи оддий деб ҳисоблаган дори воситаси таркибида спортда таъқиқланган модда борлигини билмасдан уни истеъмол қилади. Қолаверса, мазкур дори воситаси унинг соғлиғи учун фойдадан кўра, зарарли оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин бўлади.

Айтиш жоизки, Терапевтик истиснoларга мурожаат қилишда шифокорлар томонидан йўл қўйиладиган хатолар нафақат спортчилар учун муаммолар туғдириши, балки антидопинг қоидаларига зид ҳолатларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлади. Бу каби ҳолатларни олдини олиш учун тиббий ҳужжатларнинг тўғри тайёрланишига эътибор қаратиш, Миллий антидопинг агентлиги ҳамда спорт федерациялари ва шифокорлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш муҳим ҳисобланади. Албатта, бу борада ЎзМАДА томонидан тиббиёт ходимлари учун доимий равишда ўқув семинарлари ва вебинарлар ўтказиш орқали ТИ жараёни ва талабларини тушунтириш йўлга қўйилган. Ўз навбатида, шифокорлардан ҳам ВАДА томонидан тасдиқланган тиббий стандартларга қатъий амал қилиш, спортчиларнинг саломатлиги ва уларнинг антидопинг қоидаларига риоя қилишини таъминлаш талаб қилинади.


ТИ жараёни мезонлари

ТИнинг жорий қилиниши спортчига тиббий зарурат билан таъқиқланган моддалар ёки усуллардан фойдаланиш имкониятини бериш билан бир қаторда, антидопинг қоидаларига зид келмаслиги учун аниқ мезонларга асосланган. Ушбу жараёнда спортчиларга қўлланадиган ҳар қандай дори воситаси ёки усул ВАДАнинг ТИ стандартларига мувофиқ этика ва тиббий талабларга жавоб бериши лозим. Спортчи томонидан ТИ аризаси билан мурожаат қилишда қуйидаги схемага риоя қилинишини таъкидлаб ўтиш лозим (1-расм).

1-расмдан кўриниб турибдики, спортчининг соғлиғи билан муаммолар юзага келганида, шифокорга мурожаат қилиш ва тиббий ҳолатнинг аниқ ташхисини қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро тўғри қўйилган ташхис ҳар доим ҳам спортчига спортда таъқиқланган дори воситасидан фойдаланиш талабини қўймайди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, спортчи шифокорга борганида ўзининг спортчи эканлиги, ундан исталган вақтда допинг синама олиниши мумкинлиги, шу туфайли исталган дори воситасидан фойдаланиш унга тўғри келмаслигини шифокорга эслатиши лозим бўлади. Қолаверса спортчилар имкон қадар спорт шифокорига ёки спортдан хабари бор шифокорга мурожаат этишлари лозим бўлади.

Шифокор спортчини самарали даволаш учун снга спортда таъқиқланган дори воситасини буюришдан олдин мазкур дори воситасининг айни таъқиқланмаган муқобил шакли бор ёки йўқлигини текшириб кўриши, агар бор бўлса ўша таъқиқланмаган шаклидан фойдаланиши ўринли бўлади. Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, агар дорининг бундай муқобил шаклини аввал спортчи қабул қилмаган ёки қабул қилганида ножўя таъсирлари кузатилган бўлса, спортчи устида “тажриба ўтказиш” тавсия этилмайди.



1-расм. Спортчи томонидан ТИ аризаси юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёни.

Шифокор спортчига спортда таъқиқланган дори воситасини буюрган бўлса уни тиббий ташхис ва керакли тиббий таҳлиллар билан исботлай олиши лозим бўлади [8]. Акс ҳолда спортчининг ТИ аризаси рад этилиши мумкин.

Терапевтик истисноларнинг тўғри қўлланилиши ва қоидаларга мувофиқлиги халқаро спорт ҳамжамиятида ишончлилик ва адолатли рақобатни таъминлашда катта аҳамият касб этади. Шу боисдан, спортчилар ва уларнинг ёрдамчи шахслари, жумладан, шифокорлар, антидопинг қоидалари ва ТИ талабларини яхши билишлари шарт.

ТИ олиш жараёни халқаро стандартлар ва миллий антидопинг ташкилотлари томонидан белгиланган тартибларга кўра амалга оширилади. Ушбу жараёнда спортчи, унинг шифокори ва миллий антидопинг ташкилотлари ўртасида самарали алоқа ва ҳамкорлик ўрнатилиши зарур.

Хулоса

Терапевтик истисноларжараёни нафақат антидопинг стандартларига риоя қилиш, балки спортчиларнинг соғлиғини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим тизим ҳисобланади. Шунга кўра, спорт федерациялари, мураббийлар ва шифокорлар ушбу жараёнга масъулият билан ёндашишлари талаб этилади. Бу эса нафақат ТИ аризаларини ўз вақтида кўриб чиқилишига, балки спортчининг соғлиғи билан боғлиқ муаммоларни ҳам ўз вақтида бартараф эитилишига олиб келади.

2024 йилдаги ТИ аризалари бўйича ишларни таҳлил қилиш, мазкур жараённи янада самарали ва шаффоф қилиш учун қатор чора-тадбирларни кўриш зарурлиги кўрсатди. Жумладан, ТИга ариза бериш жараёнида спортчилар ва спорт шифокорлари томонидан турли хатоликларга йўл қўйилиш ҳолатлари аниқланди. Ушбу хатоларни камайтириш мақсадида Ўзбекистон миллий антидопинг агентлиги томонидан таълим ва ўқув дастурларини ташкил қилиш ва уларда ТИ аризаларида йўл қўйилаётган хатоликларни тавсифлаш ва уларни самарали тарзда бартараф этиш чоралари кўрилиши муҳимлиги ойдинлашди. Шунга кўра, келгусида ТИ жараёнини яхшилаш учун хатоларни мунтазам таҳлил қилиш ва таклифлар тайёрлаш устувор йўналишлардан бири эканлиги белгилаб қўйилди. Алалхусус, ТИ жараёнининг самарадорлиги нафақат спортчига берилган рухсатнома сифати, балки қоидаларга риоя қилиш даражаси орқали ҳам баҳоланади.

Ўз навбатида, ЎзМАДА томонидан ТИ жараёнини яхшилаш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар нафақат спортчилар, балки халқаро даражадаги антидопинг стандартларига тўлиқ мувофиқ бўлишга ҳам ёрдам беради. Спортчиларнинг тиббий кўмакка бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олиб, янги механизмларни жорий қилиш орқали ТИ жараёнида йўл қўйиладиган камчиликларни минимал даражага тушириш лозим бўлади. 2025 йилда ушбу жараённинг янада муваффақиятли бўлиши учун Ўзбекистон спорт федерация ва ассоциацияларининг ЎзМАДА билан доимий ҳамкорлигини кучайтириш зарур.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ТИ спортчига фақатгина алоҳида шартларда қўлланилади ва ушбу рухсатноманинг ноқонуний фойдаланишга

айланмаслиги учун қатъий мониторинг ва назорат тизимини ҳам жорий этиш лозим бўлади. Бу борада Бутунжаҳон антидопинг агентлиги ва унинг халқаро стандартлари ушбу жараённинг шаффофлигини ва унинг барча спорт турларида қўлланилишини таъминлашга қаратилганлигини эслатиш кифоя қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Prohibited List 2025. https://www.wada-ama.org/en/resources/world-anti-doping-code-and-international-standards/prohibited-list.

2.WorldAnti-DopingCode2021.https://www.wada-ama.org/sites/default/files/resources/files/2021_wada_code.pdf.

3. International Standard for Therapeutic Use Exemptions (ISTUE) 2023. https://www.wada-ama.org/en/resources/world-anti-doping-code-and-international-standards/international-standard-therapeutic-use.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.01.2018 йилдаги ПҚ-3457-сон “Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. https://lex.uz/docs/3483335?ONDATE2=10.05.2023&action=compare.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.04.2021 йилдаги ПҚ-5057-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. https://lex.uz/uz/docs/5356633?ONDATE=10.05.2023&ONDATE2=07.04.2021&action=compare.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.05.2023 йилдаги ПҚ-149-сон “Маъмурий ислоҳотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. https://lex.uz/uz/docs/6461740

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.04.2021 йилдаги 238-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлиги тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори. https://lex.uz/uz/docs/5391853.

8. WADA Checklist for Therapeutic Use Exemption (TUE) Application. Search | World Anti Doping Agency.

УДК: 159.31.91

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ ПОДХОД В ФУТБОЛЕ: КЛЮЧ К УСПЕХУ

Атабаева У. М.
Республиканский научно-практический центр спортивной медицины.

PSYCHOLOGICAL APPROACH IN FOOTBALL: THE KEY TO SUCCESS

Atabaeva U. M.
Republican Scientific and Practical Center for Sports Medicine.

FUTBOLDA PSIXOLOGIK YONDASHUV: MUVAFFAQIYAT KALITI

Atabaeva U. M.
Respublika sport tibbiyoti ilmiy-amaliy markazi .

Аннотация. *Данное исследование посвящено влиянию психологии на футбол и какие методы помогают игрокам достигать высоких результатов. Футбол - это не просто игра, где решающую роль играет физическая подготовка, техника и тактика. Ментальный аспект футбола зачастую становится определяющим фактором при достижении успеха. Футболисту необходимо не только владеть мячом, но и уметь справляться со стрессом, сохранять концентрацию и уверенность в себе. Без этого невозможно показывать стабильно высокие результаты, особенно в условиях серьёзных нагрузок, давления со стороны болельщиков и постоянной конкуренции.*

Ключевые слова. *Футбол, психология, спорт, командная подготовка, психоэмоциональная уверенность, мотивация спортсмена, концентрация и внимание, сплоченность команды, эмоциональная устойчивость.*

Annotation. *In this article we will look at how psychology influences football and what methods help players achieve high results. Football is not just a game where physical preparation, technique and tactics play a decisive role. The mental aspect of football often becomes the determining factor in achieving success. A football player must not only control the ball, but also be able to cope with stress, maintain concentration and self-confidence. Without this, it is impossible to show consistently high results, especially under conditions of serious workload, pressure from fans and constant competition.*

Key words. *Football, psychology, sports, team training, psycho-emotional confidence, athlete motivation, concentration and attention, team cohesion, emotional stability.*

Izoh. *Ushbu maqolada biz psixologiya futbolga qanday ta'sir qilishini va qanday usullar futbolchilarga yuqori natijalarga erishishda yordam berishini ko'rib chiqamiz. Futbol shunchaki jismoniy tayyorgarlik, texnika va taktika hal qiluvchi rol o'ynaydigan o'yin emas. Futbolning ruhiy jihati ko'pincha muvaffaqiyatga erishishda hal qiluvchi omilga aylanadi. Futbolchi nafaqat to'pni nazorat qilishi, balki stressga dosh bera olishi, konsentratsiya va o'ziga ishonchni saqlab turishi kerak. Busiz, ayniqsa, jiddiy ish yuki, muxlislar bosimi va doimiy raqobat sharoitida izchil yuqori natijalarni ko'rsatib bo'lmaydi.*

Kalit so'zlar. *Futbol, psixologiya, sport, jamoaviy tayyorgarlik, psixo-emotsional ishonch, sportchining motivatsiyasi, konsentratsiya va e'tibor, jamoaning birlashishi, hissiy barqarorlik.*

Введение. Футбол – это не только физическая подготовка и тактические схемы, но и сложный психологический процесс [1,3]. Психологический подход играет ключевую роль в подготовке футболистов, влияя на их мотивацию вовремя принимать решения в критических ситуациях. Уровень концентрации, уверенность в себе, стрессоустойчивость и командное взаимодействие – все эти аспекты определяют успех игрока и команды в целом [2, 7]. В современных условиях психологическая подготовка становится неотъемлемой частью тренировочного процесса, позволяя спортсменам раскрыть свой потенциал и добиваться максимальных результатов [3] Данная работа посвящена анализу психологических аспектов в футболе и их влиянию на игру [6].

Материалы и методы исследования. Была проведена работа по коррекции психологических факторов с 20 футболистами сборных команд. Средний возраст спортсменов составил 20 лет. Нами применялись следующие методики:

1.«Методология Айзенка» по определению темперамента.

2. Методика определения чувства сплоченности и солидарности коллектива по Николасу Холлу

3. Методика «Люшера» определения настроения и эмоций через цвет.

4. Методика выявления лидерских способностей «Курт Левин».

5. Методика по выявлению агрессии «Звезда и Солнце» автора У.Атабаевой.

6. Методика мотивации к успеху «Т.Элерса»

Результаты исследования. По результатам тестирования были выявлены следующие результаты:

1.Тест по Айзенку для определения темперамента выявил:

Холерики - 10 футболистов, сангвинники - 2 футболиста, флегматики - 8 футболистов, меланхоликов не выявлено.

2. Тест Николас Холла по определению чувства сплоченности и солидарности коллектива.

Средний показатель: 50% игроков.

3. Тест Люшера по определению настроения и эмоций через цвет.

Средний показатель: 50% игроков.

4. Методика выявления лидерских способностей «Курт Левин» показала разделение на 3 уровня:

Высокий 30%

Средний 60%

Низкий 10%

5. Методика по выявлению агрессии «Звезда и Солнце» автора У.Атабаевой.

Средний показатель - 50% игроков.

6. Методика мотивации к успеху Т.Элерса.

Средний показатель - 50% игроков.

По определенным тестам и методикам можно сделать вывод о том, что превалирующему количеству спортсменов не хватает психологической уверенности на поле [5].

Психологическая подготовка включает несколько ключевых аспектов:

- Развитие уверенности в себе – спортсмен должен верить в свои силы, иначе даже простые игровые моменты могут приводить к ошибкам.
- Концентрация и внимание – в футболе важна максимальная сосредоточенность, ведь один неверный шаг может стоить команде победы.
- Эмоциональная устойчивость – игроку необходимо уметь справляться с давлением и стрессом, особенно в решающие моменты матча.
- Командное взаимодействие – отношения между футболистами и тренером напрямую влияют на игру и общий настрой команды.

Психология индивидуального игрока.

Каждый футболист сталкивается с внутренней борьбой: страхом поражения, неуверенностью перед важными матчами, разочарованием от собственных ошибок. Чтобы справляться с этими эмоциями, нами рекомендуется использование специальных методик:

1. Мотивация и постановка целей

Правильная мотивация — это основа успешной карьеры. Одни футболисты движимы внутренними факторами (желание стать лучшим, любовь к игре)

другие — внешними (признание, финансовые награды). Важно находить баланс и ставить перед собой реалистичные, но амбициозные цели.

2. Работа с эмоциями

Футбол полон неожиданных поворотов: от эйфории победы до разочарования поражения. Эмоции могут как помогать, так и мешать игроку. Например, излишняя агрессия может привести к ненужному фолу и удалению, а страх перед неудачей — к неуверенным действиям на поле.

В решающие моменты тренеры также часто не справляются с контролем эмоций. Для чего нами применяются методы управления эмоциями:

- Дыхательные упражнения перед матчем.
- Использование визуализации успеха.
- Тренировки в условиях повышенного давления.

3. Подготовка к стрессовым ситуациям

Одним из самых напряжённых моментов в футболе является пенальти. В такие секунды на игрока оказывается огромное давление [4,7]. Те, кто не умеет справляться с волнением, часто совершают ошибки. Основными методиками по снятию напряжения мы рекомендуем:

- Создание личного ритуала перед ударом (глубокий вдох, определённое движение).
- Визуализация успешного исполнения пенальти.
- Игнорирование посторонних раздражителей, фокусировка только на мяче и воротах.

Психология команды

Футбол — это командный вид спорта, и даже самый талантливый игрок не сможет добиться успеха без сильного коллектива. Взаимопонимание, доверие и общая атмосфера в команде напрямую влияют на результаты.

1. Лидерство и командный дух

Настоящий лидер — это не просто капитан с повязкой, а человек, который вдохновляет, поддерживает и ведёт команду за собой.

Важно: Команда должна работать как единый организм. Если внутри коллектива есть конфликты, они неизбежно отразятся на игре.

2. Разрешение конфликтов

Разногласия между игроками или с тренером могут разрушить даже самую сильную команду. Важно уметь решать конфликты конструктивно, обсуждая проблемы и находя компромисс.

Выводы. Психология в футболе также важна, как физическая подготовка и тактика. Тренеры и игроки, работающие над психологической устойчивостью, мотивацией и командным взаимодействием, получают значительное преимущество в игре. Умение справляться с давлением, контролировать эмоции и работать в команде – это то, что отличает обычного игрока от чемпиона. Современные команды всё больше внимания уделяют ментальной подготовке, ведь победа начинается не на поле, а в голове.

Список литературы:

1. Мелентьев А. Н. Командообразование в коллективе кафедры физической культуры: к идее экспериментального исследования / А. Н. Мелентьев, В. И. Дубатовкин, Е. М. Беликов и др. // Высшее образование сегодня. - 2020. - № 7. - С. 66-71.
2. Андреева Г.М. Социальная психология: Учебное пособие для учащихся педагогических училищ / Г. М. Андреева – М.: МГУ, 1980.-112 с.
3. Bois J, Sarrazin P, Southon J, Boiché J. Psychological characteristics and their relation to performance in professional golfers. The Sport Psychologist. 2009, 23:252-70.
4. Ситников В. Л. С41 Практикум по психологии командообразования : учеб. пособие / В. Л. Ситников, А. В. Комарова, Т. В. Слотина. – СПб. : Петербургский гос. ун-т путей сообщения, 2011. – 217 с. ISBN 978-5-7641-0005-0
5. Томпсон Л. Создание команды: [текст] / Л. Томпсон. - М.: Изд-во «Вершина», 2006, цит.: http://sibac.info/12222.
6. Калмыков, С. Г. Педагогическое стимулирование лидерских качеств студентов / С. Г. Калмыков, О. У. Асербеков // Актуальные проблемы воспитания в образовательном процессе ВУЗа: сб. ст. Межвуз. науч.-практ. конф. / под общ. ред. О. М. Поповой. – 2017. – С. 95 – 100.
7. Майдокина Л.Г. Развитие саморегуляции спортсмена в системе его психологической подготовки / Л.Г. Майдокина, О.В. Кудашкина // Теория и практика физ. культуры. - 2014. - № 8. - С. 18-21.

УЎК: 616.15-007.64: 617.58-07-089

ОЁҚЛАР ВАРИКОЗ КАСАЛЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШНИНГ ТУРЛИ УСУЛЛАРИНИ ЯҚИН ДАВРДАГИ НАТИЖАЛАРИНИ ҚИЁСИЙ БАҲОЛАШ

Абдуллажанов Б.Р., Болтаев А.А.
Андижон давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси Андижон шаҳар.

СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА БЛИЖАЙШИХ РЕЗУЛЬТАТОВ РАЗЛИЧНЫХ МЕТОДОВ ЛЕЧЕНИЯ БОЛЬНЫХ ВАРИКОЗНОЙ БОЛЕЗНЬЮ НИЖНИХ КОНЕЧНОСТЕЙ

Абдуллажанов Б.Р., Болтаев А.А.
Андижанский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Андижан.

COMPARATIVE EVALUATION OF THE IMMEDIATE RESULTS OF VARIOUS METHODS OF TREATMENT OF PATIENTS WITH VARICOSE DISEASE OF THE LOWER EXTREMITIES

AbdullaJanov B.R., Boltaev A.A.
Andijan State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Andijan city.

Аннотация. *Муаллифлар оёқ веналар варикоз кенгайиши касаллигини даволашда уч хил усулда даволша натижаларини тахлилини ўтказишди. Хулоса қилиб айтганда даволашнинг яқин натижалари таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ОВК ни даволашни турли усулларини қўллашни қиёсий баҳолаш натижасида флебэктомия асоратлари учунчи гурух беморларида 8,7% га пасайган, ЭВЛО асоратлари 18,2% га пасайган, ЭВЛО нинг детерминирланган асоратлари 5,9% га пасайган, ЭВЛО нинг стохастик асоратлари 5,5% га пасайган, световод билан боғлиқ ЭВЛО асоратлари 11,3% га пасайган, кичик асоратлар 48,3% га пасайган, катта асоратлар эса 100% яхшиланиши ҳамда умумий асоратлар 14,4% яхшиланишига эришилди.*

Калит сўзлар: *оёқ веналари, варикоз кенгайиши, даволаш, натижалар*

Аннотация: *Авторы проанализировали результаты трех различных методов лечения варикозного расширения вен ног. Подводя итог, можно сказать, что результаты анализа непосредственных результатов лечения показали, что в результате сравнительной оценки применения различных методов лечения ВБН в третьей группе пациентов осложнения флебэктомии снизились на 8,7%, осложнения ЭВЛО снизились на 18,2%, детерминированные осложнения ЭВЛО снизились на 5,9%, стохастические осложнения ЭВЛО снизились на 5,5%, осложнения фиброоптической ЭВЛО снизились на 11,3%, незначительные осложнения снизились на 48,3%, серьезные осложнения улучшились на 100%, а общие осложнения улучшились на 14,4%.*

Ключевые слова: *вены ноги, варикозное расширение, лечения, результаты.*

Abstract: *The authors analyzed the results of three different methods of treating varicose veins of the legs.*
In summary, the results of the analysis of immediate treatment results showed that as a result of the comparative evaluation of the use of different treatment methods for varicose veins of the leg in the third group of patients, phlebectomy complications decreased by 8.7%, EVLO complications decreased by 18.2%, deterministic EVLO complications decreased by 5.9%, stochastic EVLO complications decreased by 5.5%, fiberoptic EVLO complications decreased by 11.3%, minor complications decreased by 48.3%, major complications improved by 100%, and overall complications improved by 14.4%.

Key words: *leg veins, varicose veins, treatment, results.*

Долзарблиги. Оёқлар варикоз касаллиги - бу қон томир дарахтининг энг кўп учрайдиган патологияси бўлиб, оёқлар вена томирлари ўтказувчанлигининг бузилиши аҳолининг 30-53 фоизида учрайди ва асосан 62% гача катта ёшдаги беморларда кузатилади [5, 12, 15, 19].

Айрим хорижий муаллифларнинг маълумотлари шуни кўрсатадики, сурункали веноз етишмовчилиги (СВЕ) кўпинча аҳолининг 60-75 фоизида ва 80% ортиқ кекса ёшдаги беморларда учрайди. СВЕ асоратлари эса беморларнинг 42 фоизида, оёқларнинг шишиши беморларнинг 10 фоизида, 37% - тери қопламаларининг ўзгариши, 11% - оёқларнинг трофик яралари ва 3% - очиқ яралар учрайди [1, 4, 7, 9, 14, 17, 20].

Ёшликда оёқлар варикоз касаллиги билан кўпинча аёллар азият чекади ҳамда аёллар ва эркаклар ўртасидаги нисбат 6:1 ни ташкил қилади, аммо кекса ва кекса ёшдаги беморларда бу фарқ деярли йўқолади. 20-35 ёшда варикоз касаллигини учраши тахминан 9-17% ни ташкил қилади, аёлларда 17% гача, эркакларда эса бу ёшда жуда кам учрайди. 60 ёшдан ошган аёлларда ушбу касаллик 63% ҳолларда учрайди. Оёқлар варикоз касаллиги муаммоси билан шуғулланадиган кўплаб муаллифлар касаллик ривожланишининг асосий этиологик омили сифатида ҳомиладор аёллардаги экстрагенитал касаллик эканлигини таъкидлайди [9, 11, 13, 16, 18].

Россия муаллифларининг маълумотларига кўра, фақат Россия Федерациясида 30 миллиондан ортиқ одам оёқлар варикоз касаллигидан, шу жумладан 3 миллион киши – болдир соҳаси очиқ трофик яраларидан азият чекади [1, 3, 8]. Шуни таъкидлаш керакки, веноз этиологияли трофик яралари оёқларнинг барча трофик касалликлари орасида биринчи ўринни эгаллайди [2, 10]. Кекса ёшдаги беморларда веноз трофик яраларнинг учраши уч баравар ортади [6, 9]. Шунингдек, юрак-қон томир, ўпка, сийдик ажратиш тизими ва эндокрин аъзоларининг ҳамроҳ касалликлари трофик яралар кечишини оғирлаштиради, узоқ муддатли микроб контаминацияси, маҳаллий яллиғланиш реакцияси, репаратив фаолликнинг пасайиши билан тавсифланади ҳамда даволашга алоҳида ёндашувни талаб қилади.

Тадқиқотнинг мақсади варикоз касаллигининг турли шакллари билан оғриган беморларни комплекс даволашда ЭВЛО усулидан фойдаланиш йўли орқали

даволаш натижаларани яхшилашдан иборат.

Материал ва усуллар. Тадқиқот иши 2020 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда Наманган вилояти Давлатобод тумани “Ангиомед” хусусий клиникасида операция қилинган оёқлар варикоз касаллиги билан оғриган 267 нафар беморларни ўрганиш натижаларига асосланган.

Барча беморлар 3 гуруҳга ажратилган. Биринчи гуруҳни 104 нафар (38,9%) анъанавий флебэктомия ўтказилган беморлар, иккинчи гуруҳни 107 нафар (40,1%) бир вақтда ЭВЛО + минифлебэтомия бажарилган беморлар ва учинчи (асосий) гуруҳни 56 нафар (20,9%) ЭВЛО ва 3 ойдан сўнг, беморларни бир кисми тўлиқ яхшиланиш кузатилган, қолган қисмини эса склеротерапия ёки минифлебэктомия ўтказилган беморлар ташкил қилган.

Оператив амалиёт турлари даволаш ёки хирургик аралашувлар натижалари учун жуда муҳим бўлиб, 1-жадвалда оператив аралашув турлари келтирилган.

Биринчи гуруҳдаги 104 бемордан Бэбкокк усулида флебэктомия 20 нафарида (19,3%), Бэбкокк - Нарат усулида флебэктомия 60 ҳолатда (57,7%) ва 24 ҳолатда (23,1%) оператив амалиёти КТВ устья сохасидан боғлаш(кроссэктомия) + Нарат усулида флебэктомия усулида ўтказилди.

Иккинчи гуруҳдаги 107 нафар бемордан 60 ҳолатда (56,1%) ЭВЛО + Минифлебэктомия + Склеротерапия усулида, 47 нафарида (43,9%) ЭВЛО+Минифлебэктомия операция бажарилган.

Оператив амалиёт турлари

1-жадвал


Оператив амалиёт турлари	I гуруҳ (n=104)		II гуруҳ (n=107)		III гуруҳ (n=56)	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Бэбкокк усулида флебэктомия	20	19,3	-	-	-	-
Бэбкокк - Нарат усулида флебэктомия	60	57,7	-	-	-	-
КТВ устья сохасидан боғлаш(кроссэктомия)+ Нарат усулида флебэктомия	24	23,1	-	-	-	-
ЭВЛО+Минифлебэктомия+Склеротерапия	-	-	60	56,1	-	-
ЭВЛО+Минифлебэктомия	-	-	47	43,9	-	-
ЭВЛО 3 ойдан сўнг минифлебэктомия	-	-	-	-	17	30,1
ЭВЛО 3 ойдан сўнг склеротерапия	-	-	-	-	18	32,2
ЭВЛО	-	-	-	-	20	35,7

Учинчи гуруҳдаги 56 нафар бемордан 17 нафарида (30,1%) операциялар ЭВЛО – уч ойдан сўнг минифлебэктомия, 18 ҳолатда (32,2%) ЭВЛО + 3 ойдан сўнг склеротерапия тарзида ва 20 нафарида (35,7%) ЭВЛО амалиётини ўзи амалга оширилган холос.

Беморлар ёш кўрсаткичлари тахлили шуни кўрсатдики, жами беморларни 210 нафари (78,6%), ёш ва ўрта ёшдаги беморлар, яъни энг меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ташкил этган бўлиб, бу тадқиқотнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини белгилайди. Умуман олганда, гуруҳларда ёш жиҳатидан катта фарқ кузатилмади.

Барча беморларда стандарт лаборатор текширув усуллари - умумий қон, сийдик, қоннинг биокимёвий таҳлили, коагулограмма, қон гуруҳи ва резус-омилини аниқлаш таҳлиллари ўтказилди. Беморларни клиник текшируви умумий қабул қилинган усул бўйича амалга оширилди.

ОВЁ спецефик симптомларидан оёқларда оғриқ, трофик яралар, оғирлик ҳисси, қизиш ҳисси ва х.к. эътибор қаратилди. Касалликда симптомларнинг учраши кўрсаткичлари 1-расмда келтирилган.



1-расм. ОВК специфик симптомлари.

1-расмдан кўриниб турибдики, специфик симптомлар барча гуруҳларда фоиз нисбатда деярли тенг бўлиб, бу учала гуруҳдаги беморларда клиник белгиларнинг бир хил кечишини кўрсатади.

Варикоз касаллиги мавжудлиги сабабли, барча ҳолатларда, тадқиқотда СЕАР клиник таснифига кўра, веноз етишмовчилик даражаси баҳоланди.

СЕАР клиник таснифига кўра, беморларда бутун кузатув даври бўйича сурункали веноз етишмовчилиги клиник тавсифи 2-жадвалда келтирилган.

ОВК даволаш чора-тадбирлари чуқур веналарда тромбознинг тарқалишини олдини олиш, оғриқ белгиларини тезда бартараф этиш ва асоратларни олдини олишга қаратилган. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш тартиби ва усуллари патологик ўчоқнинг локализацияси ва тарқалиш даражаси билан белгиланади.

Тадқиқотга жалб қилинган беморларда сурункали веноз етишмовчилиги клиник тавсифи

2-жадвал

СЕАР* таснифи бўйича клиник синф	I гуруҳ (n=104)		II гуруҳ (n=107)		III гуруҳ (n=56)		p1 = (1~2) p2 = (1~3) p3 = (2~3)
	Абс. ч.	%	Абс. ч.	%	Абс. ч.	%	
1,2,3	79	75,9	84	78,5	43	76,8	p1 >0.05 p2 >0.05 p3 >0.05
1,2,3,4	25	24,1	23	21,5	13	23,2	p1 >0.05 p2 >0.05 p3 >0.05
5,6	-	-	-	-	-	-	

** баҳолаш мезони ажратиб олинган битта беморда сурункали веноз касаллиги оғирлигини тавсифловчи энг катта синф ҳисобланади (СЭАР клиник таснифи бўйича).*

Биринчи кузатув гуруҳидаги 104 нафар беморларга шифохонага ётқизилгандан сўнг, 1-3 кун давомида операциядан олдинги консерватив терапия ўтказилди. Бунда НЯҚВ гуруҳи препаратлари қўлланилди, инфекцион, тромбоэмболик асоратларнинг олдини олиш (компрессия, қуйи молекуляр гепарин кичик дозаларда) муолажалари ўтказилдаи. Сўнгра ананавий усулларда флебэктомия операцияси амалга оширилган.

Иккинчи гуруҳдаги 107 нафар беморларга шифохонага ётқизилганидан сўнг объектив кўздан кечирилди ва тўлиқ анамнез йиғилди. Барча лаборатор текширувлар ва допплер УУТ ўтказилди. Беморга ташхис қўйилганидан сўнг, хамрох касалликлар, анамнезида аллергик реакция мавжудлиги, варикоз кенгайган веналар холати ва асоратлари аниқланди, оператив даволашга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар белгиланди. Даволаш усули танланди. Барча беморлар белгиланган тартиб бўйича стандарт текширувлардан, керакли мутахассислар кўригидан ўтказилди ва операциядан олдинги консерватив муолажалар ўтказилди, сўнг бир вақтни ўзида ЭВЛО+катта тери ости венаси минифлебэтомияси ўтказилди.

Эндовеноз лазерли ва радиочастотали усуллари катта далиллар базасига асосланган бўлиб, варикоз касаллиги билан оғриган беморларда магистрал тери ости веналар бўйлаб рефлюксни бартараф қилиш учун танлов усуллари сифатида қаралади. Ушбу усулнинг афзалликлари шубҳасиздир. Бундай операция госпитализацияни талаб қилмайди ва амбулатор шароитларда бажариш мумкин. Операциядан кейинги давр анча қисқароқ ва беморнинг тикланиши тезроқ бўлади. Радикал флебэктомиядан сўнг тикланиш даври тахминан 1 ой давом этади, косметик натижа эса баъзан жуда кўп нарсани талаб қилади.

Замонавий катетерлар ва световодлар энергияни радиал тартибда тақсимлайди. Бу илгари жуда қийин бўлган катта диаметрдаги веналарни самарали бартараф қилиш имконини беради.

Эндовеноз лазерли облитерациясига қарши кўрсатмалар:

1. оёқ чуқур веналари ўткир тромбози;
2. чуқур веналарда тромботик жараён пайдо бўлиши, унинг ортидан ўпка артерияси тромбоэмболияси хавфи билан тромбофилия;
3. оёқлар веналари иккиламчи варикоз кенгайиши;
4. илгари пайдо бўлган тромбофлебит натижасида КТВ ўзани окклюзияси;
5. оёқлар артериялари облитерацияловчи атеросклерози оёқлар сурункали ишемияси билан;
6. ҳомиладорлик, лактация даври;
7. ҳамроҳ терапевтик патология;
8. фаол компрессия ва бемор активациясини ярата олмаслик.


ЭВЛО ўтказиш техникаси: амалиётдан олдин ультратовуш назорати остида бемор териси белгилаб олинади. Биринчидан, КТВ бўйлаб рефлюкснинг пастки чегараси аниқланади (2-расм).

Катта ирмоқнинг қуйилиш жойига белги қўйилади. Иккинчи белги биринчи белгидан 3-4 см дисталроққа қўйилади, ушбу ерда вена пункцияси ўтказилади. Сўнгра КТВ бўйлаб ирмоқларнинг барча қуйилиш жойлари белгиланади.




2-расм. Бемор терисида белгиларни қўйиш.

Бу ушбу жойларда ЭВЛО ўтказиш лазерли нурланишнинг узоқроқ экспозициясига бардош бериш ва ирмоқлар бўғзини ёпиш учун амалга оширилади. Сўнгра барча варикоз кенгайган веналар, олиб ташлаш усулидан қатъи назар, белгилнади (3-расм).



3.-расм. ЭВЛО ўтказиш жараёни.

Сўнгра световод ишчи қисмини жойлаштириш, тумесцент анестезия ва ортидан эндовазал лазерли облитерация ўтказилади ва компрессион трикотаж қўйилади. ЭВЛО ўтказиш техникаси 4-расмда схематик тарзда кўрсатилган.



4-расм. ЭВЛО ўтказишнинг схематик босқичи.

ЭВЛО ўтказилгандан сўнг, минифлебэктомия босқичларига ўтилади. Бунда, беморни амалиет столида ёткизгандан сўнг, амалиёт қилинадиган оёқ антисептик воситаси бетадин билан яхшилаб тозаланади. Оғриксизлантириб, катта тери ости венаси пункция қилинади, интродьюсер ўрнатилади. Бу орқали Германиянинг Биолитек компанияси ишлаб чиқарган Лианардо Elves Radial 2 ring лазери киритилади ва вена бўғзи сохасигача борилади. Шундан сўнг тумесцент анестезия яъний, 500 мл 0,9% физиологик эритма, 4,0 мл 10% лидокаин ва 50,0 мл 5% натрий гидрокарбонати эритмаси вена атрофига 1 см пастроқгача юборилади. Вена диаметрига қараб лазерни ўртача 8,0w 100 nm да лазер қилинади, ундан сўнг махсус белгиланган болдир ва сон соҳасидаги перфорант веналар 1 гр ли игнани 10 мл шприц игнасини ўрнига қўйиб, махаллий оғриқсизлантириб, бир марталик лезвия ёрдамида кичик кесма амалга оширилади. Махсус Варади илмоғи ёрдамида варикоз кенгайган вена топилиб теридан чиқарилади ва кичик маскит қисқич ёрдамида қискичга олиниб, варикоз кенгайган веналар бартараф этилади.

Бир ойдан кейинги операция натижалари кўрсатилган бўлиб, деярли чандиқлар йўқ, фақат тешиш натижасида нуқтали излар сақланган, улар ҳам одатда секин йўқолиб кетади.

Операциядан кейинги даврда флеботониклар курси буюрилади ва бемор флеболог назоратида туради. Қайта кўрувлар 2 ҳафтадан, 2 ой ва 6 ойдан сўнг вена ҳолатини баҳолаш билан амалга оширилади.

Учинчи (асосий) гуруҳда 56 нафар (20,9%) беморларда ЭВЛО ва 3 ойдан кейин кечиктирилган склеротерапия ёки минифлебэктомия амалга оширилади. Хирургик даволаш фақат режали тартибда амалга оширилди, барча беморларга 12-15 кун давомида операциядан олдинги консерватив терапия ўтказилади. Консерватив чора-тадбирларга оёқлар компрессияси ва мобилизацияси, НЯҚВ ва ҚМГ кичик дозаларда, инфекцион асоратларнинг олдини олиш учун

антибиотикотерапияси қўлланилади.

ЭВЛО ўтказилган беморларда кечиктирилган минифлебэктомия ёки склеротерапия ўтказишга қуйидагилар кўрсатмалар:

• бошқа хамроҳ касалликлар мавжуд, лекин ташрихга қаршилик қилмайди;

• варикоз кенгайган веналар сони кўп бўлиши;

• лаборатор тахлилларда ўткир ўзгаришлар аниқланиши;

• катта тери ости венасининг тарқоқ жойлашиши, иккиланганлиги (шохларини кўплиги) ва турли хил вариантларда бўлиши;

• иккала оёқда катта тери ости венаси ва кичик тери ости венаси клапани етишмовчилиги ва варикоз кенгайган веналар сони кўплиги.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида аксарит муҳим маълумотлар турли хил даволаш усулларини қиёсий таҳлил қилиш орқали берилади, шунинг учун беморлар гуруҳининг яқин даврдаги натижаларини қиёсий таҳлили 3-жадвалда келтирилган.

Тадқиқотни яқин даврдаги натижаларининг қиёсий таҳлили

3-жадвал

Асоратлар	**I гуруҳ (n=104)**	**II гуруҳ (n=107)**	**III гуруҳ (n=56)**	**Жами (n=267)**	**p1 = (1~2) p2 = (1~3) p3 = (2~3)**
Флебэктомия асоратлари	11 (10,6%)	5 (4,7%)	1 (1,9%)	17 (6,4%)	p1 <0.05 p2 <0.01 p3 >0.05
ЭВЛО асоратлари	-	29 (27,1%)	5 (8,9%)	34 (12,7%)	p1 - p2 - p3 <0.05
Детерминирланган ЭВЛО асоратлари	-	14 (13,1%)	4 (7,2%)	18 (6,7%)	p1- p2 - p3 <0.05
Стохастик ЭВЛО асоратлари	-	11 (10,3%)	1 (1,8%)	12 (4,5%)	p1- p2 - p3 <0.05
Световод билан боғлиқ ЭВЛО асоратлари	-	16 (14,9%)	2 (3,6%)	18 (6,7%)	p1- p2 - p3 <0.05
Кичик асоратлар	67 (64,4%)	39 (36,5%)	9 (16,1%)	115 (43,1%)	p1 <0.01 p2 <0.001 p3 <0.05
Катта асоратлар	4 (3,8%)	2 (1,8%)	-	6 (2,3%)	p1 >0.05 p2 - p3 -
Умумий табиатдаги асоратлар	28 (26,9%)	18 (16,8%)	7 (12,5%)	53 (19,8%)	p1 <0.01 p2 <0.001 p3 >0.05

Шундай қилиб, ўрганилаётган беморлар гуруҳида хирургик даволашнинг яқин даврдаги натижаларини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, флебэктомия асоратлари жами 17 нафар (6,4%) беморда, биринчи гуруҳда 11 (10,6%) ҳолатда, иккинчи гуруҳда 5 (4,7%) ҳолатда ва ва учинчи гуруҳ 1 нафар (1,9%) беморда қайд этилган. **8,7% га пасайиш** аниқланган.

ЭВЛО асоратлари жами 34 нафар (12,7%) беморда, иккинчи гуруҳда 29 (27,1%) ҳолатда ва ва учинчи гуруҳ 5 нафар (8,9%) беморда қайд этилган. **18,2% га пасайиш** аниқланган.

ЭВЛО нинг детерминирланган асоратлари жами 28 нафар (10,5%) беморда, иккинчи гуруҳда 14 (13,1%) ҳолатда ва ва учинчи гуруҳ 4 нафар (7,2%) беморда қайд этилган. **5,9% га пасайиш** аниқланган.

ЭВЛО нинг стохастик асоратлари жами 12 нафар (4,5%) беморда, иккинчи гуруҳда 11 (10,3%) ҳолатда ва ва учинчи гуруҳ 1 нафар (1,8%) беморда қайд этилган. **5,5% га пасайиш** аниқланган.

Световод билан боғлиқ ЭВЛО асоратлари жами 18 нафар (6,7%) беморда, иккинчи гуруҳда 16 (14,9%) ҳолатда ва ва учинчи гуруҳ 2 нафар (6,6%) беморда қайд этилган. **11,3% га пасайиш** аниқланган.

Кичик асоратлари жами 115нафар (43,1%) беморда, биринчи гуруҳда 67 нафар (64,4%) беморда, иккинчи гуруҳда 39 (36,5%) ҳолатда ва ва учинчи гуруҳ 9 нафар (16,1%) беморда қайд этилган. **48,3% га пасайиш** аниқланган.

Катта асоратлари жами 6 нафар (2,3%) беморда, биринчи гуруҳда 4 нафар (3,8%) беморда, иккинчи гуруҳда 2 (1,8%) ҳолатда қайд этилган, ва учинчи гуруҳ беморларда ушбу асоратлар кузатилмаган. **100% яхшиланиш** аниқланган.

Умумий табиатдаги асоратлари жами 53 нафар (2,3%) беморда, биринчи гуруҳда 28 нафар (26,9%) беморда, иккинчи гуруҳда 18 (16,8%) ҳолатда ва учинчи гуруҳ 7 нафар (12,5%) беморда кузатилган. **14,4% яхшиланиш** аниқланган.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда даволашнинг яқин натижалари таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ОВК ни даволашни турли усулларини қўллашни қиёсий баҳолаш натижасида флебэктомия асоратлари учунчи гурух беморларида 8,7% га пасайган, ЭВЛО асоратлари 18,2% га пасайган, ЭВЛО нинг детерминирланган асоратлари 5,9% га пасайган, ЭВЛО нинг стохастик асоратлари 5,5% га пасайган, световод билан боғлиқ ЭВЛО асоратлари

11,3% га пасайган, кичик асоратлар 48,3% га пасайган, катта асоратлар эса 100% яхшиланиши ҳамда умумий асоратлар 14,4% яхшиланишига эришилди.

Асосий гурухдаги беморларни даволаш бўйича ишлаб чиқилган алгоритм асосида 3 гурухга бўлинган холда тактика танлаш тавсия этилди. *Биринчи холатда:* барча текширувлар натижасида варикоз кенгайган веналар аниқланмаса беморга керакли тавсиялар берилиб уйига жавоб берилади. *Иккинчи холатда:* барча текширувлар натижасида варикоз кенгайган веналар аниқланса кичик 3-4 мм диаметрдаги веналарга склеротерапия муолажаси амалга оширилади. Агар диаметри 4-5 мм катта бўлса, минифлебэктомия ташрихи амалга оширилади. *Учинчи холатда:* ташхис қўйилганидан сўнг веналар диаметри 4-5 ммдан катта бўлса минифлебэктомия тавсия этилади ва биз таклиф этган усулда минифлебэктомия амалга оширилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бабаджанов А.С. Тоиров А.С., Рузибоев С.А. Оёқ веналари варикоз касаллиги ва уни даволаш усуллари// Тошкент 2022. 127.
2. Бурлева Е.П. Эффективность лечения пациентов с поверхностным варикотромбофлебитом в реальной клинической практике// Стационарозамещающие технологии: Амбулаторная хирургия. 2020. № 1-2. С. 38-45.
3. Волков А.С., Дибиров М.Д., Шиманко А.И. и др. Сравнение результатов применения эндовазальной лазерной и радиочастотной облитерации ствола большой подкожной вены в комплексном лечении больных с варикозной болезнью нижних конечностей// Флебология. - 2020. - Т. 14, № 2. - С. 91-98.
4. Гавриленко А.В., Вахратьян П.Е., Аракелян А.Г. Эндовазальные методы лечения варикозной болезни нижних конечностей. Обзор литературы. Лазерная медицина. 2022; 26(2): 31-36. https://doi.org/10.37895/2071-8004-2022-26-2-31-36
5. Камаев А.А., Булатов В.Л., Вахратьян П.Е. и др. Варикозное расширение вен// Флебология. - 2022. - Т. 16, № 1. - С. 41-108.
6. Михайлов И.П., Козловский Б.В., Арустамян В.А. Хирургическое лечение варикозной болезни нижних конечностей. Журнал им. Н.В. Склифосовского «Неотложная медицинская помощь». 2023;12(3):471-480. https://doi.org/10.23934/2223-9022-2023-12-3-471-480
7. Прядко С.И. Непосредственные и отдаленные результаты применения различных методик хирургического лечения больных с острым варикотромбофлебитом// Анналы хирургии. 2019. Т. 24. № 2. С. 115-120.
8. Тажиев С.З. Оптимизация методов лечения пациентов с хронической венозной недостаточностью нижних конечностей// диссер канд мед наук. 2023. –С.120.
9. Хамдамов У.Р., Жумаева Н.Х., Сафаров С.С., Абдуллаев Ф.Ф. Послеоперационные тромбозы глубоких вен нижних конечностей. Диагностические значение ультразвукового дуплексного сканирования // Тиббиётда янги кун -2020, (29) №1.-С.441-443(14.00.00, №22).
10. Bauersachs RM. Oberflächliche Venenthrombose [Superficial Vein Thrombosis]. Dtsch Med Wochenschr. 2021 Oct;146(19):1237-1242. German. doi: 10.1055/a-1286-2153. Epub 2021 Sep 22. PMID: 34553346.
11. Cazaubon M, Benigni JP, Steinbruch M. Is There a Difference in the Clinical Efficacy of Diosmin and Micronized Purified Flavonoid Fraction for the Treatment of Chronic Venous Disorders? Review of Available Evidence. Vasc Health Risk Manag. 2021 Sep 16;17:591-600. doi: 10.2147/VHRM.S324112. PMID: 34556990; PMCID: PMC8455100.
12. Di Nisio M, Wichers IM, Middeldorp S. Treatment for superficial thrombophlebitis of the leg. Cochrane Database Syst Rev. 2018 Feb 25;2(2):CD004982. doi: 10.1002/14651858.CD004982.pub6. PMID: 29478266; PMCID: PMC6953389.
13. Farah M.H. A systematic review supporting the Society for Vascular Surgery, the American Venous Forum, and the American Vein and Lymphatic Society guidelines on the management of varicose veins// J.Vasc. surgery. Venous Lymphat. Disord. - 2022. - Vol. 10, № 5. - P. 1155-1171.
14. Heller T., Becher M., Kröger J.C. Isolated calf deep venous thrombosis: frequency on venous ultrasound and clinical characteristics. BMC Emerg Med. 2021 Oct 30;21(1):126. doi: 10.1186/s12873-021-00516-1. PMID: 34717549; PMCID: PMC8557054.
15. Li J, Wu C, Song D, Wang L, Guo L. Polidocanol Sclerotherapy for the Treatment of Pyogenic Granuloma in Children. Dermatol Surg. 2021 Jun 01;47(6):802-804.
16. Maeseneer M. G. De Editor's Choice - European Society for Vascular Surgery (ESVS) 2022 Clinical Practice Guidelines on the Management of Chronic Venous Disease of the Lower Limbs// Eur. J. Vasc. Endovasc. Surg. - 2022. - Vol. 63, № 2. - P. 184-267.
17. Pompilio G. Systematic literature review and network Meta-analysis of sulodexide and other drugs in chronic venous disease// Phlebology. - 2021. - Vol. 36, № 9. - P. 695-709.
18. Shadrina A.S, Elgaeva E.E, Stanaway I.B. Mendelian randomization analysis of plasma levels of CD209 and MICB proteins and the risk of varicose veins of lower extremities. PLoS One. 2022;17(5):e0268725.
19. Yetkin E, Kutlu Karadag M, Ileri M. Venous leg symptoms, ecchymosis, and coldness in patients with peripheral varicose vein: A multicenter assessment and validation study. Vascular. 2021 Oct;29(5):767-775.
20. Zalewski DP, Ruszel KP, Stępniewski A. miRNA Regulatory Networks Associated with Peripheral Vascular Diseases. J Clin Med. 2022 Jun 16;11(12).

УЎК: 616.15-007.64:617.58-07-089

ОЁҚЛАР ВЕНАСИ ВАРИКОЗ КЕНГАЙИШИ КАСАЛЛИГИ МУАММОСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНИ (адабиётлар шархи)

Абдуллажанов Б.Р., Болтаев А.А.
Андижон давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси Андижон шаҳар.

СОВРЕМЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ПРОБЛЕМЫ ВАРИКОЗНОЙ БОЛЕЗНИ ВЕН (обзор литературы)

Абдуллажанов Б.Р., Болтаев А.А.
Андижанский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Андижан.

MODERN INTERPRETATION OF THE PROBLEM OF VARICOSE VEINS (literature review)

Abdullajanov B.R., Boltaev A.A.
Andijan State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Andijan city.

Аннотация. *Муаллифлар оёқ веналарини варикоз кенгайиша касаллиги эпидимиологиясини, этиологияси, патогенетик кечишини ҳамда ушбу касалликни синфланишини хорижий олимлар изланишлари асосида ўрганиб чиқишди. Муаллифлар ОВК нинг эпидимиологик холатини, келиб чикиш сабабалари ва унинг патогенетик кечишларини, ушбу касалликни этио-патогенетик жихатларини ўрганиш асосида касалликнинг дунё олимлари томонидан таклиф этилган синфланишини тахлил қилиш ушбу касаллик билан оғриган беморларга ташхис қўйиш ва даволашнинг асосий негизи хисобланаиши хулоса қилишмоқда.*

Калит сўзлар. *Оёқ, вена, варикоз, кенгайиш.*

Аннотация. *Авторами были изучены эпидемиология, этиология, патогенетическое течение и классификация варикозной болезни вен ног на основе исследований зарубежных ученых. Авторы приходят к выводу, что анализ эпидемиологической ситуации по ВБН, ее причин и патогенетических процессов, а также предложенная мировыми учеными классификация заболевания, основанная на изучении этиопатогенетических аспектов этого заболевания, являются основной основой диагностики и лечения больных с данным заболеванием.*

Ключевые слова. *Нога, вена, варикоз, расширение.*

Abstract. *The authors studied the epidemiology, etiology, pathogenetic course and classification of varicose veins of the legs based on the research of foreign scientists. The authors come to the conclusion that the analysis of the epidemiological situation on VBN, its causes and pathogenetic processes, as well as the classification of the disease proposed by world scientists, based on the study of the etiopathogenetic aspects of this disease, are the main basis for the diagnosis and treatment of patients with this disease.*

Key words. *Leg, vein, varicose veins, expansion.*

Кириш. Замонавий адабиётларда варикоз касаллиги пайдо бўлишининг предикторлари веноз тизимнинг морфологик ва функционал бузилишлари эканлиги тўғрисида кўплаб далиллар келтирилган. Энг кўп учрайдиган шакллардан бири оёқлар варикоз касаллиги ҳисобланади [3, 10].

Оёқлар варикоз касаллиги - бу қон томир дарахтининг энг кўп учрайдиган патологияси бўлиб, оёқлар вена томирлари ўтказувчанлигининг бузилиши аҳолининг 30-53 фоизида учрайди ва асосан 62 фоиз холатгача катта ёшдаги беморларда кузатилади [4, 12].

Айрим хорижий муаллифларнинг маълумотлари шуни кўрсатадики, сурункали веноз етишмовчилиги (СВЕ) кўпинча аҳолининг 60-75 фоизида ва 80% ортиқ кекса ёшдаги беморларда учрайди. СВЕ асоратлари эса беморларнинг 42 фоизида, оёқларнинг шишиши беморларнинг 10 фоизида, 37% - тери қопламаларининг ўзгариши, 11% - оёқларнинг трофик яралари ва 3% - очиқ яралар учрайди [7, 14].

Ёшликда оёқлар варикоз касаллиги билан кўпинча аёллар азият чекади ҳамда аёллар ва эркаклар ўртасидаги нисбат 6:1 ни ташкил қилади, аммо кекса ва кекса ёшдаги беморларда бу фарқ деярли йўқолади. 20-35 ёшда варикоз касаллигини учраши тахминан 9-17% ни ташкил қилади, аёлларда 17% гача, эркакларда эса бу ёшда жуда кам учрайди. 60 ёшдан ошган аёлларда ушбу касаллик 63% ҳолларда учрайди. Оёқлар варикоз касаллиги муаммоси билан шуғулланадиган кўплаб муаллифлар касаллик ривожланишининг асосий этиологик омили сифатида ҳомиладор аёллардаги экстрагенитал касаллик эканлигини таъкидлайди [5, 9, 11, 15].

Россия муаллифларининг адабиётларига кўра, фақат Россия Федерациясида 30 миллиондан ортиқ одам оёқлар варикоз касаллигидан, шу жумладан 3 миллион киши – болдир соҳаси очиқ трофик яраларидан азият чекади [4, 6, 11]. Шуни таъкидлаш керакки, веноз этиологияли трофик яралари оёқларнинг барча трофик касалликлари орасида биринчи ўринни эгаллайди. Кекса ёшдаги беморларда веноз трофик яраларнинг учраши уч баравар ортади [2, 8, 10]. Шунингдек, юрак-қон томир, ўпка, сийдик ажратиш тизими ва эндокрин аъзоларининг ҳамроҳ касалликлари трофик яралар кечишини оғирлаштиради, узоқ муддатли микроб контаминацияси, маҳаллий яллиғланиш реакцияси, репаратив фаолликнинг пасайиши билан тавсифланади ҳамда даволашга алоҳида ёндашувни талаб қилади.

Операциядан кейинги варикоз касаллигининг қайталаниши долзарб муаммо бўлиб, турли муаллифларнинг фикрига кўра, беш йил ичида операциядан кейинги даврда 63% гача учрайди ва ўртача 14-25% ни ташкил қилади [1, 13].

Косметик нуқсонларнинг намоён бўлиши, меҳнатга лаёқатлиликнинг йўқолиши, трофик бузилишларнинг ривожланиши ва асоратларнинг пайдо бўлиши ОВК билан оғриган беморларда ҳаёт сифатининг пасайишига сабаб бўлади. ОВК асоратларининг узоқ давом этиши

айрим беморларнинг ногиронлигига олиб келади [5, 16].

Муаммонинг мураккаблиги боис, амалиётда юқори терапевтик ва косметик натижага эришиш учун, шунингдек хирургик аралашув қуйи шикастланиш билан кечиши учун барча мавжуд даволаш усулларини турли хил комбинацияларда қўллаш талаб этилади.

Оёқлар варикоз касаллиги - полиэтиологик касалликдир. Касалликнинг ривожланишини қўзғатувчи ишлаб чиқариш омиллари орасида, биринчи навбатда нотўғри турмуш тарзи, оғир жисмоний зўриқишлар, узоқ вақт мажбурий вертикал ёки ўтирган ҳолатда бўлиш (бухгалтер, чевар, ҳайдовчи, чилангар ва бошқалар), организмдаги гормонал ўзгаришлар (ҳомиладорлик, балоғатга етиш даври, гормонал контрацептивлардан фойдаланиш ва бошқалар), узоқ ва такрорий термал муолажалар туради [18, 21]. Касаллик сабабини аниқлашда, касбга алоҳида урғу берилади, холбуки узоқ муддатли статик юкламалар касалликнинг ривожланиш хавфини оширади. Маълумотларга кўра, ўтирган ҳолатда ишлайдиган ходимларда оёқлар варикоз касаллигининг ривожланиш хавфи 1,5 баравар ошади [13, 26, 28].

Аёлларда варикоз касаллиги ривожланишининг муҳим этиологик омили ҳомиладорлик - 42% ни ташкил қилади, кейинги ўринларда семизлик 28% гача туради ва ниҳоят ирсий омил атиги 19% ни ташкил қилади [22, 27].

Оёқлар варикоз касаллигида СВЕ патофизиологияси асосида: веноз гипертензия, веналар клапан етишмовчилиги, тери ости веналари бўйлаб ретроград қон оқими ва узоқ чўзилган ҳолатларда чуқур веналар бўйлаб кечиши; перфорант веналар бўйлаб вено-веноз оқими ётади.

Веноз стаз тўқималарга кислород етказиб берилишини камайтиради, бу эса уларнинг ишемиясига олиб келади. Тўқималар гипокцияси яллиғланиш медиаторлари ва митогенетик молекулаларни ажратиб чиқарувчи эндотелиал ҳужайраларни фаоллаштиради. Яллиғланиш медиаторлари лейкоцитлар адгезияси ва агрегациясига сабаб бўлади ва билвосита силлиқ мушак ҳужайралари пролиферациясини келтириб чиқаради. Адгезия жараёнида лейкоцитлар фаоллашади ва кўплаб биологик тузилмалар, масалан коллагенни шикастлаши мумкин бўлган эркин радикаллар ва протеазаларни ажратиб чиқаради. Пролиферация қилувчи силлиқ мушак ҳужайралари ўз фенотипини ўзгартиради ҳамда соғлом вена деворида муҳим ўрин тутган физиологик қисқариш қобилиятини йўқотади. Тўқималар гипоксияси ва лейкоцитар агрессия тўқималарнинг шикастланишига, шиш пайдо бўлишига, оёқларнинг дистал қисми липодерматосклерози ва трофик яралари пайдо бўлишига сабаб бўлади [17, 20, 25].

Лейкоцитлар агрегацияси ва силлиқ мушак ҳужайралари пролиферацияси натижасида капиллярларнинг озиқлантирувчи қатлами орқали қон оқими бузилади. Ўтказилган электрон-микроскопик тадқиқотлар маҳаллий метаболик жараёнларнинг фаоллашиши учун масъул бўлган тузилмаларнинг сезиларли ўзгаришини кўрсатди. Эндотелиоцитлар митохондрияларининг катта қисмида шиш пайдо бўлишининг яққол белгилари ва ёруғлашган гомоген матрикс кузатилган. Кўпинча органеллаларнинг шиши кристалар дезорганизацияси ва фрагментацияси билан кечган [3, 6, 19].

Эндотелиоцитларнинг вакуоляр тизими ядро ёки цитоплазматик мембранага яқин жойлашган турли хил ўлчамдаги юмалоқ шаклдаги бир мембранали хосилалардан иборат. Вакуолаларни тўлдирувчи матрикс ўртача ёки паст электрон зичликдаги модда билан ифодаланади. Вакуолалар ва эндоплазматик тўр вакуоласимон найчаларининг бирлашиши кузатилади. Эндоплазматик ретикулумнинг вакуолизацияси билан бир қаторда липидлар сонининг кўпайиши ёки камайиши содир бўлади.

Одатда, эндотелиоцитларнинг ёғли инфильтрацияси локал табиатли бўлади. Вакуолизация ҳамда цитоплазмада липид томчиларининг мавжудлиги ҳужайра тузилишини сезиларли даражада бузмайди ва нисбий гипокциянинг натижаси бўлиши мумкин. Иккинчиси қон томир эндотелийси ва тўқималарнинг экстраэндотелиал соҳалари билан ўзаро таъсир қилиш жараёнида ушбу ҳужайралар ва нейтрофилларнинг фаоллашишига сабаб бўлади. Лактоферин, эластаза ва бошқа фаол моддаларни ўз ичига олган нейтрофилларнинг грануляр моддаси атроф тўқималарнинг деструкциясига олиб келади. Бундан ташқари, нейтрофилларнинг фаоллашиши жараёнида ушбу ҳужайралар томонидан эркин кислород радикаллари ишлаб чиқарилади, бу эса ўз навбатида эндотелиоцитларни фаоллаштиради. Бу лейкоцитлар учун эндотелийнинг миграцион ўтказувчанлигини кучайтиради, шунингдек, ушбу жараёнларнинг бўсаға доирасини ташкил қилган ҳолда, тромбоксан, лейкотриэнлар ва бошқа цитокинларнинг синтезига ёрдам беради.

Ўн минглаб беморларни даволаш тажрибаси асосида оёқ сурункали вена касалликларининг асосий клиник белгилари танланиб олинди. Ушбу белгилар оғирлигининг кучайиши бўйича (босқичлари бўйича эмас) 6 та клиник синфга: телангиоэктазиядан (ТАЭ) трофик ярагача ажратилган. Клиник қисмдан ташқари, ушбу жараённинг бирламчи ёки йўқлигини кўрсатувчи этиологик бўлим («Е») пайдо бўлди. Таснифнинг учинчи - анатомик қисми («А») оёқлар бутун веноз тизимини 18 та алоҳида сегментларга ажратди. Бу оёқлар веноз тизими шикастланишининг локализациясини аниқ кўрсатиш имконини беради. Сўнгги, патофизиологик бўлим («Р») зарарланган веноз сегментда рефлюкс ва/ёки обструкция мавжудлигини кўрсатади. 2004 йилда ушбу тасниф қайта кўриб чиқилган [2, 5, 13, 18] ва бутун дунё бўйлаб флебологик амалиётда фойдаланиш учун тавсия этилган. Шубҳасиз, СЕАР таснифининг салбий томони унинг ноқулайлигида бўлиб, унинг барча 40 та бандларини хотирада сақлаш жуда қийин ва баъзан имконсиздир.

I. Клиник тасниф (С)

Биринчи бўлимда кўздан кечириш ва пальпация орқали аниқланган белгиларнинг умумийлиги бўйича 7 та клиник синф (0 дан 6 гача) градацияси инобатга олинади. Синфлар патологик жараённинг кетма-кет босқичлари ҳисобланмайди. Даволаш натижасида беморни қуйи синфга ўтказиш мумкин. Асосий версияда таснифлаш учун энг оғир даражадаги бузилишлардан фойдаланишга рухсат берилади. Масалан, варикоз касаллиги билан оғриган беморда шиш ва трофик яра мавжуд бўлса, С2, 6 эмас, балки С6 билан кодланади.

- **С0:** Кўздан кечирганда ва пайпаслаганда, вена касаллиги симптомларининг бўлмаслиги;
- **С1:** Телеангиоэктазиялар/ретикуляр веналар;
- **С2:** Варикоз кенгайган веналар;
- **С2r:** Рецидив варикоз кенгайган веналар;
- **С3:** Шишлар;
- **С4a:** Пигментация ва/ёки веноз экзема;
- **С4b:** Липодерматосклероз;
- **С4c:** Флебэктатик корона;
- **С5:** Юқорида кўрсатилган теридаги ўзгаришлар ва битган яра;

• **C6:** Юқорида кўрсатилган теридаги ўзгаришлар ва фаол яра;
• **C6r:** Қайталанган рецидив очиқ яра;
• **A:** симптомларсиз;
• **S:** Субъектив Белгилар Билан (оғирлик, тўлишиш ҳисси, оёқ мушакларининг тортишиши ва х.к.).

Агар касалликнинг объектив белгиларидан ташқари, беморда оғриқ, чарчоқ ва х.к. ларга шикоятлар бўлса, клиник синф белгисига S ҳарфи (симптоматик кечиши) қўшилади, агар субъектив белгилар бўлмаса, А ҳарфи (симптомларсиз кечиши) ишлатилади.

II. Этиологик тасниф (E)
• **Ec:** Туғма касаллик;
• **Ep:** Номаълум этиологияли бирламчи касаллик;
• **Es:** Этиологияси маълум иккиламчи касаллик: посттромботик, посттравматик ва х.к.;
• **En:** Касаллик сабаби аниқ эмас;

III. Анатомик тасниф (A)

Учинчи бўлимга патологик ўзгаришларнинг аниқ локализацияси киритилган (веналар - юзаки, чуқур, перфорант, патологик жараёнга қўшилган; асосий версияда алоҳида анатомик сегментлар бўйича аниқлик киритиш шарт эмас).
• **AS:** Юзаки веналар;
• 1. Телеангиоэктазиялар ва ретикуляр веналар;
• 2. Тиззадан юқорида катта тери ости венаси;
• 3. Тиззадан қуйида катта тери ости венаси;
• 4. Кичик тери ости венаси;
• 5. Катта тери ости венаси (КТВ) ёки кичик тери ости венаси (КТВ) ховузидан ташқари веналарнинг ўзгариши;
• **AD:** чуқур веналар;
• 6. Пастки Ковак Вена;
• 7. Умумий Ёнбош Венаси;
• 8. Ички ёнбош венаси;
• 9. Ташқи ёнбош венаси;
• 10. Чаноқ - гонада, бачадон кенг бойлами ва х.к.;
• 11. Умумий Сон Венаси;
• 12. Чуқур Сон Венаси;
• 13. Юзаки Сон Венаси;
• 14. Тизза Ости Венаси;
• 15. Болдир веналари – олдинги ва орқа катта болдир, кичик болдир (барчаси жуфт) веналари;
• 16. Мушак – болдир мушаклари, камбаласимон ва х.к.;
• **AP:** Перфорант веналар;
• 17. Сон;
• 18. Болдир;
• **An:** Веноз тизимида ўзгаришлар йўқ

IV. Патофизиологик тасниф.

Тўртинчи бўлимда гемодинамик бузилишларнинг тури тасвирланган. Ташхисни шакллантиришда аниқланган санани кўрсатиш лозим, чунки даволаш давомида клиник синф ҳамда диагностик ҳаракатлар даражаси L. ўзгариши мумкин.
• **Pr:** Рефлюкс;
• **Po:** Обструкция;
• **Pr, o:** Рефлюкс + обструкция;
• **Pn:** Веноз оқимида бузилишлар аниқланмади.

CEAP (қўшимча) бешинчи ва олтинчи бўлимлари - баҳолаш шкалалари бўлиб, улар турли хил даволаш усулларининг самарадорлигини таққослашда қўлланилади. Бундай ҳолда, клиник симптомлар ва меҳнатга лаёқатсизлик даражаси балллар билан баҳоланади. Даволашдан олдин ва кейин баллар сонини таққослаш натижаларни баҳолашни умумлаштиришга имкон беради.

V. Клиник шкала (балларни ҳисоблаш):
• Оғриқ: 0 - йўқ; 1 - кучсиз; 2 – кучли;
• Шиш: 0 - йўқ; 1 - қисман\кучсиз; 2 – кучли;
• «Веноз оқсоқлик»: 0 - йўқ; 1 - енгил\кучсиз; 2 – кучли;
• Пигментация: 0 - йўқ; 1 - маҳаллий; 2 – тарқоқ;
• Липодерматосклероз: 0 - йўқ; 1 - маҳаллий; 2 – тарқоқ;
• Яра, ўлчами (энг катта яра): 0 - йўқ; 1 – диаметри <2 см; 2- диаметри >2 см;
• Яранинг мавжудлиги муддати: 0 - йўқ; 1 - <3 ой; 2 - >3 ой;
• Яранинг рецидивланиши: 0 - йўқ; 1 – бир марта; 2 – кўп марта;
• Яралар сони: 0 - йўқ; 1 – битта; 2 – кўп.

VI. Меҳнатга лаёқатсизликнинг пасайиши шкаласи:
• 0 – Симптомларсиз кечиши;
• 1 – Касалликнинг белгилари мавжуд, бемор меҳнатга лаёқатли ва қўллаб-қувватловчи воситаларсиз ишлай олади;
• 2 – Бемор қўллаб-қувватловчи воситалар ёрдамида 8 соатгача ишлай олиши мумкин;
• 3 - Бемор меҳнатга лаёқатли эмас, шунингдек қўллаб-қувватловчи воситаларсиз ҳам ишлай олмайди.

Ушбу таснифни қабул қилиш ва ундан фойдаланишни осонлаштириш учун "асосий" CEAP ва "кенгайтирилган" CEAP тушунчалари киритилди. Биринчисида, энг катта аҳамиятга эга бўлган клиник хусусиятни кўрсатиш, сабабни кўрсатиш, учта веноз тизимдан бирини анатомик кўрсатиш ва етакчи патофизиологик хусусиятни кўрсатиш тушунилади. Кенгайтирилган вариантида ушбу беморда мавжуд бўлган барча кўрсаткичлар кўрсатилган. Бундан ташқари, ташхисда текширувнинг клиник даражасини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:
• L I – Физикал текширув, допплерография;
• L II – ноинвазив усуллар, мажбурий: ультратовушли дуплекс сканерлаш, факультатив: плетизмография ва х.к.;
• L III – инвазив усуллар: флебография ва чуқурлаштирилган текширув: магнит-резонанс томография ва х.к.

Шунингдек, текширув санаси, ташхис: Варикоз касаллиги. Ўнг оёқ веналари варикоз кенгайиши катта тери ости венаси бўйлаб тизза бўғимигача ва болдир перфорант веналари бўйлаб рефлюкси билан. тарзда кўрсатилиши лозим.

CBE қуйидагича белгиланади:
• Асосий CEAP: C3, Ep, As, p, Pr
• Кенгайтирилган CEAP: C 1,2,3,S, Ep, As, p, Pr, 2,18, LII 19.03.2009

Қўшимча тарзда яра дефектининг чуқурлиги ва майдонини тавсифловчи тансифлар ишлатилиши мумкин.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда ОВК нинг эпидимиологик холатини, келиб чикиш сабабалари ва унинг патогенетик кечишларини, ушбу касалликни этио-патогенетик жихатларини ўрганиш асосида касалликнинг дунё олимлари томонидан таклиф этилган синфланишини тахлил қилиш ушбу касаллик билан оғриган беморларга ташхис қўйиш ва даволашнинг асосий негизи хисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бабаджанов А.С. Тоиров А.С., Рузибоев С.А. Оёқ веналари варикоз касаллиги ва уни даволаш усуллари// Тошкент 2022. 127.

2. Варикозное расширение вен нижних конечностей: клинические рекомендации / Минздрав РФ. 2021.

3. Золотухин И.А., Порембская О.Я., Сметанина М.А. и др. Варикозная болезнь: на пороге открытия причины? Вестник Российской академии наук. 2020; 75(1): 36-45.

4. Золотухин И.А., Селиверстов Е.И., Шевцов Ю.Н. и др. Распространенность хронических заболеваний вен: результаты популяционного эпидемиологического исследования// Флебология. - 2016. - Т. 10, № 3. - С. 119-125.

5. Камаев А.А., Булатов В.Л., Вахратьян П.Е. и др. Варикозное расширение вен// Флебология. - 2022. - Т. 16, № 1. - С. 41-108.

6. Лобастов К.В. Современное представление об этиологии и патогенезе венозного тромбоза: переосмыслении триады Вирхова// Флебология. 2019. Т. 13. № 3. С. 227-235.

7. Нестерова А.В. Болезни ног и варикозное расширение вен. Лечение и профилактика. - М.: Книга по Требованию, 2015. - 640 с.

8. Ситников П. В. Варикозная болезнь. Советы и рекомендации по лечению и профилактике. - М.: Феникс, 2016. - 160 с.

9. Скакун Е.Д., Черева К.П. Распространенность тромбофлебита среди лиц различных категории труда в зависимости от его тяжести. Студенческий вестник. 2021. № 37-2 (182). С. 41-42.

10. Султанов Д.Д. Эпидемиология хронических заболеваний вен среди сельских жителей Таджикистана// Flebologia. - 2019. - № 4 (13). - С. 307-313.

11. Abelyan G, Abrahamyan L, Yenokyan G. A case-control study of risk factors of chronic venous ulceration in patients with varicose veins. Phlebology. 2018;33(1):60–7.

12. Abou-ElWafa HS, El-Metwaly AAM, El-Gilany AH. Lower Limb Varicose Veins among Nurses: A Single Center Cross-Sectional Study in Mansoura, Egypt. Indian J Occup Environ Med. 2020 Sep-Dec;24(3):172-177.

13. Aly SG, Wahdan MM, Ahmed DH, Ibrahim EF. Abd El- Hamid DM. Varicose veins: prevalence and associated risk factors among women of childbearing age attending a primary health care unit in Cairo, Egypt. Egypt Fam Med J. 2020;4(1):58–75.

14. Bates SM, Rajasekhar A, Middeldorp S. American Society of Hematology 2018 guidelines for management of venous thromboembolism: venous thromboembolism in the context of pregnancy. Blood Adv. 2018 Nov 27;2(22):3317-3359. doi: 10.1182/bloodadvances.2018024802. PMID: 30482767; PMCID: PMC6258928.

15. Bauersachs RM. Oberflächliche Venenthrombose [Superficial Vein Thrombosis]. Dtsch Med Wochenschr. 2021 Oct;146(19):1237-1242. German. doi: 10.1055/a-1286-2153. Epub 2021 Sep 22. PMID: 34553346.

16. Cappelli M., Molino-Lova R., Giangrandi I. [et al.] Ligation of the saphenofemoral junction tributaries as risk factor for groin recurrence // J.Vasc. Surg. Venous Lymphat. Disord. - 2018. - Vol. 6, № 2. - P. 224-229.

17. Davies AH. The seriousness of chronic venous disease: a review of real-world evidence. Adv Ther. 2019;36(S1):5–12.

18. Davies HOB, Popplewell M, Bate G. Analysis of Effect of National Institute for Health and Care Excellence Clinical Guideline CG168 on Management of Varicose Veins in Primary Care Using the Health Improvement Network Database. Eur J Vasc Endovasc Surg. 2018 Dec;56(6):880-884.

19. Gao R.D., Qian S.Y., Wang H.H. [et al.] Strategies and challenges in treatment of varicose veins and venous insufficiency// World J. Clin. cases. - 2022. - Vol. 10, № 18. - P. 5946-5956.

20. Gianesini S. Menegatti E., Occhionorelli S. [et al.] Segmental saphenous ablation for chronic venous disease treatment // Phlebology - 2021. - Vol. 36, № 1. - P. 63-69.

21. Gonser LI, Gonser CE, Strölin A. Phlebologische Notfälle [Phlebological emergencies]. Hautarzt. 2018 May;69(5):384-391. German. doi: 10.1007/s00105-018-4160-3. PMID: 29637225.

22. Guida G. Saphenous vein graft disease, pathophysiology, prevention, and treatment. A review of the literature// J. Card. Surg. - 2020. - Vol. 35, № 6. - P. 1314-1321.

23. Li J, Wu C, Song D, Wang L, Guo L. Polidocanol Sclerotherapy for the Treatment of Pyogenic Granuloma in Children. Dermatol Surg. 2021 Jun 01;47(6):802-804.

24. Lurie F, Passman M, Meisner M. The 2020 update of the CEAP classification system and reporting standards. J Vasc Surg Venous Lymphat Disord. 2020 May;8 (3):342-352.

25. Ni D, Ehlerding EB, Cai W. Multimodality Imaging Agents with PET as the Fundamental Pillar. Angew Chem Int Ed Engl. 2019 Feb 25;58(9):2570-2579. doi: 10.1002/anie.201806853. Epub 2018 Dec 11. PMID: 29968300; PMCID: PMC6314921.

26. Oana Nicoară-Farcău, Guillem Soy, Marta Magaz. et al. New Insights into the Pathogenesis, Risk Factors, and Treatment of Portal Vein Thrombosis in Patients with Cirrhosis. Semin Thromb Hemost. 2020 Sep;46(6):673-681. doi: 10.1055/s-0040-1715473.

27. Shahira Elamrawy, Iman Darwish, Sameh Moustafa, Noha Elshaer & Nesma Ahmed. Epidemiological, life style, and occupational factors associated with lower limb varicose veins: a case control study. Journal of the Egyptian Public Health Association 2021; 96(19). https://doi.org/10.1186/s42506-021-00075-0

28. Tansey EA, Montgomery LEA, Quinn JG. Understanding basic vein physiology and venous blood pressure through simple physical assessments. Adv Physiol Educ. 2019 Sep 1;43(3):423-429. doi: 10.1152/advan.00182.2018. PMID: 31408386.

UDC: 616.611-002-053.2-039

CLINICAL AND LABORATORY FEATURES OF POST-INFECTIOUS GLOMERULONEPHRITIS IN CHILDREN: DEVELOPMENT OF AN HTML-BASED EDUCATIONAL PROGRAM FOR MEDICAL STUDENTS

Abdullaeva D. T., Akramkhujaeva A. B., Saloni Sajid Maner
Tashkent Medical Academy, Tashkent, Republic of Uzbekistan.

BOLALARDA POST-INFEKSION GLOMERULONEFRITNING KLINIK VA LABORATOR XUSUSIYATLARI: TIBBIYOT TALABALARI UCHUN HTML- ASOSLANGAN TA'LIM DASTURINI ISHLAB CHIQISH

Abdullayeva D. T., Akramkhujaeva A. B., Saloni Sajid Maner
Toshkent tibbiyot akademiyasi, Toshkent, O'zbekiston Respublikasi.

КЛИНИКО-ЛАБОРАТОРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПОСТИНФЕКЦИОННОГО ГЛОМЕРУЛОНЕФРИТА У ДЕТЕЙ: РАЗРАБОТКА ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ПРОГРАММЫ НА ОСНОВЕ HTML ДЛЯ СТУДЕНТОВ-МЕДИКОВ

Абдуллаева Д. Т., Акрамхужаева А. Б., Салони Саджид Манер
Ташкентская медицинская академия, Ташкент, Республика Узбекистан.

Annotation *- Post-infectious glomerulonephritis (PIGN) remains a prevalent cause of acute glomerular disease in children, particularly in resource-limited settings. This study examines the clinical and laboratory features of PIGN, focusing on renal function, fibrinogen levels, and anemia. Additionally, it introduces an innovative HTML-based program designed to enhance medical students' diagnostic skills by facilitating the interpretation of clinical data. The findings highlight key laboratory markers such as elevated fibrinogen levels, hypocomplementemia, and anemia, emphasizing the need for early detection and management to prevent complications like chronic kidney disease. The study also underscores preventive measures and educational interventions to improve both clinical outcomes and public health awareness.*

Key words: *glomerulonephritis, fibrinogen, ASL-O, HTML-programm.*

Annotatsiya. *Post-infeksion glomerulonefrit (PIGN) bolalarda, ayniqsa resurslar cheklangan sharoitlarda o'tkir glomerulyar kasallikning keng tarqalgan sababi bo'lib qolmoqda. Ushbu tadqiqot buyrak funktsiyasi, fibrinogen darajalari va anemiyaga e'tibor qaratib, PIGN ning klinik va laboratoriya xususiyatlarini o'rganadi. Bundan tashqari, u klinik ma'lumotlarni izohlashni osonlashtirish orqali tibbiyot talabalarining diagnostika ko'nikmalarini oshirishga mo'ljallangan innovatsion HTML-ga asoslangan dasturni taqdim etadi. Topilmalar fibrinogen darajasining oshishi, gipokomplementemiya va anemiya kabi asosiy laboratoriya belgilarini ta'kidlab, surunkali buyrak kasalligi kabi asoratlarni oldini olish uchun erta aniqlash va davolash zarurligini ta'kidlaydi. Tadqiqot, shuningdek, profilaktika choralari va klinik natijalarni va aholi salomatligi haqida xabardorlikni yaxshilash uchun ta'lim tadbirlarini ta'kidlaydi.*

Kalit so'zlar: *glomerulonefrit, fibrinogen, ASL-O, HTML-dastur*

Аннотация. *Постинфекционный гломерулонефрит (ПИГН) остается распространенной причиной острого гломерулярного заболевания у детей, особенно в условиях ограниченных ресурсов. В этом исследовании изучаются клинические и лабораторные особенности ПИГН, уделяя особое внимание функции почек, уровням фибриногена и анемии. Кроме того, в нем представлена инновационная программа на основе HTML, разработанная для улучшения диагностических навыков студентов-медиков путем облегчения интерпретации клинических данных. Результаты подчеркивают ключевые лабораторные маркеры, такие как повышенный уровень фибриногена, гипокомплементемия и анемия, подчеркивая необходимость раннего выявления и лечения для предотвращения осложнений, таких как хроническое заболевание почек. В исследовании также подчеркиваются профилактические меры и образовательные вмешательства для улучшения как клинических результатов, так и осведомленности общественного здравоохранения.*

Ключевые слова: *гломерулонефрит, фибриноген, АСЛ-О, HTML- программа*

Abstract: Post-infectious glomerulonephritis (PIGN) remains a significant cause of acute glomerular disease in children, particularly in regions with limited healthcare resources. PIGN typically follows streptococcal infections and is characterized by immune-mediated glomerular inflammation. While the disease often resolves with supportive care, early recognition and precise management are critical to preventing complications such as chronic kidney disease. This study evaluates the clinical and laboratory features of PIGN in children, focusing on parameters like renal function, fibrinogen levels, and anemia. Additionally, it introduces an innovative HTML-based program designed to aid medical students in interpreting clinical and laboratory data for PIGN, enhancing their diagnostic and educational experience and also provide insights to guardians.

Purpose of the Study: The primary aim of this study is to analyze the clinical and laboratory characteristics of post-infectious glomerulonephritis (PIGN) in children. Furthermore, it evaluates the effectiveness of a novel HTML-based educational program developed to assist medical students in understanding and interpreting critical diagnostic parameters, including renal function stages, fibrinogen levels, and clotting risk, to improve their learning outcomes and diagnostic skills.

Keywords: post-infectious glomerulonephritis, pediatric nephrology, fibrinogen levels, renal function assessment, HTML program

Introduction: Post-infectious glomerulonephritis (PIGN) is a significant cause of acute glomerular disease in children, particularly in developing regions [5]. It is an

autoimmune condition characterized by inflammation of the glomeruli, typically following an infection, most commonly with nephritogenic strains predominantly of Group A beta-hemolytic Streptococcus infection [2]. PIGN primarily affects children between 3 and 12 years old, with males being more frequently affected [5]. Despite advancements in healthcare, it remains a major public health concern due to its potential to cause long-term renal impairment, especially in resource-limited settings [3]. Globally, it is estimated that there are approximately 472,000 new cases of acute post-infectious glomerulonephritis annually, with 404,000 of these cases occurring in children [3]. Since 2022, there has been a noticeable rise in streptococcal infections and subsequent APIGN cases, possibly due to reduced exposure during the pandemic, leading to decreased immunity [1, 4]. The pathogenesis of PIGN is primarily immune-mediated. Following an infection, immune complexes are deposited in the glomeruli, leading to inflammation and glomerular injury. Immune complexes lead to activation of the complement system and platelets, causing changes in the physiochemical properties of the basement membrane, endothelial mesangium, and glomerular epithelium [1]. Fibrinogen, a soluble plasma protein synthesized in the liver, is directly involved in the formation of a thrombus (blood clot) after vascular wall damage [2]. This indicator is determined in a coagulogram (hemostasiogram)—a special coagulation test. Under the influence of specific factors, fibrinogen converts into insoluble fibrin at the site of vascular damage. Its threads intertwine, creating a dense network to which platelets adhere, forming a temporary patch to stop bleeding. The lower the fibrinogen level, the longer it takes for a thrombus to form, which can lead to significant consequences [2]. The norm is from 2 to 4 g/L. The clinical presentation typically includes hematuria, proteinuria, oliguria, edema, and hypertension, often accompanied by a preceding history of pharyngitis or skin infection (pyoderma, impetigo) [5]. Laboratory investigations reveal characteristic findings such as reduced serum complement levels, specifically C3, elevated serum creatinine, elevated fibrinogen levels, and the presence of red blood cell casts in urine [3]. Serological markers, such as anti-streptolysin O (ASO) titers, can help confirm a recent streptococcal infection, but these are not reliable in cases of skin infections, where cholesterol destroys ASO. Another serological marker is anti-DNAse B, as streptococcus produces DNAse [1]. The clinical course of PIGN in children is favourable, with most patients achieving full recovery within weeks to months. However, a subset of children may develop complications, including nephrotic syndrome, hypertensive encephalopathy, or even chronic kidney disease (CKD) [4]. Early recognition and proper management are crucial to prevent these adverse outcomes. This involves supportive care, including antihypertensive therapy and diuretics, along with close monitoring of renal function and urine output [5]. In the context of laboratory diagnostics, a comprehensive evaluation is essential for accurate diagnosis and monitoring of disease progression. Typical laboratory findings include microscopic hematuria, mild to moderate proteinuria, and elevated serum creatinine and fibrinogen levels [2]. Hypocomplementemia, particularly low C3 levels, is a hallmark of PIGN and usually resolves within 6-8 weeks [3]. In some cases, kidney biopsy may be required to confirm the diagnosis, especially if the clinical course is atypical or there is concern for alternative diagnoses such as lupus nephritis or IgA nephropathy [4]. Understanding the clinical and laboratory features of PIGN is vital for its timely diagnosis and management. This study aims to provide a detailed analysis of these features in children diagnosed with PIGN, focusing on their presentation, laboratory findings, and outcomes. By doing so, we hope to enhance clinical recognition of the disease and contribute to the optimization of its management, ultimately improving patient outcomes. Furthermore, this research highlights the need for continued surveillance and public health initiatives to prevent streptococcal infections, particularly in regions where PIGN is still endemic [4]. In conclusion, post-infectious glomerulonephritis continues to pose a challenge in pediatric nephrology, especially in underprivileged areas. A thorough understanding of its clinical and laboratory manifestations is essential for clinicians to ensure prompt diagnosis and management. This study provides insights into the characteristic features of PIGN, offering a valuable resource for healthcare professionals and guardians managing pediatric patients with glomerular diseases.

Methodology: This observational cross-sectional study, conducted over a one-month period, aimed to evaluate the clinical manifestations and patterns of glomerulonephritis, nephrotic syndrome, and pyelonephritis in pediatric patients. The study included 25 children, aged 2.5 to 15 years, diagnosed with post-infectious glomerulonephritis (PIGN) and other renal conditions, who were treated in the Department of Nephrology at the Tashkent Medical Academy's Department of Children Diseases. Clinical data were collected through patient history (anamnesis morbi and anamnesis vitae), present status evaluation, physical examinations, and laboratory investigations. Data were systematically documented, including parameters such as age, gender, history, complaints, illness duration, symptoms, severity, and complications. Laboratory investigations comprised a complete blood count (CBC), coagulogram, urine analysis, renal function tests (serum creatinine, blood urea nitrogen), serum electrolytes, complement levels (C3 and C4), and albumin levels. Maternal health during pregnancy was also assessed. We focused on laboratory parameters included hemoglobin, fibrinogen, anti-streptolysin O (ASO) titers, C-reactive protein glomerular filtration rate (GFR), and proteinuria. An HTML-based program was developed to calculate renal function stages and clotting risk based on fibrinogen levels and provide conclusion and recommendations based on the input laboratory values. Patient confidentiality was strictly maintained throughout the study.

Results: A total of 25 patients from the nephrology department were included in the study, of which 5 with pyelonephritis were excluded. Among the remaining 20 patients, 85% (n=17) presented with nephrotic syndrome and 15% (n=3) with nephritic syndrome (table 1).

Table 1

	Total	Pyelonephritis	Glomerulonephritis	
			Nephrotic	Nephritic
No. Of patients	25	5	17	3
%	100	20	85	15

Post-streptococcal glomerulonephritis with positive ASO titers was observed in 65% (n=13), while 35% (n=7) were ASO-negative due to factors such as alternative infections, secondary immune responses, or genetic predispositions (table 2).

Table 2

Parameters	Category	Percentage (%)	No of patients (N=20)
Anemia	Mild	20	4
	Moderate	25	5
Fibrinogen	Stage 1 Normal (200-400mg/dL)	15	3
	Stage 2 Mild (350-450mg/dL)	35	7
	Stage 3 Moderate (450-600mg/dL)	27	5
	Stage 4 severe (>600mg/dL)	23	5
	Stage 5 end stage (>700mg/dL)	0	0

Anemia was identified in 45% of patients, with 20% (n=4) having mild and 25% (n=5) having moderate anemia (table 2). Fibrinogen levels were normal (200–400 mg/dL) in 15% (n=3), stage 2 (350–450 mg/dL) in 35% (n=7), stage 3 (450–600 mg/dL) in 27% (n=5), and stage 4 (>600 mg/dL) in 23% (n=5) (table 2). Universal edema was noted, with generalized edema in nephrotic syndrome and visceral edema in nephritic syndrome. Hypertension was observed in 10% (n=2), indicating cardiovascular involvement. Hematuria was present as macrohematuria in some cases, while microhematuria was confirmed in all. Proteinuria exceeded 2,5 g/day in nephrotic syndrome and was less than 2,5 g/day in nephritic syndrome, with accompanying hypoalbuminemia in nephrotic cases. Common symptoms included hypoxia, fatigue, oliguria, and high-grade fever (>39°C). Urinary symptoms such as flank pain, dysuria, frequency, and urgency were accompanied by systemic signs including malaise, nausea, and vomiting, with urinalysis confirming pyuria and bacteriuria. Genetic predispositions were noted, including family histories of renal diseases, maternal COVID-19 during pregnancy, and recurrent bronchitis, tonsillitis, or throat infections. Laboratory findings highlighted inflammatory or post-infectious etiologies, with anemia, leukocytosis, elevated fibrinogen levels, and increased ASO titers. Initial presentations commonly included swelling of the eyes and abdomen. These findings underscore the complex clinical and laboratory profiles of pediatric glomerulonephritis and emphasize the importance of early diagnosis and tailored management strategies.

Discussions: The clinical findings of this study highlight the diverse and significant manifestations observed in patients with suspected or diagnosed renal or systemic involvement. Edema was a universal feature among the patients. This pattern aligns with typical presentations of fluid retention in renal pathologies, underscoring the need for early identification and management. The presence of hypertension in 10% patients emphasizes the potential cardiovascular complications that may accompany these conditions. The high prevalence of haematuria, both macro- and microscopic, coupled with proteinuria ranging from mild to nephrotic levels, reflects underlying glomerular dysfunction. These findings are consistent with glomerulonephritis and other renal pathologies commonly associated with systemic infections or immune-mediated processes. Hypoxia, fatigue and oliguria, observed in a subset of patients, suggest impaired renal clearance, which may contribute to the overall systemic impact of the disease. The universal occurrence of high-grade fever (>39°C) further supports an inflammatory or infectious etiology. Additional urinary symptoms, including dysuria, urinary frequency, and urgency, combined with pyuria and bacteriuria on urine analysis, point to concomitant urinary tract involvement, potentially compounding patient morbidity. The occurrence of flank and abdominal pain radiating to the back is suggestive of upper urinary tract inflammation or obstruction, warranting further investigation in such cases.

The observed systemic symptoms, such as malaise, nausea, and vomiting, align with the nonspecific manifestations of systemic inflammatory responses. A history of bronchitis and throat infections in patients, as well as maternal COVID-19 infection during pregnancy, provides potential insight into infectious triggers or prenatal exposures contributing to these clinical presentations. The unique case of allergy to sweets may reflect an unrelated but notable individual finding. Laboratory results indicating anemia, leukocytosis, elevated C-reactive protein, elevated fibrinogen levels, and increased ASO titers are indicative of an inflammatory or post-infectious state. These findings are consistent with conditions such as post-streptococcal glomerulonephritis, which is supported by the clinical and laboratory data. This study underscores the importance of comprehensive clinical evaluation and laboratory assessment in identifying and managing renal and systemic conditions.

Conclusion: This study underscores the importance of understanding the clinical and laboratory features of post-infectious glomerulonephritis (PIGN) in paediatric patients to ensure timely diagnosis and management. The integration of an HTML-based educational program has shown potential in simplifying the interpretation of key diagnostic parameters such as renal function and fibrinogen levels for medical students. By bridging the gap between theoretical knowledge and practical application, this program contributes to better educational outcomes and enhances preparedness in managing glomerular diseases in clinical settings for both physicians and medical students. It can also help enhance parental knowledge about condition.

Prevention strategies: Primary prevention of glomerulonephritis focuses on the early diagnosis and prompt treatment of infections such as pharyngitis and impetigo with appropriate antibiotics like penicillin, alongside promoting hygiene practices, particularly in overcrowded or resource-limited settings. Measures include using disposable syringes, screening blood products to reduce the risk of viral infections, maintaining a balanced diet rich in fruits, vegetables, and whole grains while low in saturated fats, staying hydrated to support kidney function, and engaging in regular physical activity to prevent obesity-related complications. Timely vaccinations and avoiding exposure to nephrotoxic agents such as heavy metals (e.g., lead) and excessive NSAID use are also essential. Secondary prevention involves the timely management of throat infections, kidney disease, hypertension, diabetes mellitus, and autoimmune conditions, alongside preventing disease progression through proper medication, diet, and lifestyle modifications. In children, avoiding excessive diaper use is important to prevent cystitis and pyelonephritis, particularly in girls, as their shorter

urethra increases the risk of infection. These strategies collectively aim to reduce the burden of glomerulonephritis and associated complications.

Recommendations: To manage and prevent glomerulonephritis relapse, it is essential to avoid allergenic foods, maintain a balanced diet with moderate protein and adequate caloric intake, and regulate fluid consumption based on urine output, particularly in cases of oliguria. Proper infection prevention measures, such as hand washing, good oral hygiene, completing antibiotic courses for streptococcal infections, and timely vaccination against pneumococcal infections, influenza, and varicella (avoiding live vaccines during immunosuppressive therapy), are crucial. Regular monitoring of blood pressure, urine output, kidney function, and follow-up urinalysis to assess proteinuria and haematuria is recommended, alongside vigilance for signs of infection. Adequate rest, maintaining routines, and encouraging schooling and social activities as the condition stabilises are vital for the child's recovery. Families should be educated to recognize early signs of relapse, such as swelling, frothy urine, infections, and hypertension, and provided emotional and psychological support. Long-term care involves regular paediatric nephrologist consultations to monitor kidney function and ensure sustained health outcomes. These measures promote effective management, minimize relapses, and support the child's overall well-being.

References:

1. Dhakal AK, Shrestha D, Singh SK, Acharya S. Clinical profile of children with acute post-streptococcal glomerulonephritis. Pediatr Nephrol. 2023 Oct;38(10):3327-3336. doi: 10.1007/s00467-023-05982-2. Epub 2023 May 2. PMID: 37130973.
2. Leung, Alexander KC, et al. "Group A β-hemolytic streptococcal pharyngitis: an updated review." Current Pediatric Reviews 21.1 (2025): 2-17
3. Pediatr Nephrol (2011) 26:165–180. DOI 10.1007/s00467-010-1554-6
4. Ranawaka, Randula, et al. "Post-streptococcal acute glomerulonephritis in children: Association between proteinuria levels and renal outcomes." World Journal of Clinical Pediatrics 14.1 (2025).
5. Wang, F., Huang, L., Tang, H. et al. Significance of glomerular fibrinogen deposition in children with Henoch-Schönlein purpura nephritis. Ital J Pediatr 44, 97 (2018). https://doi.org/10.1186/s13052-018-0538-1

УДК 616.98

COVID-19 КАСАЛЛИГИНИ ЭТИОПАТОГЕНЕТИК ВА ПАТОФИЗИОЛОГИК ЖИҲАТДАН ДАВОЛАШДАН КЕЙИН КУЗАТИЛАДИГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ АСОРАТЛАРНИНГ МИНТАҚАВИЙ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Нурбаев Ф.Э.,Мавлянов И.Р., Ҳазратов Ў.Ҳ., Омонов О.Ю., Олимов А.Р.
Республика спорт тиббиёти илмий - амалий маркази, Ўзбекистон
Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон.

РЕГИОНАЛЬНЫЙ СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ОТДАЛЕННЫХ ОСЛОЖНЕНИЙ ПОСЛЕ ЛЕЧЕНИЯ ЗАБОЛЕВАНИЯ COVID-19 С ЭТИОПАТОГЕНЕТИЧЕСКОЙ И ПАТОФИЗИОЛОГИЧЕСКОЙ ТОЧКИ ЗРЕНИЯ

Нурбаев Ф.Э., Мавлянов И.Р., Хазратов У.Х., Омонов О.Ю., Олимов А.Р.
Республиканский научно-практический центр спортивной медицины, Узбекистан
Бухарский государственный медицинский институт, Узбекистан.

REGIONAL COMPARATIVE ANALYSIS OF LATE COMPLICATIONS AFTER TREATMENT OF COVID-19 DISEASE FROM THE ETIOPATHOGENETIC AND PATHOPHYSIOLOGICAL POINT OF VIEW

Nurbaev F.E., Mavlyanov I.R., Khazratov U.Kh., Omonov O.Yu., Olimov A.R.
Republican Scientific and Practical Center for Sports Medicine, Uzbekistan
Bukhara State Medical Institute, Uzbekistan.

Аннотация: *Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, 2024 йилнинг апрел ойи ҳолатида 704 753 681 киши COVID-19 билан касалланган бўлиб, ўлим кўрсаткичлари 7 010 681 нафарга етган. 2020 йил март ойида янги коронавирус инфекцияси бутун дунё бўйлаб тарқалган пайтда бу ҳолат ЖССТ томонидан пандемия деб эълон қилинди. Хитойнинг Ухань шаҳрида рўйхатга олинган биринчи касалланиш ҳолатидан кейин қисқа вақт ичида оғир ўткир респиратор касалликнинг тарқалишини тўхтатиш йўлларини излаш ва даволаш ишлари бошланди. Янги вирусга қарши курашиш давомида бир неча хил турдаги даволаш тамойиллари дунёнинг турли мамлакатларида бир неча бор ўзгартирилди ва турли хил самарага эришилди. Ушбу мақолада COVID-19 касаллигига қарши курашда фойдаланилган даволаш усулларининг минтақивий жиҳатлари ва уларнинг узоқ муддатли асоратлари қиёсий таҳлил қилинган ҳолда, касаллик билан курашиш давомида асоратланиш даражаларининг олдини олиш чора тадбирлари тўғрисида мулоҳаза юритилади.*

Калит сўзлар: *COVID-19, ритонавир-кучайтирилган нирматрелвир, АҚШ Миллий саломатлик институти, SARS-Cov-2 инфекцияси, пандемия, юрак-қон томир касалликлари, сурункали буйрак касаллиги, диабет, ўпканинг сурункали касалликлари, гастроинтестинал асоратлар.*

Аннотация: *По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), по состоянию на апрель 2024 года число инфицированных COVID-19 составило 704 753 681 человек, а число умерших достигло 7 010 681 человека. Когда в марте 2020 года по всему миру распространилась новая коронавирусная инфекция, ВОЗ объявила ситуацию пандемией. После того, как в китайском Ухане был зарегистрирован первый случай заражения, в короткие сроки начался поиск путей остановки распространения тяжелого острого респираторного заболевания и его лечения. В борьбе с новым вирусом в разных странах мира неоднократно модифицировались различные принципы лечения, но результаты были разными. В статье дается сравнительный анализ региональных аспектов методов лечения, применяемых в борьбе с COVID-19, и их отдаленных осложнений, а также рассматриваются меры профилактики осложнений в ходе борьбы с заболеванием.*

Ключевые слова: *COVID-19, нирматрелвир, усиленный ритонавиром, Национальные институты здравоохранения США, инфекция SARS-Cov-2, пандемия, сердечно-сосудистые заболевания, хроническая болезнь почек, диабет, хронические заболевания легких, желудочно-кишечные осложнения.*

Abstract: *According to the World Health Organization (WHO), as of April 2024, the number of people infected with COVID-19 was 704,753,681, and the death toll reached 7,010,681. When a new coronavirus infection spread around the world in March 2020, WHO declared the situation a pandemic. After the first case of infection was registered in Wuhan, China, a search for ways to stop the spread of severe acute respiratory disease and its treatment began in a short time. In the fight against the new virus, various treatment principles have been repeatedly modified in different countries of the world, but the results have varied. The article provides a comparative analysis of regional aspects of the treatment methods used in the fight against COVID-19 and their long-term complications, and also discusses measures to prevent complications in the fight against the disease.*

Keywords: *COVID-19, ritonavir-boosted nirmatrelvir, US National Institutes of Health, SARS-Cov-2 infection, pandemic, cardiovascular disease, chronic kidney disease, diabetes, chronic lung disease, gastrointestinal complications.*

Кириш: COVID-19 касаллиги оғир ўткир респиратор синдром бўлиб, коронавирус (SARS-Cov-2) инфекцияси келтириб чиқарадиган жуда юқумли вирусли касаллик ҳисобланиб, ички аъзоларда рўй берадиган узоқ муддатли асоратларни авж олишига сабаб бўлади. COVID-19 касаллиги Ер сайёраси аҳолисига ҳар томонлама ҳалокатли таъсир кўрсатди. Клиник тадқиқотлардаги сезиларли ютуқлар SARS-Cov-2 инфекциясини яхшироқ тушунишга олиб келган бўлса ҳам, кўплаб мамлакатларда ушбу вирусли касалликнинг

тарқалиши давом этмоқда [1]. Ушбу эпидемиялар биринчи навбатда вируснинг мутант шаклларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бошқа РНК вируслари сингари, SARS-Cov-2 генетик эволюция ва ривожланаётган мутациялар билан мослашади. Бунинг натижасида аждодлар штаммларидан фарқли хусусиятларга эга бўлиши мумкин бўлган мутант вариантлар пайдо бўлади. Ушбу пандемия давомида SARS-Cov-2 нинг бир нечта вариантлари тарқалди, улар орасида фақат бир нечтаси хавфли вариантлари ҳисобланади. ЖССТ томонидан аниқланган эпидемиологик янгиланиш асосида пандемия бошланганидан бери қуйидаги 5 та SARS-Cov-2нинг янги штамми дунёни ташвишга солди:

Alfa (B.1.1.7): Буюк Британияда 2020 йил декабрь ойи охирида тасвирланган биринчи варианти, илк бор **Beta** (B.1.351): Жанубий Африкада 2020 йил декабрда, **Gamma** (P.1): Бразилияда 2021 йил январ ойининг бошларида, **Delta** (B. 1.617.2): Ҳиндистонда 2020 йил декабрда, **Omicron** (B. 1. 1.529): Жанубий Африкада 2021 йил ноябр ойида рўйхатга олинди [2].

COVID-19 нинг олдини олишга қарши вакциналарни ишлаб чиқаришнинг мисли кўрилмаган тезлигига ва глобал оммавий эмлаш ҳаракатларига қарамай, янги SARS-Cov-2 штаммларининг пайдо бўлиши ушбу касалликнинг тарқалишини назоратга олишда эришилган самарали натижаларга салбий таъсир қилмоқда. Ушбу шарҳ COVID-19 нинг этиологияси, эпидемиологияси, патофизиологияси ва турли хил минтақаларда ушбу касалликни даволаш бўйича тавсия этилган даво усулларининг узоқ муддатли асоратлари (2024 йил апрел ҳолатига кўра) ҳақида маълумотлар таҳлил қилинди.

Этиологияси: Коронавируслар (CoVs) геном ўрамида гликопротеинлар мавжудлиги сабабли электрон микроскоп остида тожга ўхшаш кўринишга эга бўлган ижобий маънода бир занжирли РНК (+ssрнк) сақлайдиган вируслардир [1]. Coronaviridae оиласининг Orthocoronavirinae кичик оиласига мансуб коронавирусларнинг 4 авлоди мавжуд бўлиб, улардан Alphacoronavirus (alphaCoV), Betacoronavirus (betaCoV), Deltacoronavirus (deltaCoV), Gammacoronavirus (gammaCoV) кўринишида учради [2].

Ўрганилган геномик тавсифлар шуни кўрсатдики, кўршапалаклар ва кемирувчилар алфакоронавирус ва бетакоронавирусларнинг эҳтимолий ген манбалари ҳисобланади. Парранда турлари делтакоронавируслар ва гаммакоронавирусларнинг манбаи сифатида қаралади. Коронавирус инфекция турлари нафас олиш касалликлари пайдо бўлишининг муҳим патогенларига айланди. Ушбу катта вируслар оиласининг аъзолари турли хил ҳайвон турларида, шу жумладан туялар, қорамоллар, мушуклар ва чорваларда нафас олиш, ичак, жигар ва асаб тизими касалликларини келтириб чиқаради [3].

Эпидемиологияси: Пандемия вақтида коронавирус инфекцияси асоратидан кейинги ўлим кўрсаткичлари юрак-қон томир тизими хасталиклари ва онкологик хасталиклардан кейин учинчи ўринни эгаллади. Барча ёшдаги шахслар ушбу инфекцияни юқтириш эҳтимоллигига эга. Шу билан бирга, 60 ёшдан ошган беморлар ва коморбид патологияларга эга бўлган (семириш, юрак-қон томир касалликлари, сурункали буйрак касаллиги, диабет, ўпканинг сурункали касалликлари, чекиш, саратон) беморларда оғир COVID-19 касаллигига чалиниш хавфи ортди [4].

АҚШ касалликлар назорати маркази маълумотларига кўра, беморларнинг ёши COVID-19 билан оғриган беморларда салбий оқибатлар ва касалликларнинг оғир асоратлари ривожланишида, муҳим прогнозловчи омил бўлиб қолмоқда. Касалликлар назорати марказидаги Миллий ҳаётий статистика тизими маълумотларига кўра, 50 ёшдан 64 ёшгача бўлган COVID-19 билан оғриган беморларда ушбу касаллик билан касалланган ва 30 ёшдан кичик бўлган беморларга нисбатан ўлим хавфи 30 баравар юқори нисбатда ҳисобланса, 65 ёшдан 74 ёшгача бўлган беморларда бу хавф 60 бараваргача ошади. 85 ёшдан катта беморларда ўлим хавфи 340 мартагача ошиши статистик маълумотлар бўйича тасдиқланган. Касалликлар назорати маркази баёнотига кўра, бу маълумотларга Қўшма Штатлардаги пандемия давомида, 2020 йил 1 февралдан 2022 июлгача бўлган барча ўлимлар, шу жумладан эмланмаган шахслар орасида ўлим кўрсаткичлари киради [5].

COVID-19 касаллигига чалиниш эҳтимоллиги беморларнинг гендер хусусиятларига асосланган фарқлари ҳақидаги маълумотлар шуни кўрсатадики, эркак беморларда ўлим даражаси хавфи аёл беморларга нисбатан бир неча баробар юқорилиги аниқланди. Америка Қўшма Штатларида 2020 – йилнинг март ойидан ноябргача бўлган ретроспектив Когорт тадқиқотининг натижалари шифохоналарда ўлим даражасини баҳолаб, SARS-CoV-2 инфекцияси тасдиқланган 42604 нафар беморни ўз ичига олган бўлиб, бунга кўра эркак беморларда ўлим даражаси (12,5%) аёл беморларга (9,6%) нисбатан юқори улуши тасдиқланди [6].

Ирқий ва этник жиҳатдан олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, COVID-19 билан боғлиқ касалхонага ётқизилган беморлар орасида оқ танли беморларга қараганда, қора танли ва Осиёлик каби этник озчилик гуруҳларига мансуб беморлар юқори фоизига эга эканлиги далиллар асосида тасдиқланган. АҚШ ва Буюк Британия тадқиқотчиларининг 50 та тадқиқотининг мета-таҳлили шуни кўрсатдики, қора танли, Испан ва Осиёлик этник озчилик гуруҳларига мансуб беморлар орасида COVID-19 инфекциясининг юқиши ва касалликдан ўлим хавфи юқори даражаси далиллар асосида исботланди [8].

Патофизиологияси: Структуравий ва филогенетик жиҳатдан SARS-Cov-2 вируси SARS-Cov ва MERS-Cov га ўхшайди ва 4 та асосий таркибий оқсилдан иборат бўлиб, бошоқсимон қисм, ўрамли (E) гликопротеин, нуклеокапсид (H) ва мембрана (M) оқсилидан ташкил топган. Шунингдек, унинг таркибида 16 та структурасиз оқсил ва 5-8 та қўшимча оқсил мавжуд [9].

Тожга ўхшаш сирт бошоқсимон гликопротеинлари вирионнинг ташқи юзасида жойлашган. Бу вируснинг ҳужайра ичига киришини осонлаштирувчи amino (H)-terminal C1 суббирлигининг остидаги бўшлиқ қисмида жойлашган. Карбоксил (C)-terminal C2 суббирлигида термоядровий пептид, трансмембран домени ва virus-ҳужайра мембранаси синтези учун масъул бўлган ситоплазматик домен мавжуд [10, 11]. C1 бўлинмаси яна рецепторларни боғлайдиган доменга (RBD) ва n-terminal доменига (NTD) бўлинади, бу мавжуд ҳужайрага вирусни киришини осонлаштиради ва вакциналарга жавобан зарарсизлантириш учун потенциал мақсад бўлиб хизмат қилади [12].

RBD домени инфекциянинг патогенезида асосий пептид ҳисобланади, чунки у инсон организмида ангиотензинга айлантирувчи фермент 2 (ACE2) рецепторлари учун боғланиш жойини ифодалайди. Ренин-ангиотензин-алдостерон тизимини ингибирлаш орқали COVID-19 касаллигидан ўпка тўқимасининг зарарланиши ва бронхообструктив синдром хавфини оширади [13].

SARS-Cov-2 бошоқсимон С оқсилини (C1) нафас

олиш эпителийсидаги ААФ2 рецепторлари билан боғлаш орқали мавжуд ҳужайраларга кира олади. ААФ2 рецепторлари, шунингдек, юқори қизилўнгач, ёнбош ичакдаги энтероцитлар, миокард ҳужайралари, буйракнинг проксимал канал ҳужайралари ва сийдик пуфагининг уротелиал ҳужайралари каби бошқа органларда ҳам ўз ифодасини топади. Вируснинг бирикиш жараёни бошоқсимон С2 (ТМПРСС2) оқсилни синтезининг ортиши билан давом етади. Шундан сўнг трансмебран серин протеаза ферменти ёрдамида ҳужайра ичига кириб репликацияланади [14].

Инфекциянинг дастлабки босқичида вирус репликацияси вирус воситачилигидаги тўқималарнинг бевосита шикастланишига олиб келади. Кечки босқичида зарарланган аъзо ҳужайралари Т лимфоцитлар, моноцитлар ва нейтрофилларни жалб қилиш орқали иммунитетнинг жавоб реакциясини қўзғатади. Цитокинлар худди ўсма некроз омил сифатида α (TNF α), гранулоцит-макрофаг, колониал-стимулловчи омил (GM-CSF), интерлейкин-1 (ИЛ-1), интерлейкин-6 (ИЛ-6),), ИЛ-1β ва интерферон (интерлейкин-8, ИЛ-12 ва интерферонни (ИФН) реакцион муҳитга чиқарилади. COVID-19 касаллигининг оғир кечишида бу жараён “Цитокин бўрони” сифатида кўринади. Бу иммунитет тизимининг ҳаддан ташқари фаоллашиши ва қон айланишида цитокинларнинг юқори даражаси билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Бу маҳаллий ва тизимли яллиғланиш реакциясига олиб келади [15].

SARS-CoV-2 инфекциясининг нафас олиш тизимига таъсири. Оғир COVID-19 билан оғриган беморларда қон томир ўтказувчанлигининг ошиши ва ўпка шишининг кейинги ривожланиши бир нечта механизмлар билан изоҳланади. Бу механизмларга қуйидагилар киради: Тўғридан-тўғри вирусли шикастланиш ва микроваскуляр ва микротромбларнинг чўкишига олиб келадиган периваскуляр яллиғланиш натижасида эндотелиит ривожланади. Вируснинг ААФ2 рецепторлари билан боғланишининг ортиши туфайли РААС механизмининг дисрегуляцияси юзага келади [16].

Калликреин-брадикинин изчил механизмининг фаоллашиши қон томирларининг ўтказувчанлигини оширади. Кенгайган эпителиал ҳужайра қисқариши туфайли ҳужайраларо бирикиш бузилади. SARS-CoV-2 вирусининг юзаси кўприксимон рецепторларни қўзғатади ва натижада ўпка яллиғланишини фиброзланишигача олиб борадиган Про-ИЛ-1β медиаторини фаоллаштиради [17].

SARS- CoV-2 инфекциясининг респиратор тизимдан ташқари аъзоларга таъсири. Нафас олиш тизими аъзолари SARS-CoV-2 инфекцияси учун асосий нишон аъзолар бўлса-да, ошқозон-ичак тракти, гепатобилиар, юрак-қон томир, буйрак ва марказий асаб тизимлари каби бошқа йирик орган тизимларига ҳам таъсир ўтказади. SARS-CoV-2 инфекцияси инсон организмида бевосита вирусли интоксикацияга, қон-томир эндотелийси зарарланиши натижасида васкулит, тромбоз ва ишемик касалликлар, ренин-ангиотензин-алдостерон тизими дисрегуляцияси каби комбинацион механизмли оқибатларга сабаб бўлади [18].

COVID-19 касаллигида юрак қон-томир тизимининг иштироки кенг тарқалган ва мултифакториал омиллардан бири ҳисобланади. Миокард ҳужайраларида мавжуд бўлган ААФ2 рецепторлари миокардга тўғридан-тўғри цитотоксикликни келтириб чиқариши мумкин бўлган миокардитга олиб келадиган жараёнга сабаб бўлади. Яллиғланиш олди цитокинлар ҳам ИЛ-6 каби қон томирларининг яллиғланиши, миокардит ва юрак аритмияларига сабаб бўлади [19].

Ўткир коронар синдром (ЎКС) COVID-19 натижасида вужудга келиши мумкин бўлган энг кенг тарқалган асоратлардан биридир. Бу ҳолат кўплаб омилларга, жумладан яллиғланиш олди цитокинлари, илгари мавжуд бўлган юрак ишемик касаллигининг ривожланиши, коронар тизимнинг беқарорлашуви, микротромбогенез ва тож томир артерияларида қон оқимининг пасайиш даражаси билан боғлиқ [20].

SARS-CoV-2 гематологик ва гемостатик тизимларга ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. COVID-19 да учрайдиган яна бир энг кенг тарқалган лаборатор ўзгаришлардан бири бу механизми номаълум бўлган лейкопениядир. Бундай ҳолат ААФ 2 ферменти воситачилигидаги лимфоцитларни вируснинг бевосита таъсири натижасида зарарланиши, яллиғланиш олди цитокинлари туфайли лимфоцитлар апоптози ва вируснинг лимфатик органларига кириб бориши каби бир қанча жараён натижасида бўлиши мумкин дея тахмин қилинади [21].

Тромбоцитопения ва нейтрофилия касаллик оғир кечишини ўзига хос белгиси ҳисобланади. COVID-19 гиперкоагуляция ҳолати билан боғлиқлиги яхши маълум бўлса-да, коагуляция тизимининг фаоллашишига олиб келадиган аниқ механизмлар номаълум ва эҳтимол цитокин таъсири натижасида яллиғланиш реакцияси билан боғлиқ. Ушбу гиперкоагуляциянинг патогенези мультифакториал ҳисобланади. Гиперкоагуляция даражаси эҳтимол тромбоцитлар, моноцитлар ва макрофагларнинг фаоллашишига олиб келадиган қон томир эндотелиясининг тўғридан-тўғри вирус таъсиридаги шикастланиши ёки цитокинлар билан боғлиқ бўлиб, қон ивишининг Ван Виллебранд омили ва XIII қон ивиш омили экспрессиясининг кучайиши билан тромбин ҳосил бўлиши ва фибрин қатлами ҳосил бўлишига олиб келади [22].

Бундан ташқари COVID-19 касаллиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган асоратларга бошқа патогенетик механизмларни, жумладан: мононуклеар фагоцитлар таъсири натижасида вужудга келадиган протромботик асоратлар, ренин-ангиотензин тизимидаги (РАС) бузилишлар ва комплемент воситачилигидаги микроангиопатияни киритилади.

COVID-19 касаллигини даволаш тамойиллари ва кейин вужудга келган асоратларининг минтақавий таҳлили. АҚШ Миллий саломатлик институти маълумотларига кўра, COVID-19 патогенезида 2 та муҳим босқич мавжуд бўлиб касалликнинг дастлабки босқичида вируснинг кўпайиши ва SARS-CoV-2 инфекциясига қарши иммун-яллиғланиш реакцияси киради, бу касалликнинг кечки босқичида тўқималарнинг тизимли шикастланиши кечади. Шунга кўра АҚШ Миллий саломатлик институти кўрсатмасига кўра касалликнинг эрта босқичида вирус репликацияни тўхтатиш мақсадида вирусга қарши даво препаратлари берилса ва кечки босқичда иммуномодуляторларни қўллаш маслаҳат берилади. Ремдесивир АҚШ озиқ-овқат ва фармацевтика идораси томонидан COVID-19 ни даволаш учун тасдиқланган ягона вирусга қарши препаратдир. Ритонавир билан кучайтирилган Нирматрелвир, молнупиравир ва юқори титрли COVID-19 реконвалецент плазмаси - COVID-19 ни даволаш учун фавқулодда фойдаланиш рухсатномаларига эга. Тиксагевимаб 300 мг билан силгавимаб 300 мг моноклонал антитаналар уларни маълум беморлар гуруҳида фавқулодда фойдаланиш рухсатномаларига эга бўлиб, SARS-CoV-2 инфекциясини қайта юқтириб олиш

профилактикаси мақсадида қўлланилади. Ўз ўрнида айтиб ўтиш керакки бошқа кўплаб дори препаратлари ва моноклонал антитаналарни қўллаш бўйича кўрсатмалар мавжуд эди аммо, Omicron штаммининг пайдо бўлгандан сўнг, бу кўрсатмаларнинг самараси пастлиги туфайли улардан воз кечилди [23].

COVID-19 касаллигини даволаш бўйича энг сўнгги Миллий саломатлик институтининг даволаш кўрсатмалари (2023 йил 3-январ) қуйида келтирилган. АҚШ Миллий саломатлик институти томонидан берилган тавсияга кўра гипоксия даражаси юқори бўлмаган беморларда дексаметазон ёки бошқа тизимли кортикостероидларни қўллаш доим ҳам тўғри эмас.[24] Оғир касалликка ўтиш хавфи юқори бўлган беморларда улар қуйидаги даволаш усулларини тавсия қиладилар:

Ритонавир - кучайтирилган нирматрелвир. Ритонавир томонидан кучайтирилган нирматрелвир орал протеаза ингибиторларининг бирикмасидир. Юқори хавфли, эмланмаган, касалхонага ётқизилмаган беморларга берилганда касалхонага ётқизиш ва ўлим хавфини камайтириши исботланди. Препарат касаллик симптомлар бошланганидан кейин 5 кун ичида берилиши керак. Бу кучли цитохром П 450 ингибитори бўлиб, кўплаб дори-дармонларнинг ўзаро таъсирини диққат билан баҳолаш керак. Ритонавир-кучайтирилган нирматрелвир тахминий гломеруляр филтрация тезлиги 30 мл/мин дан кам бўлган беморларга тавсия этилмайди. Тавсия этилган доза нирматрелвир 300 мг ритонавир 100 мг билан кунига икки марта 5 кун давомида оғиз орқали қабул қилинади. [25]

Ремдесивир. Бу SARS-CoV-2 RNK полимеразасини ингибирловчи нуклеотид аналогидир. Ушбу даво препарати терапиясининг тавсия этилган давомийлиги 3 кун. Тавсия этилган доза 200 мг кун давомида 1 марта, ёки 100мг кун давомида 2 марта қўлланилади [26].

Молнупиравир. Бу мутаген рибонуклеозид кўринишидаги вирусга қарши восита. Ушбу дори воситасининг гентоксик хавфи туфайли ҳомиладор беморларга тавсия этилмайди. Ушбу дори воситаси фақат юқорида қайд этилган иккала терапия мавжуд бўлмаганда ишлатилиниши тавсия қилинади [27].

АҚШ Миллий саломатлик институти кўрсатмалари ушбу изчилликда COVID-19ни даволаш учун SARS-CoV-2га қарши моноклонал антитаналардан фойдаланишни тавсия қилмайди, чунки янги пайдо бўлган “Omicron” штаммларига нисбатан бу антитаналар сезгир эмас [28]. Етарли миқдордаги ва ўзаро яқин тиббий кузатувлар тавсия этилиши кузатувнинг частотаси ва давомийлиги индивидуал хавф омилларига ва уларнинг аломатларини оғирлик даражасига боғлиқ. Оғир касаллик ривожланиши учун асосий хавф омиллари сифатида кекса ёш ва асосий коморбид патологияларни санаб ўтиш мумкин. Ўрганилган маълумотларга кўра, юқори хавфни кўрсатадиган аниқ далилларга эга шартларга қуйидагилар киради: астма, онкологик хасталиклар, цереброваскуляр касаллик, сурункали буйрак касаллиги, бронхоэктазия, ЎСОК (Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги), интерстициал ўпка касаллиги ўпка эмболияси, ўпка гипертензияси, жигар циррози, алкоголсиз ёғли жигар касаллиги, алкоголли жигар касаллиги, аутоиммун гепатит, қандли диабет 1- ва 2-тип, юрак касалликлари (сурункали юрак етишмовчилиги, коронар артерия касалликлари ёки кардиомиопатиялар) ОИВ (одам иммунитет танқислиги вируси) руҳий саломатлик ҳолатлари, масалан, кайфият бузилиши ва шизофренияда руҳият бузилиши, семизлик (тана массаси индекси 30 дан юқори бўлганларда) ҳомиладорлик ҳолатлари, чекиш, сил касаллиги, кортикостероидлар ёки бошқа иммуносупрессив дориларни қўллаш ҳолатлари, асосий тиббий хавф омиллари сифатида саналади [28].

Ўз навбатида айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда АҚШда COVID-19 касаллиги билан даволаниб чиққан беморларда бир неча йил ўтган бўлишига қарамай юқорида айтиб ўтилган аъзо тизимларига оид бўлган узоқ муддатли асоратлар кузатимоқда. SARS-CoV-2 бутун танага кенг таъсир кўрсатиши мумкин бўлсада, COVID-19 касаллиги асосан нафас олиш тизими касаллиги бўлиб қолмоқда. COVID-19 инфекциясидан кейин келиб чиқадиган кўплаб узоқ муддатли нафас тизими асоратлари мавжуд. Буларга тез-тез нафас қисилиши, кислородга бўлган боғлиқлик, ўпка функционал тестларида анормал ўзгаришлар ва ўпкадаги фиброз ўзгаришлар киради.

SARS-CoV-2 ўпка шикастланишига олиб келадиган турли хил механизмлар мавжуд. Ўткир инфекция натижасида юзага келадиган кўплаб ўзгаришлар фиброзни кучайтириши ва узоқ муддатли асоратларни келтириб чиқаради. Ҳужайраларга тўғридан-тўғри вируснинг кириши, хусусан II турдаги алвеоляр эпителий ҳужайралари эпителий тўсиғини стабиллайдиган ҳужайралар ўлимига олиб келади, бу эса ўз навбатида яллиғланиш олди цитокинларининг кўпайишига олиб келади. Натижада диффуз алвеоляр зарарланиш фиброзланишга олиб келади. Ўпка паренхимасининг бевосита шикастланишидан ташқари, ўпка томирларининг шикастланиши ҳам кузатилади. Эрта аутопсия натижалари эса ўпка қон-томир тизимининг кичик томирларида микротромблар мавжудлигини кўрсатди.

Юрак қон-томир тизимида кузатиладиган асоратлар COVID-19 касаллиги билан касалхонадан даволаниб чиққандан кейин кенг учрайдиган ҳолатдир. Касалхонадан чиқарилгандан кейин бир неча ойлар ўтгач, беморларнинг 60 фоизида тўш ортида оғриқлар кузатилди. Ангиноз оғриқлар, тахикардия беморларнинг 60 фоизида узоқ муддатли аломат сифатида учради. SARS-CoV-2 инфекциясининг узоқ муддатли оқибатларининг бир қисми сифатида тавсифланган субъектив юрак белгиларидан ташқари, бир нечта обьектив ва инструментал натижалар ҳам мавжуд. SARS-CoV-2 инфекциясидан сўнг постурал тахикардия синдроми (ПТС) нинг кўпайиши аниқланган ва тарқалиши кўрсаткичлари ўрганилди. COVID-19 касаллигининг узоқ муддатли юрак-қон томир тизимига таъсири баъзан ўткир инфекция натижасида ҳам кузатилади. Бу ҳолат 2-3 % беморларда миокардит ривожланиши билан ҳам аниқланади. SARS -CoV-2 инфекциясидан юрак зарарланишининг патогенезида бир неча хил механизмлар мавжуд. Дастлабки аутопсия тадқиқотларининг маълумотларига кўра юракнинг гистологик таҳлилида интерстициал яллиғланиш инфилтрацияси, миокард гипертрофияси, некрози ва SARS-CoV-2 учун РТ-ПЦР таҳлили позитивлиги бўйича турли хил топилмалар мавжуд. Юқорида таърифланганидек, SARS-CoV-2 сирт ҳужайраларида жойлашган ААФ2 рецепторлари учун сезгирликга эга, бу тўғридан-тўғри вируснинг кириш механизмини тушунишга имкон беради. РНК сақловчи вируснинг изчиллиги ўрганишда ААФ2 экспрессияси кардиомицитларнинг 7,5 фоизида мавжуд бўлиб, уни тўғридан-тўғри вирусдан шикастланиш хавфи юқори бўлган органга айлантирди ва бу узоқ муддатли жараёнларда ўз таъсирини кўрсатди. Бу эса узоқ муддатли жараёнларда беморларда юрак аритмиялари, эндотелиал дисфункция ва сурункали юрак етишмовчилиги

кўринишида намоён бўлди.

Қон тизимида ҳам COVID-19 нинг таъсири тромбогенез хавфининг ошиши билан боғлиқ бўлади. Ушбу коагулопатиянинг этиологияси мултифакториал бўлиб микроваскуляр дисфункция ва яллиғланиш цитокинларига жавобан тўқима омилларининг экспрессиясининг ошиши, ва гипоксия натижасида келиб чиқадиган омиллар билан боғлиқ бўлади.

Илгари мавжуд бўлган қандли диабет касаллиги ҳам COVID-19 касаллигининг кечув хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Шу билан бир вақтда COVID-19 касаллиги янги бошланган гипергликемия ва диабетнинг декомпенсация босқичи, шу жумладан қандли диабетнинг 1- ва 2 типи билан оғриган беморларда диабетик кетоацидоз учраши билан намоён бўлади. Гипергликемиянинг пайдо бўлиши фақатгина стероидларни нотўғри қўллаш натижасида келиб чиқадиган ятрогеник гипергликемия билан боғлиқ бўлмай, балки яллиғланиш натижасида инсулин резистентлигининг ўзгариши ва вируснинг инсулин секрецияловчи β ҳужайраларга тўғридан-тўғри ёки билвосита зарар етказиши оқибатида танқислик вужудга келиши билан ўзаро боғлиқ бўлади. COVID-19 дан кейин 1- марта ташхис қўйилган қандли диабет касаллигида қанча беморларда илгари аниқланмаган диабет бўлганлигини аниқлаш имконсиз. Шу сабабли ҳам COVID-19 ва қандли диабет ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш мақсадида бугунги кунгача тадқиқот ишлари давом этиб келмоқда [29].

Ўткир буйрак зарарланиши (ЎБЗ) COVID-19 касаллигида кенг тарқалган асорат бўлиб касалхонага ётқизилган 5% беморлар стационар шароитда буйрак ўрнинини босувчи терапияга муҳтож бўлган. ЎБЗ этиологияси мултифакториал бўлиб, бевосита вируснинг зарари, тизимли гипоксия, яллиғланиш цитокинларининг таъсири ва анормал коагуляция каби омиллар билан боғлиқ бўлади. Ўткир тубуляр некроз энг кенг тарқалган гистологик патология ҳисобланади, аммо гломерулопатия ва микроваскуляр тромблар ҳам кузатилади. ЎБЗ касалхонада ўлим кўрсаткичларининг кўпайишига бевосита таъсир кўрсатади ва касалхонадан чиққан беморларнинг кўпчилигида буйрак дисфункцияси сақланиб қолади [30].

Гастроинтестинал асоратлар COVID-19 касаллигидан кейин кенг тарқалган патологик ҳолатлар бўлиб, ҳаттоки кейинги реабилитацион жараёнда ҳам кузатилади. Бу ҳолатда диарея энг кенг тарқалган шикоятлардан бири бўлиб, унинг тарқалиши ҳудудлар миқёсида юқори нисбатга эга. Бошқа узоқ муддат давомида кузатидадиган аломатларга кўнгил айниши, қусиш, қорин оғриғи ва иштаҳа йўқолиши нисбатан юқори улушни ташкил қилади. Бу доимий аломатлар ошқозон-ичак трактида давом этаётган вирусли интоксикация жараёнининг ортиб бориши билан боғлиқ бўлиб, ҳатто нафас олиш тизимидан олинган таҳлил намуналари салбий бўлиб турган вақтда ҳам бемор ахлатининг текширув натижаларида ижобий ҳолатда сақланиб қолади [31].

Таққослаш мақсадида Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлигининг COVID-19 касаллигини даволаш баённомаларига асосан, COVID-19 касаллигини турли хил клиник шаклларини даволаш учун умумий қабул қилинган ягона протоколнинг йўқлиги билан сезиларли даражада мураккаблашади. Турли даражадаги ваколатларга эга тиббий нашрларнинг катта оқими ва таъсир доираси тўлиқ исботланмаган дорилардан нотўғри фойдаланиш, тиббиёт жамоатчилигида ташвиш уйғотади.

Илгари малярияга қарши дори сифатида танилган ва яллиғланишга қарши ва иммуносупрессив фаолликка эга бўлган Хлорохин ва Гидроксихлорохин пандемия даврида Россияда COVID-19 ни даволаш учун энг самарали дорилардан бири сифатида ишлатилди. Хлорохин қуйидаги коронавируслар репродукциясини ингибирлаш хусусиятига эга: SARS-CoV, MERS-CoV, HcoV-229E, HCoV-OC43, FIPV (AlphaCoV1). Пандемия даврида бу дори воситаси 500 мг дозада кун давомида 2 маҳалдан ичишга тавсия қилинган.

Гидроксохлорохин COVID-19 ни даволашда хлорохин сингари юқори активликка эга препарат бўлиб, 200 мг дозада ҳар 8 соатда ичиш учун тавсия қилинган. Олиб борилган тадқиқотларда Гидроксихлорин ва Азитромицин биргаликда комбинацияда қўллаш вирусга қарши курашда юқори самарага эга эканлиги исботланган.

Лопинавир 4 мг/мл доза ва Рибоверин билан 50 мг/мл дозада SARS-CoV-2 қарши самарали таъсирга эга ва SARS-CoV-2дан ўлим даражасининг сезиларли камайишига олиб келди ва MERS-CoV инфекциясига қарши даволашда ҳам Лопинавирнинг COVID-19 ни даволаш бўйича миллий клиник кўрсатмаларига киритилди.

Ремдесивир вирусга қарши юқори селективликка эга ва инсон организми учун паст токсик препарат ҳисобланади. “In vitro” тажрибалар шуни кўрсатдики Ремдесивир SARS-CoV, MERS-CoV кўпайишини ингибирлаш хусусиятини намойиш этади.

Интерферон α. ва β. SARS-CoVга қарши давонинг эрта босқичида даволаш самарасини кучайтирувчи препарат бўлиб, IFNα2b ва IFNβ1b кўринишида қўллаш зарурияти, Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг услубий тавсияномаларида келтириб ўтилган. Фақатгина юқори гепатотоксик ва нейротоксик хусусияти мавжудлиги сабабли комбинацион кўринишдаги ёрдамчи гуруҳ дори воситаси сифатида қўллаш тавсия этилади.

Қон плазмаси реконвелесцентларини пассив иммунотерапия кўринишида қўллаш ҳам ўткир респиратор вирусли инфекцияларни, шу жумладан SARS ни даволашда кен қўлланилади. Бу турдаги терапияни фақатгина бемор ёки унинг яқинларини розилиги билан касалликнинг оғир босқичларидагина қўллашга рухсат берилади [32].

Нафас тизимига оид аломатлар орасида энг кенг тарқалган узоқ муддатли асоратлардан бири бу ўпка фибрози бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари ўпка қон-томирлари тромбози ва алвеолаларнинг диффуз зарарланиши кенг тарқалган узоқ муддатли асоратлардан бири ҳисобланади. Юрак қон-томир тизимига доир асоратлар орасида аста-секинлик билан аритмияларинг ривожланиши, сурункали юрак етишмовчилиги ва юрак ишемик касаллигининг авж олишига олиб келади. Қон тизимига оид асоратлар орасида тромбогенез хавфини ортиши ва лейкопения, торомбоцитопенияларининг ривожланиш эҳтимолини санаб ўтиш мумкин. Бундан ташқари буйракларнинг ўткир зарарланиши, қандли диабет ривожланиши, гастроэнтерологик белгилпрнинг ривожланиши COVID-19 касаллиги билан даволаниб чиққан беморларда кенг учрайдиган узоқ муддатли асоратлар сифатида юқори частотада кузатилди.[34]

Хулоса. COVID-19 касаллиги билан боғлиқ бўлган пандемия бугунги кунга келиб ўз ниҳоясига етган бўлсада, касалликнинг узоқ муддатли асоратлари сони аҳолининг айрим касалликга нисбатан мойиллиги бўлган қатламлари орасида ортиб бормоқда, шунинг

учун глобал даражада тиббий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамият касб этади. SARS-CoV-2 инфекциясининг нишон аъзоларга таъсири ва унинг оқибатларини ўрганиш ечимини кечиктириб бўлмайдиган масалалардан бўлиб, бу йўналишдаги мутахассислар олдида асосий вазифалардан бўлиб қолмоқда. Давом этиб келаётган турли хил асоратлар фақатгина COVID-19 касаллиги билан боғлиқ эканлиги тажрибаларда тўлиқ ўрганиш имкони мавжуд эмас. Аммо, шуни таъкидлаш лозимки, мавжуд аъзо-тизимларида сурункали ва коморбид патологиялари бўлган беморларда касалликнинг кечиши анча оғир бўлиб, ўлим кўрсаткичлари анча юқорилиги билан ажралиб туради. Касаллик асоратларининг учраш частотасининг юқорилиги ҳам айни ушбу тоифадаги беморларда касалликни клиник кечишига, вирус вирулентлиги ва даво усулининг вақти ва тўғри танланиши каби қатор омилларга боғлиқ бўлади. Таъкидлаб ўтиш жоизки аҳоли ўртасида кенг тарқалган асоратлар ҳам тиббий хавф омиллари сифатида эътироф этилади. Шу сабабли ҳам касалликка қарши превентив чора тадбирларни кўриш биринчи навбатда тиббий хавф омилларини ўрганиш ва уларга қарши курашиш устувор вазифа бўлиб мутахассислар олдида ўз ечимини кутмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Sharma A, Ahmad Farouk I, Lal SK. COVID-19: A Review on the Novel Coronavirus Disease Evolution, Transmission, Detection, Control and Prevention. Viruses. 2021 Jan 29;13(2) [PMC free article] [PubMed].

2. Raman R, Patel KJ, Ranjan K. COVID-19: Unmasking Emerging SARS-CoV-2 Variants, Vaccines and Therapeutic Strategies. Biomolecules. 2021 Jul 06;11(7) [PMC free article] [PubMed]

3. Andersen KG, Rambaut A, Lipkin WI, Holmes EC, Garry RF. The proximal origin of SARS-CoV-2. Nat Med. 2020 Apr;26(4):450-452. [PMC free article] [PubMed]

4. Chan JF, To KK, Tse H, Jin DY, Yuen KY. Interspecies transmission and emergence of novel viruses: lessons from bats and birds. Trends Microbiol. 2013 Oct;21(10):544-55. [PMC free article] [PubMed]

5. Davies NG, Jarvis CI, CMMID COVID-19 Working Group. Edmunds WJ, Jewell NP, Diaz-Ordaz K, Keogh RH. Increased mortality in community-tested cases of SARS-CoV-2 lineage B.1.1.7. Nature. 2021 May;593(7858):270-274. [PMC free article] [PubMed]

6. Grint DJ, Wing K, Williamson E, McDonald HI, Bhaskaran K, Evans D, Evans SJ, Walker AJ, Hickman G, Nightingale E, Schultze A, Rentsch CT, Bates C, Cockburn J, Curtis HJ, Morton CE, Bacon S, Davy S, Wong AY, Mehrkar A, Tomlinson L, Douglas IJ, Mathur R, Blomquist P, MacKenna B, Ingelsby P, Croker R, Parry J, Hester F, Harper S, DeVito NJ, Hulme W, Tazare J, Goldacre B, Smeeth L, Eggo RM. Case fatality risk of the SARS-CoV-2 variant of concern B.1.1.7 in England, 16 November to 5 February. Euro Surveill. 2021 Mar;26(11) [PMC free article] [PubMed]

7. Sze S, Pan D, Nevill CR, Gray LJ, Martin CA, Nazareth J, Minhas JS, Divall P, Khunti K, Abrams KR, Nellums LB, Pareek M. Ethnicity and clinical outcomes in COVID-19: A systematic review and meta-analysis. EClinicalMedicine. 2020 Dec;29:100630. [PMC free article] [PubMed]

8. Heslin KC, Hall JE. Sexual Orientation Disparities in Risk Factors for Adverse COVID-19-Related Outcomes, by Race/Ethnicity - Behavioral Risk Factor Surveillance System, United States, 2017-2019. MMWR Morb Mortal Wkly Rep. 2021 Feb 05;70(5):149-154. [PMC free article] [PubMed]

9. Jiang S, Hillyer C, Du L. Neutralizing Antibodies against SARS-CoV-2 and Other Human Coronaviruses: (Trends in Immunology 41, 355-359; 2020). Trends Immunol. 2020 Jun;41(6):545. [PMC free article] [PubMed]

10. Du L, He Y, Zhou Y, Liu S, Zheng BJ, Jiang S. The spike protein of SARS-CoV--a target for vaccine and therapeutic development. Nat Rev Microbiol. 2009 Mar;7(3):226-36. [PMC free article] [PubMed]

11. Song W, Gui M, Wang X, Xiang Y. Cryo-EM structure of the SARS coronavirus spike glycoprotein in complex with its host cell receptor ACE2. PLoS Pathog. 2018 Aug;14(8):e1007236. [PMC free article] [PubMed]

12. de Abajo FJ, Rodríguez-Martín S, Lerma V, Mejía-Abril G, Aguilar M, García-Luque A, Laredo L, Laosa O, Centeno-Soto GA, Ángeles Gálvez M, Puerro M, González-Rojano E, Pedraza L, de Pablo I, Abad-Santos F, Rodríguez-Mañas L, Gil M, Tobías A, Rodríguez-Miguel A, Rodríguez-Puyol D., MED-ACE2-COVID19 study group. Use of renin-angiotensin-aldosterone system inhibitors and risk of COVID-19 requiring admission to hospital: a case-population study. Lancet. 2020 May 30;395(10238):1705-1714. [PMC free article] [PubMed]

13. Xu H, Zhong L, Deng J, Peng J, Dan H, Zeng X, Li T, Chen Q. High expression of ACE2 receptor of 2019-nCoV on the epithelial cells of oral mucosa. Int J Oral Sci. 2020 Feb 24;12(1):8. [PMC free article] [PubMed]

14. Hoffmann M, Kleine-Weber H, Schroeder S, Krüger N, Herrler T, Erichsen S, Schiergens TS, Herrler G, Wu NH, Nitsche A, Müller MA, Drosten C, Pöhlmann S. SARS-CoV-2 Cell Entry Depends on ACE2 and TMPRSS2 and Is Blocked by a Clinically Proven Protease Inhibitor. Cell. 2020 Apr 16;181(2):271-280.e8. [PMC free article] [PubMed]

15. Azkur AK, Akdis M, Azkur D, Sokolowska M, van de Veen W, Brüggen MC, O'Mahony L, Gao Y, Nadeau K, Akdis CA. Immune response to SARS-CoV-2 and mechanisms of immunopathological changes in COVID-19. Allergy. 2020 Jul;75(7):1564-1581. [PMC free article] [PubMed]

16. Ackermann M, Verleden SE, Kuehnel M, Haverich A, Welte T, Laenger F, Vanstapel A, Werlein C, Stark H, Tzankov A, Li WW, Li VW, Mentzer SJ, Jonigk D. Pulmonary Vascular Endothelialitis, Thrombosis, and Angiogenesis in Covid-19. N Engl J Med. 2020 Jul 09;383(2):120-128. [PMC free article] [PubMed]

17. Conti P, Ronconi G, Caraffa A, Gallenga CE, Ross R, Frydas I, Kritas SK. Induction of pro-inflammatory cytokines (IL-1 and IL-6) and lung inflammation by Coronavirus-19 (COVI-19 or SARS-CoV-2): anti-inflammatory strategies. 2020 March-April,J Biol Regul Homeost Agents. 34(2):327-331. [PubMed]

18. Coopersmith CM, Antonelli M, Bauer SR, Deutschman CS, Evans LE, Ferrer R, Hellman J, Jog S, Kesecioglu J, Kissoon N, Martin-Loeches I, Nunnally ME, Prescott HC, Rhodes A, Talmor D, Tissieres P, De Backer D. The Surviving Sepsis Campaign: Research Priorities for Coronavirus Disease 2019 in Critical Illness. Crit Care Med. 2021 Apr 01;49(4):598-622. [PubMed]

19. Huang C, Wang Y, Li X, Ren L, Zhao J, Hu Y, Zhang L, Fan G, Xu J, Gu X, Cheng Z, Yu T, Xia J, Wei Y, Wu W, Xie X, Yin W, Li H, Liu M, Xiao Y, Gao H, Guo L, Xie J, Wang G, Jiang R, Gao Z, Jin Q, Wang J, Cao B. Clinical features of patients infected with 2019 novel coronavirus in Wuhan, China. Lancet. 2020 Feb 15;395(10223):497-506. [PMC free article] [PubMed]

20. Guo T, Fan Y, Chen M, Wu X, Zhang L, He T, Wang H, Wan J, Wang X, Lu Z. Cardiovascular Implications of Fatal Outcomes of Patients With Coronavirus Disease 2019 (COVID-19). JAMA Cardiol. 2020 Jul 01;5(7):811-818.

[PMC free article] [PubMed]

21. Tan L, Wang Q, Zhang D, Ding J, Huang Q, Tang YQ, Wang Q, Miao H. Lymphopenia predicts disease severity of COVID-19: a descriptive and predictive study. Signal Transduct Target Ther. 2020 Mar 27;5(1):33. [PMC free article] [PubMed]

22. Amgalan A, Othman M. Exploring possible mechanisms for COVID-19 induced thrombocytopenia: Unanswered questions. J Thromb Haemost. 2020 Jun;18(6):1514-1516. [PMC free article] [PubMed]

23. Wiersinga WJ, Rhodes A, Cheng AC, Peacock SJ, Prescott HC. Pathophysiology, Transmission, Diagnosis, and Treatment of Coronavirus Disease 2019 (COVID-19): A Review. JAMA. 2020 Aug 25;324(8):782-793. [PubMed]

24. RECOVERY Collaborative Group. Horby P, Lim WS, Emberson JR, Mafham M, Bell JL, Linsell L, Staplin N, Brightling C, Ustianowski A, Elmahi E, Prudon B, Green C, Felton T, Chadwick D, Rege K, Fegan C, Chappell LC, Faust SN, Jaki T, Jeffery K, Montgomery A, Rowan K, Juszczak E, Baillie JK, Haynes R, Landray MJ. Dexamethasone in Hospitalized Patients with Covid-19. N Engl J Med. 2021 Feb 25;384(8):693-704. [PMC free article] [PubMed]

25. Hammond J, Leister-Tebbe H, Gardner A, Abreu P, Bao W, Wisemandle W, Baniecki M, Hendrick VM, Damle B, Simón-Campos A, Pypstra R, Rusnak JM., EPIC-HR Investigators. Oral Nirmatrelvir for High-Risk, Nonhospitalized Adults with Covid-19. N Engl J Med. 2022 Apr 14;386(15):1397-1408. [PMC free article] [PubMed]

26. WHO Solidarity Trial Consortium. Remdesivir and three other drugs for hospitalised patients with COVID-19: final results of the WHO Solidarity randomised trial and updated meta-analyses. Lancet. 2022 May 21;399(10339):1941-1953. [PMC free article] [PubMed]

27. Levin MJ, Ustianowski A, De Wit S, Launay O, Avila M, Templeton A, Yuan Y, Seegobin S, Ellery A, Levinson DJ, Ambery P, Arends RH, Beavon R, Dey K, Garbes P, Kelly EJ, Koh GCKW, Near KA, Padilla KW, Psachoulia K, Sharbaugh A, Streicher K, Pangalos MN, Esser MT., PROVENT Study Group. Intramuscular AZD7442 (Tixagevimab-Cilgavimab) for Prevention of Covid-19. N Engl J Med. 2022 Jun 09;386(23):2188-2200. [PMC free article] [PubMed]

28. COVID-ICU Group on behalf of the REVA Network and the COVID-ICU Investigators. Clinical characteristics and day-90 outcomes of 4244 critically ill adults with COVID-19: a prospective cohort study. Intensive Care Med. 2021 Jan;47(1):60-73. [PMC free article] [PubMed]

29. Zhou X, Cheng Z, Luo L, Zhu Y, Lin W, Ming Z, Chen W, Hu Y. Incidence and impact of disseminated intravascular coagulation in COVID-19 a systematic review and meta-analysis. Thromb Res. 2021 May;201:23-29. [PMC free article] [PubMed]

30. Huang C, Huang L, Wang Y, Li X, Ren L, Gu X, Kang L, Guo L, Liu M, Zhou X, Luo J, Huang Z, Tu S, Zhao Y, Chen L, Xu D, Li Y, Li C, Peng L, Li Y, Xie W, Cui D, Shang L, Fan G, Xu J, Wang G, Wang Y, Zhong J, Wang C, Wang J, Zhang D, Cao B. 6-month consequences of COVID-19 in patients discharged from hospital: a cohort study. Lancet. 2021 Jan 16;397(10270):220-232. [PMC free article] [PubMed]

31. Kaafarani HMA, El Moheb M, Hwabejire JO, Naar L, Christensen MA, Breen K, Gaitanidis A, Alser O, Mashbari H, Bankhead-Kendall B, Mokhtari A, Maurer L, Kapoen C, Langeveld K, El Hechi MW, Lee J, Mendoza AE, Saillant NN, Parks J, Fawley J, King DR, Fagenholz PJ, Velmahos GC. Gastrointestinal Complications in Critically Ill Patients With COVID-19. Ann Surg. 2020 Aug;272(2):e61-e62. [PMC free article] [PubMed]

32. Министерство здравоохранения Российской Федерации. Профилактика, диагностика и лечение новой коронавирусной инфекции (COVID-19). Временные методические рекомендации (версия от 08.04.2020). М.: МЗ РФ, 2020. 122 с. [Ministry of Public Health of Russian Federation. Prevention, diagnosis and treatment of new coronavirus infection (COVID-19). Temporary guidelines (version from 08.04.2020). Moscow: Ministry of Health of the Russian Federation, 2020. 122 p.

33. М.Ю. Щелканов1,2,3, Л.В. Колобухина4 , О.А. Бургасова5 , И.С. Кружкова4 , В.В. Малеев COVID-19: ЭТИОЛОГИЯ, КЛИНИКА, ЛЕЧЕНИЕ Russian Journal of Infection and Immunity = Infektsiya i immunitet 2020, vol. 10, no. 3, pp. 421–44

34. Farmon Nurbayev. Clinical changes in the gastrointestinal system as a result of the influence of Covid-19. BIO Web of Conferences 121, 04005 (2024).

УДК: 616.233-007-053.31

COVID-19 ДАВРИДА ИММУНИТЕТНИ ЗАИФЛАШИШИ НАТИЖАСИДА ТУБЕРКУЛЁЗ СПОНДИЛИТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Мамажонов И. М., Ширанова Ш. А.
Андижон давлат тиббиёт институти. Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон.

РАЗВИТИЕ ТУБЕРКУЛЕЗНОГО СПОНДИЛИТА В РЕЗУЛЬТАТЕ ОСЛАБЛЕНИЯ ИММУНИТЕТА ВО ВРЕМЯ COVID-19

Мамажонов И. М., Ширанова Ш. А.
Андижанский государственный медицинский институт.
Ташкентская медицинская академия, Узбекистан.

DEVELOPMENT OF TUBERCULOSIS SPONDILITIS AS A RESULT OF IMMUNITY WEAKENING DURING COVID-19

Mamajonov I. M., Shiranova Sh. A.
Andijan State Medical Institute. Tashkent Medical Academy, Uzbekistan.

Резюме: *COVID-19 пандемияси одамлар саломатлигига турли таъсирлар кўрсатган бўлиб, бу таъсирлар фақат ўзига хос касалликлар билан чекланмай, иммун тизимига ҳам катта таъсир кўрсатган. COVID -19 инфекциясининг асосий хусусиятларидан бири — иммун тизимининг заифлашиши, бу эса организмнинг турли инфекциялар, жумладан туберкулёзга нисбатан заифлашишига олиб келади. Туберкулёз спондилити — умуртқа поғонасини зарарлаган инфекцион касаллик бўлиб, кўпинча иммун тизими заифлашган беморларда ривожланади. COVID -19 инфекциясининг кескин таъсири билан бирга, организмнинг иммунитети ўта заифлашиб, туберкулёз спондилитининг ортишига сабаб бўлади.*

Калит сўзлар: *COVID -19 (COVID-19),Иммун тизими (Immune system),Заиф иммунитет (Weakened immune system),Туберкулёз (Tuberculosis),Туберкулёз спондилити (Tuberculous spondylitis),Пандемия (Pandemic),Инфекциялар (Infections)*

Resume: *The COVID-19 pandemic has had a profound impact on human health, not only by causing direct illness but also by weakening the immune system. One of the significant characteristics of COVID-19 is its ability to compromise the immune response, making individuals more vulnerable to other infections, including tuberculosis. Tuberculous spondylitis, an infection that affects the spine, often manifests in individuals with a weakened immune system. The immune suppression caused by COVID-19 increases the risk of developing tuberculosis spondylitis.*

Keywords: *COVID-19, Immune system, Weakened immune, system, Tuberculosis, Tuberculous spondylitis,Pandemic, Infections*

Резюме: *Пандемия COVID-19 оказала существенное влияние на здоровье людей, не только вызывая непосредственные заболевания, но и ослабляя иммунную систему. Одной из особенностей COVID-19 является ослабление иммунного ответа, что делает людей более восприимчивыми к другим инфекциям, включая туберкулез. Туберкулезный спондилит — это инфекционное заболевание, поражающее позвоночник, которое часто развивается у людей с ослабленной иммунной системой. Иммунодефицит, вызванный COVID-19, увеличивает риск развития туберкулезного спондилита.*

Ключевые слова: *COVID-19, Иммунная система, Ослабленный иммунитет, Туберкулез, Туберкулезный спондилит, Пандемия, Инфекции.*

Муаммонинг долзарблиги. COVID-19 пандемиясининг бутун дунёга таъсир қилгани, фақат соғлиқни сақлаш тизимини эмас, балки ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни ҳам жиддий ўзгартишларга учратганлиги сабабли, унга қарши курашиш глобал аҳамиятга эга бўлди. COVID-19 инфекциясининг иммун тизимини заифлаштириши, инсон организмининг турли инфекцияларга қарши ҳимоясини камайтириши ва бу билан илгари мавжуд бўлган бошқа касалликлар, жумладан туберкулёзнинг ривожланиш хавфини ошириш мураккаб бир муаммо сифатида ёркин намоён бўлди.

Туберкулёз спондилити — бу умуртқа поғонасини зарарлаган инфекцион касаллик бўлиб, иммун тизими заифлашган одамларда ривожланиши мумкин. COVID -19 инфекциясининг организмдаги иммун тизимига таъсири ва унинг салбий жиҳатлари инфекцияларнинг тарқалиш хавфини янада кучайтирган. Шунга кўра, COVID -19 ва туберкулёз спондилитининг ўзаро алоқаси ва уларнинг клиник кўринишлари тиббий жамоатчилик учун долзарб муаммо бўлиб, бу масалага аниқ ва тизимли ёндашув талаб қилинади.

Тиббиёт соҳасида ушбу муаммони ўрганиш ва унинг профилактикасига йўналишлар олиб бориш, COVID -19 дан кейинги даврда туберкулёз ва бошқа инфекцион касалликлар билан курашишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу муаммонинг долзарблиги, шубҳасиз, одамларнинг саломатлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиши ва умумий соғлиқни сақлаш тизимига бўлган стрессни ортиши билан боғлиқ.

Мақсад: COVID-19 инфекциясининг иммун тизимига таъсирини ва бунинг туберкулёз спондилитининг ривожланишидаги ўрнини ўрганиш. Тадқиқотнинг мақсади COVID -19 ва туберкулёз спондилитининг ўзаро алоқасини аниқлаш, самарали даволаш усуллари ва профилактика стратегияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Материал ва текшириш усуллари: Тадқиқотга 75 та бемор олинди, уларнинг барчаси COVID-19 инфекциясини юқтирган ва айримларида туберкулёз спондилити аниқланган. Клиник маълумотлар: Беморларнинг ёши, жинси, ривожланган касалликлар

ва уларнинг COVID-19 билан касалланганлик вақти, иммун тизими ҳолати (мунтазам кузатиш, заифлашган иммун тизими ҳолатлари). Радиологик текширувлар: Беморларга рентгенография, компьютер томографияси (КТ) ва магнит-резонанс томографияси (МРТ) усуллари орқали умуртқа поғонасининг ҳолати ва туберкулёз спондилитининг аниқлиги текширилди. Лабораторик тестлар: ПЦР тестлари (COVID-19 учун), сералогик тестлар (антиденглар ва антигенларни аниқлаш), туберкулёзга оид бактериологик ва молекуляр-генетик текширувлар (манту тести, микобактерияларга ўтказиш). Иммунологик тестлар: Иммун тизимининг ҳолати ва COVID-19га нисбатан иммун реакциясини баҳолаш учун антиденглар ва CD4/CD8 ҳужайраларини таҳлил қилиш. 2. Текшириш усуллари: Клиник таҳлил: Беморларнинг тиббий тарихини ва клиник белгиларини ўрганиш, COVID-19 ва туберкулёз спондилитининг ўзаро алоқасини аниқлаш учун ижтимоий, аниқланган ёки боғлиқ касалликлар ҳақидаги маълумотларни йиғиш. Радиологик текширувлар: Туберкулёз спондилитининг давомийлигини ва оғирлигини аниқлаш учун рентген, КТ ва МРТ натижаларини таҳлил қилиш. Лабораторик тестлар: Беморларнинг COVID-19 ва туберкулёз инфекцияларига бўлган реакцияларини ўрганиш. ПЦР тестлари орқали COVID-19нинг борлигини аниқлаш, туберкулёзни аниқлаш учун молекуляр-генетик тестлар ва бактериологик ўтказиш. Иммунологик таҳлил: COVID-19 ва туберкулёзга қарши иммунитет реакцияларини, антиденглар ва Т-ҳужайраларини ўрганиш, шунингдек иммун тизимининг умумий ҳолатини баҳолаш. 3. Статистик таҳлил: Тадқиқот натижаларини статистик анализ қилиш. Туберкулёз спондилити ва COVID -19 ўртасидаги алоқа ва таъсирни аниқлаш учун рўйхатга олинган беморлардан олинган маълумотлар статистик жиҳатдан таҳлил қилинади. Беморлар ўртасидаги тиббий, радиологик ва лабораторик кўрсаткичлар орасидаги алоқа ва нисбатлар аниқланади. Бу усуллар тадқиқотнинг самарадорлигини оширишга ёрдам бериб, COVID -19 ва туберкулёз спондилитининг ўзаро таъсирини аниқлаш ва уларнинг даволашга таъсирини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Тадқиқотга 75 та бемор олинди, уларнинг 40 таси эркак, 35 таси аёл, ёш жихатидан эса беморларнинг 60% 18-45 ёш оралиғида, 40% 46 ёшдан юқори. Барча беморлар COVID -19 инфекциясини юқтирган ва ушбу инфекциядан кейин турли даражада иммун тизимининг заифлашиши билан кўплаб асоратларга учрашган. Тадқиқот натижаларига кўра:

COVID -19 ва туберкулёз спондилити билан касалланган беморлар:

- 75 та бемордан 15% да туберкулёз спондилити аниқланган.
- Бу беморлардан 70% COVID-19 инфекциясининг оғир шаклини бошдан кечирган.
- Туберкулёз спондилити аниқланган беморларнинг 80% эркаклар бўлган, кўпинча уларда иммун тизими ва ўткир касалликлар билан боғлиқ мураккаб ҳолатлар кузатилган.

2. Радиологик натижалар:

- COVID-19 инфекциясини юқтирган беморларда рентген ва МРТ натижалари кўрсатишича, умуртқа поғонасининг яллиғланиши ва ўрта даражадаги дисковертебрал бузилишлар аниқланди.
- Туберкулёз спондилити билан касалланган беморларда умуртқа поғонасининг қатъий заҳарланиши ва унга ўхшаш структуралар туберкулёз бактериал инфекциясини кўрсатди.

3. Иммунологик натижалар:

- Иммун тизими заифлашган беморларда COVID-19 ва туберкулёзга қарши антиденглар деярли йўқ ёки паст даражада бўлди. Иммун тизимининг заифлиги COVIDдан кейинги даврда туберкулёзнинг ривожланишига олиб келган.
- Иммунологик текширувлар, Т-ҳужайраларининг пастлиги ва CD4/CD8 нисбати бузилишини кўрсатди.

Муҳокама: Тадқиқот натижалари COVID-19нинг иммун тизимига ва организмга бўлган салбий таъсирини яққол кўрсатди. COVID-19 инфекцияси орқали иммун тизими заифлашган беморларда туберкулёз спондилити аниқланиши эҳтимоли ошган. Туберкулёз спондилити — бу иммун тизими заифлашган одамларда ривожланишга мухтож бўлган инфекция, ва COVID -19 инфекциясининг юқтирадиган асоратлари натижасида, бу ҳолатнинг кучайиши кузатилган.

Қайд этиш керакки, COVID-19нинг иммун тизимига таъсири ушбу инфекцияга қарши ҳимоя реакцияларини пасайтиради, натижада организмнинг бошқа инфекцияларга, жумладан туберкулёзга, ётарли даражада жавоб бериш имконияти қолмайди. Шундан келиб чиқиб, COVID-19дан кейинги даврда туберкулёзнинг ривожланишига чуқур эътибор бериш муҳимдир.

Радиологик натижалар ҳам COVID -19 ва туберкулёз спондилитининг биргаликда ривожланишини кўрсатди. Спондилит ва умуртқа поғонасининг яллиғланиш белгиларининг кузатилиши, ҳужайралар ва тўқималарга бўлган инфекцион таъсирларнинг аниқланиши ва ylarning ўзгаришини кўрсатади.

Иммун тизимининг заифлашиши ва COVID-19 билан боғлиқ асоратлар профилактика ва даволаш стратегияларини ўзгартиришни талаб қилади. Туберкулёз спондилитининг барвақт аниқланиши ва даволашда иммун тизимини мустаҳкамлашга қаратилган чоралар, масалан, вакцинация ва иммуноглобулин терапиясининг аҳамияти кучайган.

Шунингдек, COVID-19 дан кейинги даврда туберкулёзга қарши комплекс профилактика чоралари, иммун тизимини тиклаш ва диагностика усулларини такомиллаштириш учун самарали стратегиялар ишлаб чиқиш зарур.

COVID-19 инфекциясининг иммун тизимига бўлган таъсири туберкулёз спондилитининг ортишига сабаб бўлди. Бу натижалар кўрсатадики, COVID -19 ва туберкулёзни даволашда комплекс ва индивидуал ёндашувлар, шунингдек иммун тизимини мустаҳкамлашга йўналтирилган стратегиялар зарур. Тадқиқот натижалари туберкулёз спондилитининг барвақт аниқланишини ва самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш муҳимлигини кўрсатмоқда.

Ҳулоса.

Тадқиқотнинг асосий натижалари, COVID-19 инфекциясининг иммун тизимига ва у орқали организмга бўлган салбий таъсири, шунингдек, бу таъсирнинг туберкулёз спондилитининг ривожланишидаги аҳамиятини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. COVID-19 пандемиясининг инсонлар соғлиғига бўлган таъсири, фақат вируснинг ўз таъсири билан чекланмай, иммун тизимига ҳам оғир таъсир ўтказди. COVID 19 инфекциясини юқтирган беморларда иммун тизимининг заифлашиши натижасида организм бошқа инфекцияларга, хусусан туберкулёзга қарши заифлашган бўлиб, бу ҳолат туберкулёз спондилитининг ривожланиш эҳтимолини оширган.

Тадқиқотга олинган 75 та бемордан 15% да

туберкулёз спондилити аниқланганлиги, COVID-19 ва туберкулёз спондилитининг ўзаро алоқасини янада очиб беради. Беморлар ўртасидаги статистик таҳлиллар шуни кўрсатдики, COVID-19нинг оғир шакли билан касалланган беморларда туберкулёз спондилити ривожланиш хавфи юқори бўлган. Бундан ташқари, радиологик натижалар ва иммунологик текширувлар COVID-19 инфекциясининг заифлашган иммун тизимига қандай таъсир қилишини ва бунинг туберкулёз спондилитининг пайдо бўлишини расталади.

Тадқиқотда COVID-19дан кейинги даврда иммун тизими заифлашган ҳолатларда туберкулёз спондилитининг барвақт аниқланиши муҳим аҳамиятга эга экани аниқланди. Спондилит билан касалланган беморларда умуртқа поғонасининг яллиғланиши ва структураларининг бузилиши кўрсатди. Шунингдек, иммун тизимининг заифлашиши натижасида COVID-19 инфекциясининг самарали даволаниши ва профилактикасига диққат қаратилмаган ҳолда, инфекцияларнинг янада кучайиши мумкин.

Иммун тизимини мустаҳкамлаш ва COVID-19 дан кейинги асоратларга қарши самарали чоралар кўриш зарурлиги тадқиқот натижаларида янада яққол кўрсатилди. Мисол учун, туберкулёз спондилитининг барвақт аниқланиши ва даволаниши учун иммун тизимини тиклаш ва профилактик даволаш чоралари муҳим. Иммун тизимига таъсир кўрсата олувчи омилларни ўрганиш ва уларга қарши курашиш стратегияларини ишлаб чиқиш, соғлиқни сақлаш тизимини пандемияларга нисбатан барқарор қилиш учун зарур.

Шу билан бирга, тадқиқотда аниқланган ҳолатлар туберкулёз спондилитининг аниқланишидаги кечикканлик ва даволашдаги муаммоларни ҳам ёритади. Туберкулёзнинг ривожланишини ёки унинг асоратларини аниқлаш учун самарали ва барқарор диагностика усулларига эътибор қаратиш зарур. COVID-19 ва туберкулёз спондилитининг профилактикасини таъминлаш, уларнинг даволанишининг самарадорлигини ошириш учун иммун тизимини тиклаш ва мустаҳкамлашга қаратилган комплекс ёндашувлар жуда муҳим эканини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, COVID-19нинг туберкулёз спондилитининг ривожланишидаги роли ва уларнинг ўзаро алоқаси аниқланди. Тадқиқот натижалари кўрсатадики, COVID-19 инфекциясининг иммун тизимига таъсири туберкулёзга олиб келиши мумкин, шунинг учун COVIDдан кейинги даврда беморларнинг иммун тизимини тиклашга ва барвақт диагностика ва даволашга катта аҳамият бериш лозим. Бундай комплекс ва кўп қиррали ёндашувлар касалликларнинг самарали профилактикаси ва даволанишига ёрдам беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. World Health Organization (WHO). (2020). Coronavirus disease (COVID-19) pandemic. https://www.who.int
2. Berbari, E. F., & Schemitsch, E. H. (2020). Spinal tuberculosis: A review of the literature. The Journal of Bone and Joint Surgery, 102(9), 753-761.
3. Agarwal, A., et al. (2021). COVID-19 and Tuberculosis: A Review of Co-infection Studies. Journal of Clinical Tuberculosis and Other Mycobacterial Diseases, 24, 100213.
4. Mohan, A., et al. (2020). Impact of COVID-19 on tuberculosis diagnosis and management: A review. Journal of Clinical and Diagnostic Research, 14(7), LE01-LE05.
5. Singh, P., & Sharma, S. (2020). COVID-19 and its impact on tuberculosis: A review. Indian Journal of Tuberculosis, 67(2), 187-191.
6. Khanna, A., et al. (2021). Tuberculosis in the COVID-19 Era: The Overlooked Pandemic. The Lancet Infectious Diseases, 21(9), 1222-1228.
7. Murray, C. J., et al. (2020). Global tuberculosis report 2020. World Health Organization. https://www.who.int/tb/publications/global_report/en/
8. Kaufman, H. W., & Alpert, T. (2021). Spinal tuberculosis in the COVID-19 era: A review of cases and challenges. The Spine Journal, 21(5), 835-839.
9. Yang, X., et al. (2020). Tuberculosis and COVID-19: A dual epidemic in the context of a global health crisis. Journal of Infection, 81(5), e89-e92.
10. Vasudevan, R., et al. (2021). Immune Response in COVID-19 and Its Effect on Tuberculosis: A Review. Journal of Infection and Public Health, 14(5), 592-598.
11. Siddiqui, N., et al. (2021). The Impact of COVID-19 on Tuberculosis: A Review of Current Evidence. Tuberculosis Research and Treatment, 2021, 2636451.
12. Chandran, A., et al. (2020). Tuberculosis Spinal Involvement in the COVID-19 Era. Asian Spine Journal, 14(5), 712-719.
13. Tariq, A., et al. (2021). COVID-19 and tuberculosis co-infection: Diagnosis, treatment challenges, and future perspectives. Frontiers in Public Health, 9, 638.
14. Усманова У.И., Насирдинов М.А. Механизмы ремоделирования миокарда левого желудочка и развития сердечной недостаточности у пациентов с постинфарктным кардиосклерозом I // Экономика и социум. 2022. No11-1 (102). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/mechanisms-of-left-ventricle-s-myocardium-s-remodeling-and-development-of-cardiac-insufficiency-at-the-patients-with-post (дата обращения: 18.02.2025).

УДК: 616.34-007.44

ИНВАГИНАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ АНАСТОМОЗИРОВАНИЯ ТОНКО-ТОЛСТОКИШЕЧНОГО СЕГМЕНТА В КОЛОРЕКТАЛЬНОЙ ХИРУРГИИ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ AI

Абдуллажанов Б.Р.[1], Зайнидинов Х.Н.[2], Таджибаев Ш.А.[1], Абдурашидов Ф.Ш.[1], Азимов Б. Р.[2], Саминжонов Х.У.[1]
[1]Андижанский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Андижан.
[2]Ташкентский университет информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий, г. Ташкент, Республика Узбекистан.

INVAGINATIONAL ANASTOMOSIS TECHNOLOGIES IN THE THIN- AND THICK-INTESTINAL SEGMENT IN COLORECTAL SURGERY USING AI

B.R.Abdullajanov[1], H.N.Zaynidinov[2], Sh.A.Tadjibaev[1], F.Sh.Abdurashidov[1], B.R.Azimov[2], X.U.Saminjonov[1].
[1]Andijan State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Andijan.
FibroScan -бу жигарнинг қаттиқлигини (зичлигини) ва жигарнинг ёғли дегенерациясини ўлчайдиган махсус ультратовуш технологиясидир. Қуйида Фиброскан натижаларига оид баъзи фойдали атамалар келтирилган. Фиброз- жигар тўқималарининг чандиқланиши. Жигар қаттиқлиги- жигарнинг қаттиқлиги унинг тўқималарининг чандиқланиши. Ёғли дегенерацияси- жигарда ёғнинг патологик тўпланишидир. Стеатоз- жигарда ортиқча миқдордаги ёғ йиғилишидан келиб чиқадиган ҳолат.


Тадқиқот натижалари. Одатда клиник амалиётда қўлланиладиган жигарни ультратовуш текшируви ЖНЁКни ташхислашда маълум диагностик аҳамиятга эга. ПсАли беморларда жигарни УТТ текшируви орқали гепатоз даражалари белгиланди (1-жадвал).

Псориатик артритда жигар ноалкогол ёғли касаллиги мавжуд беморларда УТТ текширувида гепатоз даражаларининг учраши.


1-жадвал

Гепатоз даражалари	Жигар паренхимаси	2 –гуруҳ (n=70)	
		абс	%
1–даражали гепатоз	Эхогенлик ошиши	20	28,5
2–даражали гепатоз	Эхогенлик ошиши ва ўлчами катталашиши	38	54,2
3–даражали гепатоз	Эхогенлик ошиши, ўлчами катталашиши, жигар қирғоғи юмалоқлашиши ва томир расми силлиқлашиши	12	17,1

УТТ текшируви натижаларига кўра, ПсАли беморларнинг 54,2%да 2-даражали, 3-даражали гепатоз 17,1% беморларда аниқланди. Қуйидаги УТТда 2-даражали гепатоз белгилари жигар паренхимасининг буйракка нисбатан эхогенлик ошиши аниқланди (1-ва 2-расм).



1-расм. УТТ текшируви жигарнинг ўнг бўлаги (2-даражали гепатоз).



2-расм. УТТ текшируви жигарнинг чап бўлаги (2-даражали гепатоз).

УТТ текширувидан сўнг ЖНЁК аниқланган беморлар FibroScan (эластометрия, эластография) текширувидан ўтказилди. Товуш ва ультратовуш тўлқинлари ёрдамида гепатоз даражасини аниқлаш усули фибросканирлаш деб аталади. Сўнгги йилларда Фиброскан қурилмаларида жигарни текшириш имконияти мавжуд бўлди. Фиброскан натижалари 2-жадвалда келтирилди.

Псориатик артритда жигар ноалкогол ёғли касаллиги мавжуд беморларда FibroScan текширувида стеатоз даражаларининг учраши

2-жадвал

Стеатоз даражалари	Ёғ хажми (%)	2 –гуруҳ (n=70)	
		абс.	%
S.1 –енгил стеатоз	(>5% дан 33%гача)	20	28,6
S.2 – ўртача оғир стеатоз	(>33% дан 66%гача)	38	54,2
S.3 – оғир стеатоз > 66%)	(> 66%)	12	17,1

FibroScan текширувига асосан S.1 –енгил стеатоз 28,6 %, S.2 – ўртача оғир стеатоз 54,2 %, S.3 – оғир стеатоз 17,1% беморларда аниқланди.

Хулоса. Псориатик артрит жигар ноалкогол ёғли касаллиги мавжуд барча беморларда семизлик кузатилган. Ушбу беморларнинг 52,4%ида ультратовуш, фиброскан маълумотларига кўра турли даражадаги стеатоз, рентгенологик бўғимларда яққол деструктив ўзгаришлар 58,3% ва таянч-ҳаракат тизимининг функционал етишмовчилигининг юқорилиги 57,5%да аниқланди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бунчук Н.В. Псориатический артрит // Ревматология:национальное руководство. — М.: ГЭОТАР-МЕДИА, 2016. — С. 355—366.

2. Беллентани С., Скаглиони Ф., Марино М., Бедони Г. Эпидемиология неалкогольной жировой болезни печени. Dig Dis. 2014; 28 : 155–161.

3. Искандерова С. Дж. Клиническая эффективность препарата Нотаролон у пациентов с неалкогольной жировой болезнью печени на фоне алиментарного ожирения : научное издание / С. Дж. Искандерова, Д. К. Маманазарова, Р. С. Турсунбаев // Терапевтический вестник Узбекистана : научно-практический журнал. - Ташкент : ЗАО СЕАЛ МАГ. - 2021. - N 4. - С. 68-73

4. Кравчук Ю. А. Неалкогольная жировая болезнь печени: диагностика и лечение в свете современных рекомендаций: научное издание / Ю. А. Кравчук // Medical express. - Ташкент, 2017. - N4. - С. 19-21

5. Мирахмедова Х. Т. Современные принципы и алгоритм ранней диагностики псориатического артрита: научное издание / Х. Т. Мирахмедова, Д. Н. Исламова, М. Т. Рустамова // Бюллетень Ассоциации врачей Узбекистана. - Ташкент, 2017. - N3. - С. 53-58. - Библиогр.: 15 назв.

6. Мухсимова Н.Р. Псориатик артрит жигар ноалкогол ёғли касаллиги билан бирга келган беморларни комплекс даволаш самарадорлиги/ Н.Р. Мухсимова, Ш.А. Ширанова// Республика спорт тиббиёти-илмий амалий маркази.- Тошкент, 2024.-№1-94-98-бет.

7. Рахматов А. Б. Перспективы изучения метаболического синдрома у больных псориазом: научное издание / А. Б. Рахматов, Д. В. Рахматова // Дерматовенерология и эстетическая медицина. - Ташкент, 2018. - N2. - С. 17-20. - Библиогр.: 25 назв.

8. Lin X, Huang T. Oxidative stress in psoriasis and potential therapeutic use of antioxidants. Free Radic Res. 2016; 50 (6):585–95. https://doi.org/10.3109/10715762.2016.1162301.

9. European Association for the Study of the Liver, AsociacionLatino- americana para el Estudio del Higado. EASL-ALEH Clinical Practice Guidelines: non-invasive tests for evaluation of liver disease severity and prognosis. J Hepatol 2015;63: 237–264.

УДК: 330.59:616.85-056.7-082.5 +616.8-009.836

QANDLI DIABET 2 TIPNING DAVOMIYLIGI, DIABETIK NEYROPATIYANING VA UYQU SIFATINING BUZILISHINI BEMORLAR HAYOT SIFATIGA TA'SIRI

Urunbayeva D.A.[1], Shavkatxo'jayev X.N.[2], Abdullayeva Ch.A.[2]
[1]Toshkent tibbiyot akademiyasi. [2]Toshkent davlat stomatologiya institute.

ВЛИЯНИЕ ДЛИТЕЛЬНОСТИ САХАРНОГО ДИАБЕТА 2 ТИПА, ДИАБЕТИЧЕСКОЙ НЕЙРОПАТИИ И НАРУШЕНИЙ СНА НА КАЧЕСТВО ЖИЗНИ ПАЦИЕНТОВ

Урунбаева Д.А.[1], Шавкатхужаев Х.Н.[2], Абдуллаева Ч. А.[2]
[1]Ташкентская медицинская академия. [2]Ташкентский государственный стоматологический институт.

INFLUENCE OF DURATION OF TYPE 2 DIABETES MELLITUS, DIABETIC NEUROPATHY AND SLEEP DISORDER ON QUALITY OF LIFE OF PATIENTS

Urunbaeva D.A.[1], Shavkatkhudjaev H.N.[2], Abdullaeva Ch.A.[2]
[1]Tashkent Medical Academy. [2]Tashkent State Dental Institute.

Annotatsiya. *Klinik tadqiqot TMA ko'p tarmoqli klinikasi negizida, 2-terapiya va endokrinologiya bo'limida o'tkazildi. 2-tur qandli diabet (QD) bilan og'rigan 120 nafar bemorda quyidagi natijalar aniqlandi: 1 va 2 guruh QD 2 tur bilan og'rigan bemorlarda DPN subklinik shakli ustunlik qildi – 56,9% va 60,9%. Klinik shakli esa 43,1 va 39,1% bemorlarda tashxislandi. Bemorlarning 83,7% da semizlik 1 daraja va 89,5% da chap qorincha gipertrofiyasi (ChQG) mavjud. Ikkala tekshirilgan guruhda ham uglevod almashinuvi nazorat guruhiga nisbatan balandligi aniqlandi. Bemorlarning shikoyatlari orasida eng ko'p bildirilgani oyoqlar uvushishiga bo'ldi – 1 guruhda 93,1%, 2 guruhda – 87,3%, og'riqqa shikoyatni esa 85,5 va 45,8% bemorlar bildirdilar. Pittsburg so'rovnomasi yordamida aniqlanganda, 1 guruhdagi bemorlarning o'rtacha uyqu sifati indeksi 10,89±0,77 ball (p<0,05) ni tashkil qildi va bu tekshirilayotgan bemorlarning uyqu sifati yomon ekanligini ko'rsatadi. Uyqu sifatida buzilishlari yo'q bo'lgan bemorlarda ushbu indeks 4,92±0,77 ballni tashkil qildi. Bemorlarning eng ko'p bildirilgan shikoyatlari "tungi uyqudan uyg'ondan keyingi charchoq hissi", ushbu shikoyatni 100% bemorlar bildirdilar, 79,7% bemorlarda "uyg'onib ketgandan so'ng qayta uxlash qiyinligi" ni arz qildilar, 78,4% bemorlar "uyquga to'ymaydilar", "yuzaki uyqu, tunda uyg'onib ketishlar bilan" 73,4% bemorlar aziyat chekadi, 70,8% bemorlar esa "30 minutdan ortiq uxlay olmaydilar". Neyropatik og'riq, uyqu buzilishlari bilan o'zaro bog'liq bo'lib, shifokorlar davolashda ikkala jihatni ham hisobga olishlari kerak.*

Kalit so'zlar: *diabetes mellitus, uyqu, uyqusizlik, neyropatiya.*

Аннотация. *Клиническое исследование проведено на базе многопрофильной клиники ТМА, на базе 2-го отделения терапии и эндокринологии. У 120 больных сахарным диабетом 2 типа выявлены следующие результаты: у больных сахарным диабетом преобладала субклиническая форма в обеих группах - 56,9% и 60,9%. Клиническая форма диагностирована у 43,1 и 39,1% больных. У 83,7% больных имеется ожирение 1 степени, у 89,5% — гипертрофия левого желудочка (ГЛЖ). Установлено повышенный углеводный обмен в обеих исследуемых группах по сравнению с контрольной группой. Среди жалоб пациентов наиболее часто отмечались судороги ног - 93,1% в 1-й группе, 87,3% во 2-й группе, боль отмечали 85,5 и 45,8% больных. При определении качества сна с помощью Питтсбургского опросника средний показатель качества сна пациентов 1-й группы составил 10,89±0,77 балла (p<0,05), что свидетельствует о неудовлетворительном качестве сна у обследованных пациентов. У пациентов без нарушений сна этот показатель составил 4,92±0,77 балла. Наиболее частой жалобой пациентов было «чувство усталости после пробуждения от ночного сна», эту жалобу сообщили 100% пациентов, 79,7% пациентов сообщили о «трудностях с засыпанием после пробуждения», 78,4% 73,4% пациентов больные страдают «неудовлетворенным сном», «поверхностным сном с ночными пробуждениями», а 70,8% больных «не могут спать более 30 минут». Нейропатическая боль связана с нарушениями сна, и врачи должны учитывать оба аспекта лечения.*

Ключевые слова: *сахарный диабет, сон, бессонница, невропатия.*

Annotation. *The clinical study was conducted at the TMA multidisciplinary clinic, at the 2nd Department of Therapy and Endocrinology. In 120 patients with type 2 diabetes mellitus, the following results were revealed: in patients with diabetes mellitus, the subclinical form predominated in both groups - 56.9% and 60.9%. The clinical form was diagnosed in 43.1 and 39.1% of patients. 83.7% of patients have grade 1 obesity, 89.5% have left ventricular hypertrophy (LVH). Increased carbohydrate metabolism was found in both study groups compared to the control group. Among the patients' complaints, the most common were leg cramps - 93.1% in group 1, 87.3% in group 2, pain was noted by 85.5 and 45.8% of patients. When determining sleep quality using the Pittsburgh Questionnaire, the average sleep quality score for patients in group 1 was 10.89±0.77 points (p<0.05), which indicates unsatisfactory sleep quality in the examined patients. In patients without sleep disorders, this indicator was 4.92±0.77 points. The most common complaint of patients was "feeling tired after waking up from a night's sleep", this complaint was reported by 100% of patients, 79.7% of patients reported "difficulty falling asleep after waking up", 78.4% 73.4% of patients suffered from "dissatisfied sleep", "shallow sleep with night awakenings", and 70.8% of patients "cannot sleep for more than 30 minutes". Neuropathic pain is associated with sleep disturbances, and clinicians must consider both aspects of treatment.*

Key words: *diabetes mellitus, sleep, insomnia, neuropaty.*

Dolzarbligi. Xalqaro diabet federatsiyasi baholashiga qaraganda, xozirgi kunda dunyo bo'ylab 425 million nafar odam qandli diabet (QD) bilan xasta [20]. Bu ko'rsatkich QD ni XXI asrning global epidemiyasiga aylantiradi [21].

O’zbekistonda esa 2015 yilda qandli diabet bilan kasallangan 170 ming bemor ro’yxatga olingan bo’lsa, 2018 tilga kelib esa, 230 mingdan ziyod bemor ro’yxatga va nazoratga olingan. Ko’rib turibmizki, QDga chalinganlar oxirgi 3 yilda deyarli 60 mingtaga ko’paygan. Tahlillarga ko’ra, ushbu ko’rsatkich 2030 yilga borib 550 milliondan oshishi mumkin [7,8].

Xozirgi kunda QDning eng keng tarqalgan asoratlari, periferik va vegetativ asab tizimining jaroxatlanishi bilan kechadigan klinik sindromlar guruhidir. Odatda neyropatiyaning turli formalari deb nomlanuvchi, asab tizimining diffuz va o’choqli shikastlanishiga olib keluvchi sindromlar, QD bilan og’rigan bemorlarning deyarli yarmida uchraydi [22].

Diabetik periferik neyropatiyaning (DPN) eng ko’p tarqalgan shakli, polineyropatiyaning og’riqli shakli yoki neyropatik og’riq xisoblanadi.

Og’riqli DPN o’tkir va surunkali kechuvchi bo’lishi mumkin. DPN og’riqli turining surunkali shakli uchun og’riqning to’lqinsimon, remissiya va og’irlashish davrlari bilan kechishi va og’riqli sindrom 3 oydan ko’p davom etishi xos. Neyropatik og’riq uchun simptomlarning kunlik ritmi xosdir: kechga qadar va tunda kuchayadi. Simptomatika esa turli xil bo’lishi mumkin: achishish, o’tkir og’riq, sanchuvchi og’riq, og’riqli uvushish, tomir tortishi. Aksariyat xolatlarda ko’rsatib o’tilgan simptomlar bilan birga sezuvchanlik buzilishlari yoki sezuvchanlik yo’qligi va reflekslarning pasayishi yoki yo’qligi kuzailadi.

Og’riqsiz tur esa sekinlik bilan sensomotor yetishmovchilik rivojlanadi, og’riq mavjud bo’lmagan minimal simptomatika bilan kechadi. Tipik shikoyatlar esa oyoqlar uvushishi va sezuvchanlik pasayishi bilan bog’liq. Obyektiv ko’riQDa sezuvchanlikning turli xillari pasayganligi va reflekslar rasayishi yoki yo’qligi aniqlanadi.

Nerv tolalarining shikastlanishi ba’zi xollarda QDning boshqa asoratlari rivojlanishidan ham oldin yuz beradi va bu uglevod almashinuvi buzilishining birinchi klinik belgisi bo’lishi mumkin. Nervlardagi patologik o’zgarishlar glyukozaga tolerantlikning buzilish bosqichidayoq rivojlanib, miyelinsiz nerv tolalarining shikastlanishi miyelinli nerv tolalarga qaraganda ancha oldinroq sodir bo’ladi va bu nogironlik, xatto o’lim sonining oshishiga olib keladi [7,8].

Diabetik neyropatiyani davolashda zamonaviy yondashuvda e’tiborni glikemik nazoratni yaxshilashga, xayot tarzini yaxshilashga va nevropatik og’riqni kamaytirishga qaratiladi. QD bilan og’rigan bemorlarda optimal terapevtik yondashuv xayot tarzini o’zgartirishni o’z ichiga oladi, lipidlar va arterial qon bosimining optimal nazorati bilan parxez va jismoniy mashg’ulotlarga urg’u beriladi. Maqsadli ko’rsatkich HbA1c < 6 % bo’lgan glikemik nazorat QD li bemorlarda o’lim darajasini ko’paytiradi, diabetik neyropatiyaga esa kam ta’sir qiladi, shu sababdan ushbu ko’rsatkich davo standarti sifatida tavsiya etilmaydi. Yaxshi glikemik nazorat kengroq yondashuvning bir qismi sifatida, individual yondashuv bilan davolash QD li bemorlar uchun optimal tanlov xisoblanadi.

Nevropatik og’riq bemorlarda uyqu buzilishiga olib keladi va uyqu buzilishi o’z navbatida og’riq kuchayishi sabablaridan bo’lishi mumkin. Bundan kelib chiqib aytish mumkinki, nevropatik og’riqni davolayotganda bir paytning o’zida uyquni ham yaxshilash kerak bo’ladi. Xozirda bemorlarda ham og’riqni kamaytiruvchi, ham uyquni yaxshilovchi dori vositalari qo’llanishi borasida baxslar ketmoqda. Pregabalin va gabapentin kabi antikonvulsantlar neyropatik og’riqni yaxshilaydi va komorbid uyqu buzilishiga yaxshi ta’sir qiladi. Opioidlar va antidepressantlar og’riqni kamaytiradi, lekin uyquga ta’sir qilmaydi.

Surunkali og’rig’i bo’lgan bemorlarni 50-80% ida uyqu buzilishlari uchraydi, uyqu buzilishi og’irligi esa og’riqning kuchiga bog’liq [4]. Uyqu buzilishi va neyropatik og’riq o’zaro bog’liqdir va ular bir vaqtda davolanishi kerak [4]. Uyquni yaxshilash og’riqni kamaytirishiga qaramay xozirgi kunda davolashda asosiy e’tibor og’riqni kamaytirishga qaratiladi [4].

Neyropatik og’riq va uyqu buzilishlarining o’zaro bog’liqligi ikki tomonlamadir [5,6]. Neyropatik og’riqli bemorlarda katta extimol bilan uyqu buzilishlari rivojlanadi va ushbu uyqu buzilishlari o’z navbatida og’riqni kuchayishiga olib keladi [6]. Og’riq sezuvchanligi va uyqu buzilishlari o’rtasida ijobiy bog’liqlik aniqlangan. Surunkali og’riq va uyqusizlik bilan og’rigan bemorlarda og’riqqa chidamlilik kamayishi aniqlangan [7]. Misol uchun, orqa miya shikastlanishidan keyingi neyropatik og’riqni klinik baholash jarayoni uyqu sifatini baholashni ham o’z ichiga olishi kerak [8].

QD diabetik periferik neyropatiyasi bosqichlari quyidagi jadvalda keltirilgan.

DPNlarning og’irlik darajasi bo’yicha tasnifi (DyckP.J.)

1-жадвал

DPN darajasi	Xarakteristika
0 bosqich (DPN«-»)	DPN ning klinik va elektrofiziologik belgilari yo’q
1 bosqich, subklinik (DPN1)	DPNning obektiv nevrologik belgilari va simptomlari yo’q. EMG va miqdoriy avtonom tekshiruvda 2 o’zgarish aniqlansa.
2 bosqich, klinik (DPN2)	DPNga xos shikoyatlar. Sezuqchanlik, xarakat, avtonom buzilishlar, oyoqning bukuvchi mushaklari kuchsizlik belgilari bor yoki yo’q bo’lishi mumkin (bemor tovonida tura olmaydi).
3 bosqich, og’ir (DPN3)	Mexnat faoliyati buzilishi va/yoki ijtimoiy adaptasiyaga olib keladigan neyropatiya.

Neyropatik og’riqni kamaytiruvchi dori vositalarga organizmning javob reaksiyasini oldindan aytib bo’lmasligi shifokorlar uchun dori vositalarini tanlab, yozib berishida qiyinchilik tug’diradi [9]. Neyropatik og’riqni davolashda antidepressantlar, antikonvulsantlar, tramadol, opioidlar va boshqa analgetiklar ishlatiladi [9]. Xalqaro og’riq assosiasiyasi (The Special Interest Group on Neuropathic Pain (NeuPSIG) of the International Association for the Study of Pain (IASP)) tomonidan neyropatik og’riqni davolash haqida ikki tomonlama ko’r-ko’rona o’tkazilgan tadqiqotlar meta analizi va tizimli ko’rib chiqishi o’tkazildi [12]. Tadqiqot natijalari neyropatik og’riqning farmakoterapiyasi bo’yicha NeuPSIG tavsiyalarini (trisiklik antidepressantlar, seratonin va noradrenalinni qayta bog’lanishini ingibitorlari, pregabalin va gabapentin kabi birinchi qator vositalari va kamroq tavsiya qilinadigan lidokain, kaspaisin va tramadol kabi ikkinchi qator vositalar) qayta ko’rib chiqishni taklif qiladi [10].

Pregabalin va gabapentin kabi yangi antikonvulsant vositalar neyropatik og’riqni yengillashitruvchi hamda komorbid uyqu buzilishlarida yaxshi ta’sir qiladi [1]. Neyropatik og’riq sababidan gabapentin yoki pregabalin qabul qilgan bemorlarda uyqu uzoqligi va uyquga to’yish yaxshilangan, bundan tashqari chuqur uyqu yaxshilanishi, depressiya va xavotirni yaxshilanishi bemorlar tomonidan

takidlandi [1,16,19]. Okskarbazepin, lamotrigin, gabapentin va pregabalin kabi antikonvulsantlar baklofen (miorelaksant va antispastik vosita) kabi ikkinchi liniya davolash vositasi siftida ishlatilishi mumkin [19].

Trigeminal nevralgiyaning birinchi liniya davosi sifatida karbamazepim (antikonvulsant) taklif qilingan [11]. Diabetik neyropatiyaning og'riqlarida pregabalin, gabapentin, venlafaksin, duoleksetin, trisiklik antidepressantlar va opioidlarning foydalari isbotlangan [2,3,9,14].

Opioidlar og'riqni kamaytirish uchun extiyotkorlik bilan qo'llanishi kerak, lekin uyqu buzilishlarida qo'llab bo'lmaydi. Bundan tashqari opioidlar qo'llanilganida markaziy uyqu apnoesi kabi uyquda nafas olish buzilishi rivojlangan.

Yana boshqa xolatda opioid reseptori agonistlari dizesteziyada simptomatik va bezovta oyoq sindromida og'riqni yaxshilanishi kuzatilgan, bu holatlar uyquga ta'sir qilishi mumkin [15]. Antidepressantlar, depressiyali va depressiyasiz bemorlarda og'riqqa bog'liq uyqu buzilishi va surunkali og'riqli bemorlarda yordam berishi mumkin [18]. Lekin trisiklik antidepressantlar, serotonin, norepinefrinni qayta bog'lash ingibitorlari, maxsus serotoninni qayta bog'lash ingibitorlari bezovta oyoq sindromini kuchaytirishi mumkin [13].

DPN li bemorlar uchun uyqu buzilishlari jiddiy muammo xisoblanadi, chunki uyqu buzilishi va yondosh kasalliklar QD 2 turini rivojlanishiga ta'sir qilishi mumkin.

Diabetik neyropatiya xayot tarzini sezilarli yomonlashuviga olib keladi, ayniqsa bemorlarda uyqu buzilishi ham mavjud bo'lsa. Darxaqiqat, diabetik neyropatiyasi bo'lgan bemorlarning xayot sifati neyropatiyasiz bemorlardan past, va bu farq neyropatiya tashxisi qo'yilishidan bir necha yil oldin boshlanadi va davom etadi[17]

Neyropatik og'riq, uyqu buzilishlari bilan o'zaro bog'liq bo'lib, shifokorlar davolashda ikkala jihatni ham hisobga olishlari kerak.

Tadqiqot maqsadi. Qandli diabet 2 tur bilan og'rigan, diabetik periferik neyropatiyanig og'riqli turi bilan asoratlangan bemorlarda uyqu sifatini o'rganish

Tadqiqotnin materiallari va usullari

Klinik tadqiqot TTA ko'p tarmoqli klinikasi bazasida, 2-terapiya va endokrinologiya bo'limida o'tkazildi. QD 2 turi bilan og'rigan 80 nafar bemorda quyidagilar tekshirildi: och qoringa va postprandial glikemiya, glikirlangan gemoglobin (HbAlc), lipid profil. QD 2 turi bilan og'rigan bemorlarda yurak qon tomir kasalliklari ham mavjud edi, ulardan 70% da gipertonik kasallik, 45% da yurak ishemik kasalligi aniqlandi. QD kasalligining davomiyligi 3 yildan 12 yilgacha, tekshirilganlarning o'rtacha yoshi 56,6±9,8 yoshni tashkil qildi, ulardan 49 (61,3%) ayollar va 41 (38,7%) erkaklar. Nazorat guruhiga esa 20 nafar voyaga yetgan, QD bilan og'rimagan bemorlar olindi, ulardan 5 (25%) nafarida AG mavjud edi, o'rtacha yoshi esa 55,9±7,5 yosh.

Instrumental tekshiruvlardan EKG, ExoKG, AB tekshiruvlari o'tkazildi. Qonda glyukoza nazorati biokimyoviy usul bilan (SPINREACT,S. A. U. to'plami) o'tkazildi. Glikirlangan gemoglobin (HbA1c) tekshiruvi ham biokimyo usulida o'tkazildi (FILTERSAMPLER to'plami). Lipidlar (UX, TG, XS-PZLP, XS-YuZLP) biokimyoviy usul bilananiqlandi (SPINREACT,S. A. U. to'plami).

Bemorlarning shikoyatlari va tekshiruvlarning natijalarini baholash uchun 1998 yilda San – Antonioda taklif qilingan DPNlar diagnostikasining standart usullaridan foydalanildi. Bunga ko'ra biz keng qo'llaniladigan quyidagi shkalalardan foydalandik: TSS (TotalSymptomsScore) –D. Zieglertomonidan taklif qilingan bemorlarning oxirgi kundagi shikoyatlari miqdorini baholash. Ushbu shkalada xar bir tipik musbat neyropatik simptom baholanadi (sanchuvchi og'riq, uvushish, achishish, paresteziyalar), oxirgi 24 soatda simptomlar intensivligi va chastotasi baholandi. Barcha 4 simptomning baholash ballari summalandi. TSS shkalasi bo'yicha baholanganda ballar 0 dan 14,64 gacha bo'lgan interval oralig'ida baholandi. Klinik ko'rik davomida nevrologik o'zgarishlarning miqdoriy baholash NIS-LL (oyoqlardagi neyropatik o'zgarishlar xisobi) shkalasi yordamida o'tkazildi[1], ushbu shkala o'z ichiga oladi: mushaklar kuchi, reflekslar, taktil sezuvchanlik (5 va 10 grammlik monofilament yordamida), og'riq (katta barmoq distal falangasining orqa yuzasiga igna sanchish orqali), vibratsion sezuvchanlik (128 Gs chastotali, 8 balli shkalaga ajratilgan kamerton yordamida katta barmoq orqa yuzasida uch marta tekshirib, o'rtacha ko'rsatkich aniqlandi), oyoqlar katta barmoqlari distal falangalari bo'g'imlarida mushak-bo'g'im sezuvchanligini aniqlash. Xarorat sezuvchanligi, ikki oyoqlar katta barmoqlari orqa yuzasida Thioterm (bir uchi yelim, ikkinchi uchi metall bo'lgan silindr) asbobi yordamida o'tkazildi. Tekshiruv jarayonida bemorlar teri xarorati minimum 32°S ni tashkil qildi. NIS LL shkalasi bo'yicha ballar o'ng va chap oyoqlar va barcha ballarni summalash orqali xisoblandi. Negativ neyropatiya simptomlarining maksimal ko'rsatkichi NIS LL shkalasi bo'yicha 28 ballni tashkil qildi.

Uyquni baholash vositasi sifatida "uyqu sifati indeksini baholovchi Pittsburg so'rovnomasi (PSQI)" qo'llandi [16]. Pittsburg uyqu sifati so'rovnomasi oxirgi oy davomidagi uyqu sifatini baholash maqsadida ishlab chiqilgan. So'rovnomv 19 punktdan iborat bo'lib, ular uyquni 7 komponent orqali baholaydi: uyquning subektiv sifati, uyqu latentligi, uyqu uzunligi, uyqu yetarliligining subektiv bahosi, uyqu buzilishi, uyqu chaqiruvchi dori vositalar qo'llanishi, kunlik faoliyatda buzilishlar. Ushbu so'rovnoma qo'llashga juda qulay va to'ldirishga 5-10 daqiqa sarflanadi.

Ballar yig'indisi 0 dan 20 gacha bo'lishi mumkin: 0 dan 5 gacha bo'lsa uyqu sifati yaxshi xisoblanadi, 6 va undan yuqori ballar esa uyquning sifati pastligini ko'rsatadi. Ushbu shkala yuqori sezuvchanlik va spesifiklikka egadir.

Olingan malumotlar foiz nisbati yoki o'rtacha xatolik (M±m) ko'rinishida keltirilgan. Malumotlarga statistik ishlov berish Windows tizimida STATISTICA (versiya 9.0) dasturi orqali o'tkazildi. Tekshirilayotgan ko'rsatkichlar orasidagi bog'liqlikni aniqlashda Pirson bo'yicha korrelyatsiya koyeffisentini xisoblash yordamida korrelyatsion analiz o'tkazildi. Olingan natijalarning statistik ishonchlilik kriteriyasi bo'lib $p<0,05$ ko'rsatkichi hisoblandi.

Tadqiqot natijalari

Bizning tadqiqot TTA ko'p tarmoqli klinikasining 2 terapiya va endokrinologiya bazasida o'tkazildi. Barcha bemorlardan tadqiqotda qatnashishga rozilik olinganidan so'ng ularga uyqu sifatini baholash so'rovnomasini to'ldirib berish so'raldi.

Tekshirilgan bemorlarnin glikirlangan gemoglobin ko'rsatkichi 7,5 dan 10 % gacha natijalarni tashkil qildi va bu uglevodlar almashinuvi qoniqarsiz darajada ekanligini ko'rsatadi.

QD kasalligi kechishi davomiyligiga asoslanib, bemorlar 3 guruhga ajratildi:

1 guruh (24 nafar, 30%) – 1-3 yilgacha bo'lgan davomiyli QDagi bemorlar (erkaklar – 12 nafar, ayollar- 12 nafar);

2 guruh (29 nafar, 36%) – 3 yildan 6 yilgacha davomiyli QDagi bemorlar (erkaklar – 13 nafar, ayollar – 16 nafar);

3 guruh (27 nafar, 34%) – 10 yildan ortiq davrdan beri QD li bemorlar (erkaklar – 11 nafar, ayollar – 16 nafar).

Olingan barcha bemorlar QD ning og'ir shakli bilan og'rigan, shu bilan birga QD ning og'ir asoratlari bo'lgan va og'ir yondosh kasalligi bor bo'lgan bemorlar tadqiqotga kiritilmadi. Tadqiqotga gipoglikemik maqsadida peroral dori vositalari qabul qiluvchi bemorlar kiritildi. Insulinoterapiya qabul qiluvchi bemorlar tadqiqotga kiritilmadi.

Bemorlarning randomizatsiyaga asoslangan klinik ko'rsatkichlari

2-jadval

Tekshirilgan bemorlarning ko'rsatkichlari	Nazoratguruhi n-20	1 guruh. 3-6 yil n=24	2 guruh. 6-9 yil n=29	3 guruh. 9-12 yil n=27
Erkaklar	8 (40%)	12 (50%)	13(45%)	11 (41%)
Ayollar	12(60%)	12 (50%)	16 (55%)	16 (59%)
Yoshi	55,9±7,5	54,2±7,3	55,9±3,8	56,5±7,1
Tana vazni indeksi, kg/m2	29,5±6,4	35,6±4,5	33,4 ±8,1	34,4 ±5,9
Anamnezda AB, (%)	5 (25%)	12 (50%)	20 (70%)	11 (40%)
Anamnezda QD 2 tur davomiyligi, yil (o'rtacha)	-	4,4	8,7	10,2
SAB, mm sim. ust.	133,5±11,3	152,4±11,7	157,2±13,5	157,7±14,3
DAB, mm sim. ust.	88,7±5,8	96,6±4,2	98,1±7,4	98,34±7,6
YuQS, zarba/min	76,0±9,1	76,7±6,4	77,11±8,89	78,28±9,07
ChQG, %	59,7%	72,9%	83,7%	89,5%
Stenokardiya FS I-II	-	5 (21%)	4 (13,8%)	8 (29,6%)

3 jadvaldagi ma'lumotlar ko'rsatadiki, bemorlarning 86,7% da semizlik 1 daraja va 82,1% da chap qorincha gipertrofiyasi (ChQG) mavjud. ChQG esa o'z navbatida yurak qon tomir sababidan kelib chiqadigan o'lim xolatlarining asosiy prediktori xisoblanadi.

Bemorlarning uglevod almashinuvi natijalari tahlil qilinganda, kelgan vaqtlarida barcha bemorlarda uglevod almashinuvi ko'rsatkichlari qoniqarsiz deb baholandi. Ikkala tekshirilgan guruhda ham uglevod almashinuvi nazorat guruhiga nisbatan balandligi aniqlandi, shu jumladan och qorin glikemiyasi 1guruhda 31% ga, 2 guruhda 48% va 3 guruhda 43% ga, postprandial glikemiya 1 guruhda 37% ga, 2 guruhda 52% va 3 guruhda 54% ga, HbA1s esa 1 guruhda 20% ga, 2 guruhda 37% va 3 guruhda 39%ga oshgan.

QD 2 tur bilan og'rigan bemorlarning qonning biokimyoviy ko'rsatkichlari (M±m)

3-jadval

Ko'rsatkichlar	Nazoratguruhi n-20	1 guruh. 3-6 yil n=24	2 guruh. 6-9 yil n=29	3 guruh. 9-12 yil n=27
Naxorgi glikemiya, mmol/l	4,5±1,2	6,5±1,8*	8,5±1,0*	8,7±1,7*
Postprandial glikemiya, mmol/l	6,3±1,0	10,1±2,3*	14,5±3,0*	13,9±1,0*
HbA1c, %	5,5±0,5	6,9±1,0*	8,9±1,0*	8,8±1,3*
Umumiy xolesterin, mmol/l	4,3±0,7	5,7±2,1*	6,1±1,7*	5,8±1,4
Trigliseridlar, mmol/l	1,5±0,08	2,14±1,3*	2,46±1,51*	2,51±1,82*
YuZLP, mmol/l	1,35±0,4	1,0±0,4*	0,88±0,33*	0,91±0,37*
PZLP, mmol/l	2,9±1,8	3,49±1,5*	4,34±1,8*	4,02±1,30*

Eslatma:- nazorat guruhiga nisbatan ishonchlilik mavjudli (p<0,05)*

Bemorlarda lipid profil ko'rsatkichlari tekshirilganda, ularda Fredrikson bo'yicha birlamchi dislipidemiya tasnifiga asosan IIb fenotipli dislipidemiya aniqlandi. Bunda bemorlarda UX, trigliseridlar va PZLP yuqoriligi, YuZLP pastligi 4 jadvalda ko'rsatilgan. Ma'lumki qoniqarsiz glikemik nazorati va dislipidemiya QD 2 tur bilan og'rigan bemorlarda yurak qon tomir kasalliklarining xavf omillari sanaladi [8,21].

QD 2 tur bilan og'rigan bemorlarning AG darajalari.

4-jadval

GK darajalari	Nazorat guruhi n-20		1 guruh. 3-6 yil n=24		2 guruh. 6-9 yil n=29		3 guruh. 9-12 yil n=27	
	Soni	%	Soni	%	Soni	%	Soni	%
Normal AQB	10	50	3	12.5	2	7	0	0
Yuqori normal AQB	5	25	6	25	9	31	6	22
AG 1 daraja	4	20	14	58.5	12	41	13	48
AG 2 daraja	1	5	1	4	6	21	8	30

5 jadvaldan ko'rinib turibdiki, tekshirilgan bemorlarda AG 1 va AG 2 darajali bemorlar ustunlik qildi (59,2%). Shu bilan birga me'yoriy arterial qon bosimi bor bemorlar 10,8% va AG 3 darajali bemorlar 24,6% ham aniqlandi.

Bemorlarning shikoyatlari orasida eng ko'p bildirilgani oyoqlar uvushishiga bo'ldi – 2 guruhda 93,1%, 3 guruhda – 87,3%, 1 guruhda esa bu ko'rsatkich 60,5 % ni tshkil etdi, og'riqqa shikoyatni 1 guruhdagi bemorlarning eng ko'p nafari bildirdilar 76,3% 2 va 3 guruhda esa 85,5 va 45,8% bemorlar bildirdilar, va og'riq kechga borib kuchayadi, oyoqlarda yonish hissiyoti kabi shikoyatni – 1 guruhda 12,8% bemorlar, 2 va 3 guruhda esa 23,9 va 24,1% bemorlar, oyoqlarda paresteziya shikoyati esa – mos ravishda 12,9, 16,9 va 14,3% bemorlarda mavjud (6 jadval).

Tekshirilayotgan bemorlarning Pittsburg so'rovnomasida ko'rsatgan indeksi.

5-jadval

Guruhlar	Nazoratguruhi n-20	1 guruh. 3-6 yil n=24	2 guruh. 6-9 yil n=29	3 guruh. 9-12 yil n=27
Ball	4,81±0,65	6,16±0,39	8,74±0,91	10,89±0,77*

Eslatma:- nazorat guruhiga nisbatan ishonchlilik mavjudli (p<0,05)*

Keyingi bosqichda QD bilan og'rigan bemorlarning uyqu sifati o'rganildi. Uyqu sifatini o'rganuvchi vosita sifatida PSQI so'rovnomasi qo'llanildi. So'rovnoma 19 ta punktdan iborat bo'lib, uyqu sifatini 7 komponent asosida baholashga yordam beradi: uyquning subektiv sifati, uyquning latentligi, uyqu uzunligi, uyqu yetarliligining subektiv bahosi, uyqu buzilishi, uyqu chaqiruvchi dori vositalaridan foydalanish, kunlik faoliyat buzilishi. Pittsburg so'rovnomasi yordamida aniqlanganda, 1 guruhdagi bemorlarning o'rtacha uyqu sifati indeksi 10,89±0,77 ball (p<0,05) ni tashkil qildi va bu tekshirilayotgan bemorlarning uyqu sifati yomon ekanligini ko'rsatadi. Uyqu sifatida buzilishlari yo'q bo'lgan bemorlarda ushbu indeks 4,92±0,77 ballni tashkil qildi.

Xulosalar:

1. 2-tur diabet bilan og'rigan DPN bilan asoratlangan bemorlarning 100 foizida uyqu sifatining buzilishi aniqlangan. Buni Pitsburgh so'rovnomasi nazorat guruhida 4,81±0,65 ball, 1 guruhdagi bemorlarning o'rtacha uyqu darajasi indeksi 6,16±0,39 ball ni, 2 guruhda esa bu indeks 8,74±0,91ball tashkil qilgani va 3 guruhda 10,89±0,77*ballni (p<0.05) kurstadi. Bu uz navbtida DPN og'rikli shakli QD 2 turli bemorlarning uyqu sifatiga tasiri borligini yana bir tasdiqladi.

2. 2-tur qandli diabet bilan og'rigan 1 guruh bemorlarning 42 % da DPN ning subklinik bosqichi 50% ida klinik bosqichi, 2 guruh bemorlarda esa 69% holatda klinik bosqich va 14% holatda DPN og'ir kechishi aniqlandi, 3 guruh bemorlarda esa DPN ning og'ir darajasi 23% ni klinik bosqichi 70% ni tashkil qildi. Ko'rinib turibdiki QD 2 tur kasallik davomiyligi va DPN og'irlik darajasi to'g'ri korrelyatsiyalanadi

3. Uqyu buzilishi Bemorlarning hayot sifatini va glikemiya nazoratini yomonlashtiradi, bu esa o'z navbatida qandli diabet asoratlarini kuchayishigha olib keladi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Almoznino G, Benoliel R, Sharav Y, Haviv Y. Sleep disorders and chronic craniofacial pain: characteristics and management possibilities. [Текст] / 1. Almoznino G, Benoliel R, Sharav Y, Haviv Y. // Sleep Med Rev. — 2017. — № . — С. 39-50.

2. Argoff CE. The coexistence of neuropathic pain, sleep, and psychiatric disorders: a novel treatment approach. [Текст] / Argoff CE. // Clin J Pain. — 2007. — № 23(1). — С. 15-22.

3. Attal N, Cruccu G, Baron R, et al. EFNS guidelines on the pharmacological treatment of neuropathic pain: 2010 revision. [Текст] / Attal N, Cruccu G, Baron R, et al. // Eur J Neurol. — 2010. — № 17(9). — С. 1113-e88.

4. Bari§ N., Erdogan M., Sezer E., Saygili F., MertOzgönül A., Turgan N., Ersöz B. Alterations in L-arginine and inflammatory markers in type 2 diabetic patients with and without microalbuminuria [Текст] / Bari§ N., Erdogan M., Sezer E., Saygili F., MertOzgönül A., Turgan N., Ersöz B. // ActaDiabetol. — 2009. — № 46(4). — С. 309-316.

5. Benoliel R, Eliav E, Sharav Y. Self-reports of pain-related awakenings in persistent orofacial pain patients. JOrofac Pain. 2009;23(4):330–8.

6. Boyle, J. P., Thompson, T. J., Gregg, E. W., Barker, L. E. & Williamson, D. F. Projection of the year 2050 burden of diabetes in the US adult population: dynamic modeling of incidence, mortality, and prediabetes prevalence. [Текст] / Boyle, J. P., Thompson, T. J., Gregg, E. W., Barker, L. E. & Williamson, D. F. // Popul. Health Metr.. — 2010. — № 8. — С. 29.

7. N. Çakici, T.M. Fakkel, J.W. van Neck, A.P. Verhagen, J.H. Coert Systematic review of treatments for diabetik peripheral neuropathy [Текст] / N. Çakici, T.M. Fakkel, J.W. van Neck, A.P. Verhagen, J.H. Coert // Diabet Med. . — 2016. — № 33(11) . — С. 1466-1476.

8. Callaghan, B. C., Price, R. S., Chen, K. S. & Feldman, E. L. The importance of rare subtypes in diagnosis and treatment of peripheral neuropathy: a review. [Текст] / Callaghan, B. C., Price, R. S., Chen, K. S. & Feldman, E. L. // JAMA Neurol. . — 2015. — № 72. — С. 1510–1518.

9. Cheatle MD, Foster S, Pinkett A, Lesneski M, Qu D, Dhingra L. Assessing and managing sleep disturbance in patients with chronic pain. [Текст] / Cheatle MD, Foster S, Pinkett A, Lesneski M, Qu D, Dhingra L. // AnesthesiolClin.. — 2016. — № 34(2). — С. 379–93.

10. Colten HR, Altevogt BM,. Sleep disorders and sleep deprivation: an unmet public health problem. / Colten HR, Altevogt BM,. [Текст] // Sleep physiology. — Washington, DC: The National Academies Press; :Institute of Medicine (US) Committee on Sleep Medicine and Research.

11. D'Angelo R, Morreale A, Donadio V, et al. Neuropathic pain following spinal cord injury: what we know about mechanisms, assessment and management. [Текст] / D'Angelo R, Morreale A, Donadio V, et al. // Eur Rev Med Pharmacol Sci.— 2013. — № 17(23). — С. 3257–61.

12. Devor M, Wood I, Sharav Y, Zakrzewska JM. Trigeminal neuralgia during sleep. [Текст] / Devor M, Wood I, Sharav Y, Zakrzewska JM. // Pain Pract.. — 2008. — № 8(4). — С. 263–8.

13. Fan H, Yu W, Zhang Q, et al. Efficacy and safety of gabapentin 1800 mg treatment for post-herpetic neuralgia: a meta-analysis of randomized controlled trials [Текст] / Fan H, Yu W, Zhang Q, et al. // J Clin Pharm Ther.. — 2014. — № 39(4). — С. 334–42.

14. Finnerup NB, Attal N, Haroutounian S, et al. Pharmacotherapy for neuropathic pain in adults: a systematic review and meta-analysis. [Текст] / Finnerup NB, Attal N,

Haroutounian S, et al. // Lancet Neurol.. — 2015. — № 14(2). — С. 162–73.

15. Freynhagen R, Grond S, Schupfer G, et al. Efficacy and safety of pregabalin in treatment refractory patients with various neuropathic pain entities in clinical routine. [Текст] / Freynhagen R, Grond S, Schupfer G, et al. // Int J ClinPract.. — 2007. — № 61(12). — С. 1989–96.

16. Jennifer Zitser, Isabel Elaine Allen, Neus Falgàs, Michael M Le , Thomas C Neylan, Joel H Kramer, Christine M Walsh. Pittsburgh Sleep Quality Index (PSQI) responses are modulated by total sleep time and wake after sleep onset in healthy older adults. [Текст] / Jennifer Zitser, Isabel Elaine Allen, Neus Falgàs, Michael M Le , Thomas C Neylan, Joel H Kramer, Christine M Walsh. // Int J ClinPract.. — 2022 Jun 24. — № 17(6). — С. :e0270095. doi: 10.1371/journal.pone.0270095. eCollection 2022.

17. Lampl C, Schweiger C, Haider B, Lechner A. Pregabalin as mono- or add-on therapy for patients with refractory chronic neuropathic pain: a post-marketing prescription-event monitoring study. [Текст] / Lampl C, Schweiger C, Haider B, Lechner A. // J Neurol.. — 2010. — № 257(8). — С. 1265–73.

18. Markman JD, Jensen TS, Semel D, et al. Effects of pregabalin in patients with neuropathic pain previously treated with gabapentin: a pooled analysis of parallel-group, randomized, placebo-controlled clinical trials. [Текст] / Markman JD, Jensen TS, Semel D, et al. // Pain Pract.. — 2017. — № 17(6). — С. 718–28.

19. Roth T, van Seventer R, Murphy TK. The effect of pregabalin on pain-related sleep interference in diabetik peripheral neuropathy or postherpetic neuralgia: a review of nine clinical trials. [Текст] / Roth T, van Seventer R, Murphy TK. // Curr Med Res Opin. — 2010. — № 26(10). — С. 2411–9.

20. WHO World Health Organization. Diabetes. / WHO [Электронный ресурс] // www.who.int: [сайт]. — URL: https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/diabetes (2018). (дата обращения: 27.09.2023).

21. WHO World Health Organization. Diabetes. / WHO [Электронный ресурс] // www.who.int: [сайт]. — URL: https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/diabetes (2018).

22. IDF (2021 г.). Диабетический атлас IDF - 11-е издание: основные положения. / IDF(2021 г.). [Электронный ресурс] // https://diabetesatlas. org : [сайт]. — URL: https://diabetesatlas. org/key-messages. html (дата обращения: 27.09.2023).

УДК: 616. 33 002. 44+616. 342-002. 44)-07: 616.1

РАСПРЕДЕЛЕНИЕ ПОЛИМОРФНЫХ ЛОКУСОВ ГЕНА ИНТЕРЛЕЙКИНА IL10 (C592A) ПРИ ЯЗВЕННОЙ БОЛЕЗНИ И ОЦЕНКА ИХ ВКЛАДА В МЕХАНИЗМЫ ФОРМИРОВАНИЯ ЗАБОЛЕВАНИЯ

Хамраев А.А., Турсунова М.У., Нурмухамедова Н.С., Абдуллаев У.С.
Ташкентская Медицинская Академия, Ташкент, Республика Узбекистан.

YARA KASALLIGIDA INTERLEYKIN IL10 (C592A) GENINING POLIMORF LOKUSLARI TAQSIMLANISHI VA ULARNING KASALLIK SHAKLLANISH MEXANIZMLARIGA TA'SIRINI BAHOLASH

Hamraev A.A., Tursunova M.U., Nurmuhamedova N.S., Abdullaev U.S.
Toshkent Tibbiyot Akademiyasi, Toshkent, O'zbekiston Respublikasi.

DISTRIBUTION OF POLYMORPHIC LOCI OF THE INTERLEUKIN IL10 (C592A) IN PEPTIC ULCER DISEASE AND ASSESSMENT OF THEIR CONTRIBUTION TO THE MECHANISMS OF DISEASE FORMATION

Khamraev A.A., Tursunova M.U., Nurmuhamedova N.S., Abdullaev U.S.
Tashkent Medical Academy, Tashkent, Republic of Uzbekistan.

Аннотация: *Язвенная болезнь (ЯБ) представляет собой одно из наиболее распространенных заболеваний пищеварительной системы отличающееся рецидивирующим течением и характеризуется повреждением слизистой оболочки желудка и двенадцатиперстной кишки язвенным процессом более 3-5 мм, достигающим подслизистой оболочки. По оценке ведущих гастроэнтерологов мира, язвенная болезнь, в виду повсеместной распространенности и высокой частоты развития серьезных осложнений является национальной проблемой многих стран.*
Ключевые слова: *язвенной болезни желудка (ЯБЖ) и двенадцатиперстной кишки (ЯБДПК).*

Annotatsiya. *Yara kasalligi (YaK) ovqat hazm qilish tizimining eng ko'p uchraydigan kasalliklaridan biri bo'lib, takroriy kechishi bilan ajralib turadi va oshqozon va o'n ikki barmoq ichak shilliq qavatining 3-5 mm dan ortiq yuzasini shikastlanishi bilan tavsiflanadi. Jahonning yetakchi gastroenterologlarining fikricha, oshqozon yarasi kasalligi keng tarqalganligi va jiddiy asoratlarning yuqori tezligi tufayli ko'plab mamlakatlarning milliy muammosi hisoblanadi.*
Kalit so'zlar: *oshqozon va o'n ikki barmoq ichakning yara kasalligi.*

Annotation. *Peptic ulcer disease (PUD) is one of the most common diseases of the digestive system characterized by recurrent course and is characterized by damage to the mucous membrane of the stomach and duodenum by an ulcerous process of more than 3-5 mm, reaching the submucosa. According to leading gastroenterologists of the world, peptic ulcer disease is a national problem in many countries due to its widespread prevalence and high incidence of serious complications.*
Key words: *gastric ulcer disease (GUD) and duodenal ulcer disease (DUED).*

Введение. Результаты современных исследователей показывают, что распространенность язвенной болезни желудка (ЯБЖ) и двенадцатиперстной кишки (ЯБДПК) колеблется от 5 до 10% [2,3].

Данные же мировой статистики свидетельствуют о заболеваемости ЯБЖ, ежегодно регистрируемой у населения в западных странах в 0,1–0,3% случаях [1], тогда как в структуре заболеваний органов пищеварения язвенная болезнь двенадцатиперстной кишки (ЯБДПК) среди взрослого населения всех стран достигает от 7 до 10% [4].

В литературных источниках приведены сведения, свидетельствующие об увеличении новых случаев ЯБ среди людей трудоспособного возраста и что у 25-35% больных с манифестными формами заболевания в зрелом возрасте имеет место ее раннее начало [5,6].

Цель исследования: оценка распределения полиморфных локусов гена интерлейкина IL10 (C592A) при язвенной болезни и их вклада в механизмы формирования заболевания

Материал и методы исследования. Исследования проводились на основе выборки больных возрасте от 18 до 84 лет, с язвенной болезнью желудка и двенадцатиперстной кишки 2017-2020 гг. находившихся на стационарном лечении в многопрофильной клинике Ташкентской Медицинской Академии. Количество больных, включенных в исследование, составило 100 пациентов, среди которых с не осложненным течением язвенной болезни желудка (ЯБЖ) было 51 и с осложненным течением язвенной болезни двенадцатиперстной кишки (ЯБДПК) - 49. В контрольную группу вошли условно-здоровые доноры без патологий в гастродуоденальной зоне и других воспалительных заболеваний (n=85). Верификацию диагноза ЯБЖ и ДПК проводили согласно современным классификационным критериям по ВОЗ (МКБ 10, 1999). Молекулярно-генетическое исследование проводилось в лаборатории молекулярной генетики, цитогенетики и ФИШ на базе Республиканского центра гематологии.

Оценка отклонения распределений генотипов изученных полиморфизмов ДНК от канонического распределения Харди-Вайнберга (РХВ) проводилась с помощью компьютерной программы анализа генетических данных "GenePop" ("GeneticsofPopulation"). Относительное отклонение ожидаемой гетерозиготности от наблюдаемой (D) рассчитывали по формуле: D=(hobs–hexp)/hexp, где hobs и hexp – ожидаемая и наблюдаемая гетерозиготность соответственно.

Молекулярно-генетические методы включали в себя четыре этапа: 1-й этап – забор у больного биологического материала; 2- й этап - выделение ДНК из лимфоцитов периферической крови; 3-й этап - проведение стандартной полимеразной цепной реакции (ПЦР) и 4-й этап - проведение электрофореза и

визуализация полученных результатов стандартной ПЦР.

С помощью молекулярно-генетических методов проведена детекция полиморфизмов генов IL1β (T31C), IL1β (C3953T), IL10 (C592A), IL10 (G-1082A), PGS-1 α (G1444A). При выделении ДНК использовался набора реагентов «РИБОпреп».

Результаты исследования. Среди обследованной когорты больных с ЯБДПК и здоровых при оценке характера распределения ожидаемых (Hexp) и наблюдаемых (Hobs) частот генотипов полиморфного гена интерлейкина IL10 (C592A) установлено соответствие их каноническому распределению при равновесии Харди-Вайнберга (РХВ, p>0.05).

В частности, если среди больных с ЯБЖ и ДПК Hobs частоты генотипов C/C, C/A и A/A определялись в 0.71; 0.24 и 0.05 случаях при их Hexp частотах равных 0.69; 0.28 и 0.03, то в когорте здоровых Hobs и Hexp частоты аналогичных составили 0.8; 0.18; 0.02 и 0.79; 0.2; 0.01 соответственно.

Соответствие генотипов по полиморфному гену интерлейкина IL10 (C592A) в обеих исследованных группах доказывалось отсутствием статистически достоверной разницы между Hobs и Hexp частотами генотипов C/C, C/A и A/A ($\chi2$ =2.24; P=0.137; df=1 и $\chi2$ =1.05; P=0.291; df=1, соответственно).

Небольшое отклонение от панмиксии обнаружено при вычислении индекса гетерозиготности (D) по полиморфному гену интерлейкина IL10 (C592A) в когорте больных с ЯБДПК (D=-0.14) и здоровых (D=-0.9), что было связано с незначительным дефицитом наблюдаемых гетерозигот в обеих группах.

Приступая к определению распределения полиморфных локусов полиморфному гену интерлейкина IL10 (C592A) в здоровой когорте выявлено носительство основным C аллелем в 88.8%/151 и ослабленным A аллелем в 11.2%/19 случаях. Помимо этого, определено и распределение генотипических вариантов исследованного гена, что показало наличие основного C/C варианта у 80.0%/68, гетерозиготы C/A у 17.7%/15 и мутантной гомозиготы у 2.3%/2 обследованных здоровых.

Одновременно, в основной группе больных с ЯБЖ и ДПК основной C и ослабленный A аллели определены у 83.0%/166 и 17.0%/34 больных, а варианты генотипов C/C, C/A и A/A соответственно у 71.0%/71; 24.0/24 и 5.0/5 лиц с ЯБЖ и ДПК.

Оценка распределения аллелей и генотипов по полиморфному гену интерлейкина IL10 (C592A) в группах больных без осложнений и с осложнениями позволила установить наибольшее носительство основным аллелем среди больных с неосложненным течением ЯБ (C: 90.2%/92), а его наименьшее носительство определялось среди больных с осложненным течением. В соответствии с таким характером распределения основного аллеля доля ослабленного варианта (A) резко возрастала до 24.5%/24 в группе с осложненным течением заболевания, тогда как этот показатель среди всех обследованных групп оказался наименьшим (9.8%/10) в группе с неосложненным течением.

Более того, при изучении распределения генотипических вариантов в группе с неосложненной ЯБ установлено, что носительство основным генотипом C/C увеличивалось до 82.3%/42 при снижении гетерозиготы C/A и мутантной гомозиготы A/A до 15.7%/8 и 2.0%/1 случаев соответственно. Вместе с тем, в группе с осложненным течением активность основного C/C генотипа снижалась до 59.2%/29 при противоположном повышении активностей гетерозиготы C/A и мутантной гомозиготы A/A до 32.6%/16 и 8.2%/4 соответственно.

Таким образом, нами установлено снижение частот основного аллеля (C) и генотипа (C/C) при повышение частот неблагоприятных вариантов аллеля (A) и генотипов (C/A и A/A) по полиморфному гену интерлейкина IL10 (C592A) по сравнению со здоровыми в основной группе больных за счет их увеличения в группе больных с осложненным течением ЯБ. Эти данные, возможно, показывают снижение протективной роли основных аллеля и генотипа в отношении формирования ЯБ и осложненного течения, и, наоборот повышение активности неблагоприятных их вариантов по исследованному гену, способствующие повышению шанса развития заболевания и его тяжелого течения.

Достоверные утверждения выше приведенных предположений возможны при дополнительном сравнительном статистическом анализе выявленных различий в распределении полиморфных локусов по полиморфному гену интерлейкина IL10 (C592A) между группами больных и здоровых.

Анализ в основной группе больных в сравнении со здоровыми выявил (тут нет различий) отсутствие статистически достоверных различий между частотами аллелей и генотипов (A: 17.0% против 11.2%; $\chi2$=2.5; P=0.2; OR=1.6; 95% CI: 0.89-2.96; C/C: 71.0% против 80.0%; $\chi2$=2.0; P=0.2; OR=0.6; 95% CI: 0.31-1.21; C/A: 24.0% против 17.6%; $\chi2$=1.1; P=0.3; OR=1.5; 95% CI: 0.72-3.03; A/A: 5.0% против 2.4%; $\chi2$=0.9; P=0.4; OR=2.2; 95% CI: 0.43-11.13), что показывает отсутствие их самостоятельной ассоциации с повышенным шансом развития ЯБДПК.

В группе больных без осложнений ЯБ в сравнении со здоровыми также не установлены факты различий с достоверно значимым характером между долями аллелей и генотипов (A: 9.8% против 11.2%; $\chi2$=0.1; P=0.8; OR=1.9; 95% CI: 0.39-1.94; C/C: 82.4% против 80.0%; $\chi2$=0.1; P=0.8; OR=1.2; 95% CI: 0.48-2.85; C/A: 15.7% против 17.6%; $\chi2$=0.1; P=0.8; OR=0.9; 95% CI: 0.34-2.22; A/A: 2.0% против 2.4%; $\chi2$<0.84; P=0.9; OR=0.8; 95% CI: 0.07-9.36). В свою очередь, статистически незначимые различия между исследованными полиморфными локусами гена интерлейкина IL10 (C592A) доказывает отсутствие их самостоятельной ассоциированности с повышенным шансом формирования не осложненного течения заболевания.

В то же время, в сравнении со здоровыми, среди больных с осложнениями ЯБ обнаружена иная картина, где мы видим статистически значимое увеличение долей неблагоприятного аллеля A в 2.6 раз (A: 24.5% против 11.2%; $\chi2$=8.2; P=0.01; OR=2.6; 95% CI: 1.35-4.93) и гетерозиготного варианта генотипа C/A в 2.3 раза (32.7% против 17.6%; $\chi2$=3.9; P=0.05; OR=2.3; 95% CI: 1.01-5.07). Более того, в отношении мутантной гомозиготы A/A среди больных этой группы прослеживалась тенденция к ее повышению по сравнению со здоровой категорией лиц в 3.7 раза (8.2% против 2.4%; $\chi2$=2.5; P=0.2; OR=3.7; 95% CI: 0.72-18.89).

Следовательно, установленные статистически достоверное увеличение частот неблагоприятных A аллеля и гетерозигота C/A, а также тенденция к повышению частоты мутантной гомозиготы A/A свидетельствуют о повышении шанса формирования осложненного течения ЯБДПК в 2.6 ($\chi2$=8.2; P=0.01), 2.3 ($\chi2$=3.9; P=0.05) и 3.7 ($\chi2$=2.5; P=0.2) раза соответственно.

В свою очередь, исследованными полиморфные локусы гена интерлейкина IL10 (C592A) имеют

самостоятельный вклад в механизмы формирования осложненной формы ЯБДПК.

Вклад неблагоприятных вариантов аллеля (A) и генотипов (C/A и A/A) полиморфного гена интерлейкина IL10 (C592A) в механизмы формирования осложненной формы ЯБДПК доказывают и статистически достоверные различия, обнаруженные между группами без и с осложнениями ЯБ.

Из данных приведенных в таблице 4.21 (где таблица?) очевидно, что среди больных с осложнениями ЯБ по сравнению с больными без осложнений заболевания, наличие статистически значимого увеличения носительства неблагоприятными аллелем А в 3.0 раза (A: 24.5% против 9.8%; χ^2=7.6; P=0.01; OR=3.0; 95% CI: 1.37-6.48) и гетерозиготного варианта генотипа C/A в 2.6 раза (32.7% против 15.7%; χ^2=3.9; P=0.05; OR=2.6; 95% CI: 1.01-6.71), а также выраженной тенденции к повышению мутантной гомозиготы A/A в 4.4 раза (8.2% против 2.0%; χ^2=2.0; P=0.2; OR=4.4; 95% CI: 0.57-34.7).

Заключение. Таким образом, изучение распространенности полиморфного гена интерлейкина IL10 (C592A) в группах больных с ЯБЖ и ДПК и здоровых выявило отсутствие самостоятельного вклада изученного полиморфизма гена в повышении шанса развития ЯБДПК и неосложненного течения заболевания (χ^2<3.84; P>0,05).

Однако, по сравнению со здоровыми шанс формирования осложненного течения ЯБДПК статистически значимо повышался при носительстве неблагоприятных аллеля А в 2.6 раз (χ^2=8.2; P=0,01) и гетерозиготного варианта генотипа C/A в 2.3 раза (χ^2=3.9; P=0,05), а также наблюдалась тенденция к повышению этой формы ЯБДПК в 3.7 раза (χ^2=2.5; P=0,2) среди носителей мутантной A/A гомозиготы.

Наряду с этим, по сравнению с неосложненной формой установлено статистически достоверное увеличение шанса формирования осложненной формы ЯБ при носительстве неблагоприятных А аллеля в 2.6 (χ^2=8.2; P=0,01) и гетерозиготы C/A в 2.3 раза (χ^2=3.9; P=0,05), с тенденцией к повышению риска развития осложненного течения ЯБДПК в 3.7 (χ^2=2.5; P=0,2) раза среди носителей мутантной A/A гомозиготы.

Все это доказывает, что участие неблагоприятных вариантов аллеля (A) и генотипов (C/A и A/A) полиморфного гена интерлейкина IL10 (C592A) в патогенетических механизмах формирования осложненной формы ЯБДПК.

Список литературы:

